O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931 yildan chiqa boshlagan | 2003 yil 1 fevral, shanba | № 10 (7515)

ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27-29 январь кунлари давлат ташрифи билан Испания Қироллигида бўлди

Европани Африка билан боғловчи ҳудудда жойлашган Испания Қироллиги нафақат жўғрофий қулайлиги, балки иқтисодий салоҳияти, савдо ва сайёҳлик соҳаларидаги имкониятлари жиҳатидан ҳам жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатнинг йиллик ялпи ички маҳсулоти қарийб 700 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Испания дунёда тинчликни сақлаш, халқаро террорчиликка қарши курашда ҳам фаол иштирок этаётган давлатлардан. Бундай мамлакат билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш яхши самара бериши табиий.

Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасидаги дипломатия муносабатлари расман 1992 йили ўрнатилган бўлса-да, халқларимиз орасидаги борди-келди кўп асрлик тарихга эга. Шу боис ҳам Президентимизнинг Испанияга сафарини том маънодаги тарихий ташриф, деб аташ мумкин.

«Эл Пардо» қароргоҳидаги расмий кутиб олиш маросими чоғида Испания миллий гвардияси ва суворийлар иштирокида ўтказилган ҳарбий парад мезбон томон Президентимиз ташрифига алоҳида тайёргарлик кўрганидан, Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ҳурмат ғоят юксак эканидан далолат беради.

Ислом Каримовнинг Қирол Хуан Карлос Биринчи билан суҳбати мобайнида Ўзбекистон-Испания муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Испания Қиролининг расмий хонадони бўлмиш «Сарсуэла» саройида уюштирилган қабул маросимида икки давлат раҳбарларининг «Эл Пардо»да бошланган самимий суҳбати янада кенгроқ тарзда давом этди. Жумладан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик масалалари қаторида террорчиликка қарши кураш муаммоси ҳам муҳокама этилди.

Сиёсий жабҳада Ўзбекистон билан Испаниянинг муносабатлари изчил ривожланмоқда. Хусусан, БМТ, Европа Иттифоқи, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик мавжуд. Испания ҳам Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор. Шу боис бу мамлакат афғон заминидаги тикланиш ишларида фаол иштирокчилар сафидан жой олган. Мамлакатларимизнинг кўпгина халқаро ва минтақавий миқёсдаги муаммоларга муносабатлари ҳам бир-бирига яқин ё ўхшашдир.

Ижтимоий соҳадаги муносабатларимизнинг ҳам қамрови кенг. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида кўплаб иқтидорли ёшларимиз Испаниянинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим оляпти. Мазкур дастур Испания илмий доиралари томонидан юқори баҳоланган. Ўтган йили унинг асосий ташаббускори ва ижодкори бўлган Президентимизга Испаниянинг машҳур Алкала де Энарес университети фахрий доктор унвонини берган эди. Ислом Каримовнинг Испанияга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамжиҳатлик меморандумига имзо чекилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги алоқалар мамлакатларимизнинг имконият ва салоҳияти даражасида эмаслиги ташриф давомида алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон — Испания савдо-иқтисодий муносабатлари ривожига қандай омиллар тўсиқ бўляпти, деган савол туғилади.

(Давоми 2-бетда)

"БАҲОНА БИЛАН МАКТАБ ИСИМАЙДИ"

"Маърифат" 2003 йил 8 январь

Газетамизнинг махсус мухбири Абдусаттор Содиқовнинг шу номли мақоласида Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги М.Ҳусанов номидаги 39-мактабда қишга тайёргарлик ўз вақтида кўрилмагани учун қиш мавсумининг даслабки кунлари совуқ келиши сабабли ўқувчилар анча қийналиб қолишгани тилга олинган эди. Ачинарли томони мактаб иситиш тизими табиий газга уланган бўлишига қарамай, таълим маскани маъмуриятининг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндошганликлари боис, иситиш тизимидаги баъзи, унча катта бўлмаган нуқсонлар бартараф этилмасдан икки ўқув йилидан буён ишлатилмай келинаётган эди.

Яқинда таҳририятимизга Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Мирзабеков номидан ушбу мақолага муносабат билдирилган жавоб хати келди. Унда жумладан, шундай дейилади:

Bizga javob beradilar

"Маърифат" газетасининг 2003 йил 8 январдаги 3-сонида чоп этилган "Баҳона билан мактаб исимайди" сарлавҳали мақола Жиззах туман халқ таълими бўлимининг 2003 йил 10 январдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилиб, 39-ўрта мактаб директори Б.Нурматов, мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари М.Ўскановларга маъмурий чора кўрилди. Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ш.Ўрозбоев ва хўжалик ишлари мудири Р.Норматовлар эса эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди.

Мақола вилоят халқ таълими бошқармасининг 2003 йил 29 январдаги ҳайъат йиғилишида ҳам муҳокама қилиниб, туман халқ таълими бўлими мудири Ў. Маҳмудовга таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарликни етарли даражада таъминланмаганлиги, таълим-тарбия жараёни устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун ҳайфсан эълон қилинди.

Мактабнинг иситиш тармоғи қисқа муддатда қайта кўриб чиқилганлиги туфайли бугунги кунда етарли иссиқлик билан таъминланди.

С. МИРЗАБЕКОВ,
Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғи

"Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчиси Бахтиёр Хуррамов Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги 3-ихтисослашган мактаб ўқувчиларига кимё фанидан мукаммал билим бермоқда. Ўқитувчи мазкур кўрик-танловда ўз касбининг етук устаси эканлигини намойиш этиб, 3-ўрин совриндори бўлди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ПУХТА БИЛИМ БЕРИШ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ
3-бет

МАВЗУ ТАБИАТГА БОҒЛАНСА...
4-бет

"ҲАЁТГА КЎНГИЛ КЎЗИ БИЛАН ҚАРАЙЛИК"
5-бет

ОЛТИ ЁШЛИ БОЛА
у мактабга тайёрми?
6-бет

БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА
7-бет

МАКТАБДА НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ
8-9-бетлар

ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ: РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДАН ЖАҲОН САРИ
10-бет

ШОИР ВА ТАРЖИМОН
11-бет

ДАРСДА СУД ЖАРАЁНИ
12-бет

Европанинг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган Мадрид эшиклари Ўзбекистон халқи учун доим очиқ эканлигига ишора эди бу.

SAMIMIY TABRIKLAR

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovga tavalludining 65 yilligi munosabati bilan xorijiy davlatlar va hukumatlar, jamoat tashkilotlari rahbarlaridan ko'plab tabriknomalar kelmoqda.

Ularda Prezidentimizning davlat rahbari sifatidagi faoliyatiga yuksak baho berilib, mamlakatimiz istiqlolga erishishi, iqtisodiy islohotlarning amalga oshirilishi, xalqaro maydonda yurtimiz nufuzining oshishi, Markaziy Osiyoda barqarorlik va xavfsizlikning ta'minlanishi Islom Karimovning nomi bilan bevosita bog'liqligi ta'kidlanadi.

OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 30 yanvar kuni Rossiya Federatsiyasi Prezidenti ma'muriyatining rahbari Aleksandr Voloshinni qabul qildi.

Uchrashuvda ikki mamlakat o'rtasidagi hamkorlik aloqalarini yanada kengaytirish, mintaqamizda xavfsizlikni mustahkamlash, shuningdek, tomonlarni qiziqtirgan boshqa masalalar yuzasidan fikr almashildi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

"SOG'LOM HAMJAMIYATLAR" GRANTLAR DASTURI

Respublika Milliy matbuot markazida "Sog'lom hamjamiyatlar" deb nomlangan qo'shma uch yillik grant dasturining boshlanishiga bag'ishlangan matbuot anjumani bo'lib o'tdi.

Ushbu dastur aholining salomatlikka nisbatan mas'uliyatini shakllantirishga yordam beruvchi nodavlat notijorat tashkilotlari (NNT), jamoa tashkilotlari (JT) va jamoa guruhlarini (JG) qo'llab-quvvatlash maqsadida tayyorlandi. Dasturga jamoalar harakatlarini qo'llab-quvvatlash, sog'liqni saqlash kabi grantlar turi kiritilgan.

Grantning ustuvor yo'nalishlariga sog'lom ovqatlanish va kamqonlikning oldini olish, ayollar salomatligi, reproduktiv salomatlik va huquqlar, oilani sog'lomlashtirish, sog'lom onalik, bolalar salomatligi, bolalar uchun keng qamrovli sog'liqni saqlash dasturlari, gigiyena va sanitariya, qishloq boshlang'ich tibbiyot muassasalarining ishini yaxshilash, aholi salomatligi uchun katta ahamiyatga ega bo'lgan boshqa mavzular, dastlabki rivojlanish bosqichida bo'lgan tashabbuskor guruhlar va NNTlarning loyihani amalga oshirish bo'yicha haqiqiy imkoniyatlariga asoslanadigan innovatsion g'oya va rejalarni aks ettiruvchi loyihalar kiradi.

ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг фикрича, бу аввало ахборот танқислигидир. Хусусан, испан ишбилармонларида Ўзбекистонда қандай соҳалар устувор эканлиги, қаерда ҳамкорликда бизнес очиб, катта фойда олиш мумкинлиги, хориж сармояси учун яратилган шарт-шароит ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумотлар кам. Демак, биринчи навбатда, ахборот танқислиги муаммосини бартараф этиш керак. Бунинг учун икки мамлакат ишбилармонларининг бевосита мулоқотини ташкил этиш, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларининг ўзаро бордикелдиларини фаоллаштириш зарур.

Бу фикрлар Президент Ислом Каримовнинг «Монклоа» саройида Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар билан суҳбати чоғида ҳам алоҳида қайд қилинди. Давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг айни кундаги аҳволи икки томонни ҳам қониқтирмаслигини айтди. Иқтисодий алоқалар, Испания сармоясини Ўзбекистонга жалб қилиш бирмунча суст. Бугун мамлакатимизда Испания сармояси иштирокида атиги олтита қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ваҳоланки, икки мамлакатнинг мавжуд имконият ва салоҳияти, захиралари ҳамкорликда кўплаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун етарли.

Давлатимиз раҳбарининг испан ишбилармонлари билан учрашуви жуда қизиқарли ўтди. Савол жавобларга бой бўлди. Мулоқот чоғида испан тадбиркорлари Ўзбекистонга нечоғли қизиқиш билдираётгани аён бўлди.

Ўзбекистонда ишлаётган испан ишбилармонларидан бири ўзбек тилида сўз бошлаганида, барча қарсак чалиб юборди. У ўз ҳамкасбларини Ўзбекистонда бизнес қилишга чақирар экан, юртимиз гўзалликлари, халқимизнинг азалий анъаналари, меҳмондўстлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик бизнес самарадорлигининг асосий кафолати эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Банко Билбао Веская Аргентария» («ББВА») Испаниянинг энг йирик молиявий муассасаларидан бири. Ислом Каримов ана шу банк бошқаруви аъзолари билан учрашди. «ББВА Трейд» компанияси раиси ва ижрочи директори Леополдо Лопес Фугет Балистерас, мазкур муассасанинг Европа ва Осиё мамлакатлари бўйича директори Януш Пиотрович ва «ББВА» бош менежерининг ўринбосари Эмилио Хуан билан ўтказилган суҳбат чоғида молиявий муносабатлар ривожи, Испания сармоясини Ўзбекистонга кўпроқ киритишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Испания парламенти икки палатадан — Сенат ва Депутатлар конгрессидан иборат. Ислом Каримовнинг мамлакат олий қонун чиқарувчи органига келиши муносабати билан Сенат ва Депутатлар конгрессининг доимий қўмиталари қўшма йиғилишга тўпланди.

Сенат раиси Хуан Хосе Лукас Хименес Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида етакчи ўрин тутишини, мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш борасида ўзига хос йўлни танлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланишини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги парламент ислоҳоти, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва таълим соҳаларидаги ўзгаришлар, минтақадаги бугунги вазият ҳақида сўзлади. Икки мамлакат парламентларининг ўзаро алоқасини кучайтириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбарига парламентнинг махсус медали ва 1978 йилда қабул қилинган Испания конституциясининг нусхаси тақдим этилди. Конституция ҳар бир давлатнинг эркинлиги ва мустақиллигини кафолатловчи бош қонундир. Шунинг учун ҳам у энг азиз меҳмонларга, мамлакатнинг яқин дўстларига туҳфа этилади. Ислом Каримов Сенатнинг «Олтин китоби»га дастхат битди.

Ташриф асносида икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасида Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Испания Қироллиги Иқтисодиёт вазирлиги ўртасида ҳамжиҳатлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Испания Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги маслаҳатлашувлар меморандуми шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатлар орқали ҳамкорликни оқсатаётган кўпгина муаммоларга ечим топилади. Иқтисодиёт вазирликлари муносабатларининг расмийлаштирилиши уларнинг ўзаро алоқаларни фаоллаштириши, камчиликларни баҳамжиҳат ҳал этиб, сармоя, товарлар ва хизматлар оқимига кенг йўл очишига имкон яратади. Сармояларнинг қонунан рағбатлантирилиши ва ҳимояга олиниши эса ишбилармонларнинг бир-бирига ишончини мустаҳкамлайди.

Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳужжат имзоланиши улар зиммасига савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасидаги ишларни мувофиқлаштириш баробарида, икки мамлакат муносабатларига оид бошқа масалаларни бамаслаҳат ҳал этиш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Президенти Мадрид шаҳри мэриясига ташриф буюрганида мэр Хосе Мария Алварес дел Манзано Ислом Каримовга тантанали равишда ўз шаҳрининг рамзий «Олтин калити»ни топширди. Европанинг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган Мадрид эшиклари Ўзбекистон халқи учун доим очиқ эканлигига ишора эди бу.

Мадрид жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда давлатимиз раҳбари шаҳарнинг ўзига хос чиройи, меъморий ечими, тарихий бинолари катта таассурот қолдирганини таъкидлади. 600 йил аввалги Мадрид ҳам жуда гўзал бўлган. Испания Қироллиги билан мустаҳкам алоқа ўрнатган Соҳибқирон Амир Темур Муҳаммад ал Қозийни ушбу давлатга элчи қилиб жўнатган.

Таъкидлаш жоизки, учрашув қадимий Испаниянинг машҳур элчиси Руи Гонсалес де Клавихо номи билан аталадиган кўчада жойлашган бинода бўлиб ўтди. Мэрнинг айтишича, Клавихо соҳибқирон Амир Темур ҳузурига тарихий сафарга отланганига бу йил 600 йил тўлади. Шу муносабат билан шаҳар маъмурияти мазкур сафар ва ўша давр ҳақида кўргазма тайёрлаш ниятида экан. Мэр жаноблари мамлакатимиз раҳбаридан ушбу тадбирни ўтказишда ҳамкорлик ва ёрдамини аямаслигини сўради. Кўргазмани кейинроқ Тошкент ва Самарқандда ҳам ўтказиш таклифини айтди.

Испания сайёҳлик юксак даражада ривожланган давлатлар сирасига киради. Биргина ана шу соҳадан ҳар йили мамлакат ғазнасига 34 миллиард АҚШ долларига яқин маблағ тушади. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) бош қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг сайёҳликни ривожлантириш борасидаги имкониятлари бу мамлакатникидан қолишмайди. Ислом Каримов ЖСТ бош котиби Франческо Франжиалини қабул қилган чоғида Ўзбекистондаги ана шу имкониятдан самарали фойдаланишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Президентимизнинг ташрифи, учрашувлар давомида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар тез орада ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Зеро, ташриф давомида томонларнинг юқори кайфияти, бир-бирига юксак ҳурмати яққол намоён бўлди. Бу эса истиқболда ҳамкорликнинг янги-янги қирралари очилиши, кўлами янада кенгайишига ишончни мустаҳкамлайди.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Мадрид-Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИНГ ИЛМИЙ ЭЪТИРОФИ

Ғарбда бутун дунё нигоҳи қадалган Марказий Осиё минтақасининг марказий давлати бўлмиш Ўзбекистонга эътибор катта. Сиёсатчилар ва иқтисодчиларнинг мамлакатимиздаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб боришига табиий ҳол сифатида қараш мумкин, деб ҳисобланса, нуфузли илмий доираларнинг кузатувини улкан ислоҳотлар жараёнига катта қизиқиш, дейиш мумкин.

Ушбу ислоҳотлар, давлат ва жамиятнинг, халқ хўжалигининг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар бошида турган Президент Ислом Каримовнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик ва ижодкорлик маҳорати шу чоқ-қача хориждаги ўнлаб нуфузли илм даргоҳлари томонидан кўп бор эътироф этилиб, муносиб баҳоланган.

Франциянинг Париж-4, Сорбонна ва Париж-Сюд 11 университетлари "Президентлик фаолиятининг фахрий дипломи"ни таъсис этган. У халқ таълими тизимидаги ислоҳотларга, таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга, шунингдек, халқлар ўртасида дўстона муносабатларни равнақ топтиришга улкан ҳисса қўшган давлат раҳбарларига берилади.

Айни кунларда Париж-4, Сорбонна ва Париж-Сюд 11 университетлари президентлари Жорж Молинье ҳамда Ксавье Шапиюза мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. 30 январь куни Оқсаройда улар Президент Ислом Каримов қабулида бўлди.

Меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз раҳбари қадимий "Сорбонна" номи нафақат Франция, балки бутун Европа таълим тизимида эталон сифатида қабул қилинишини, Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг Сорбонна тизимидаги университетларга эҳтироми баланд эканини таъкидлади.

Европанинг энг қадимий университетларидан бири — 1215 йили асос солинган Сорбонна дастлаб 4 факультетга эга эди. Орадан йиллар, асрлар ўтиб, у мисли кўрилмаган даражада кенгайди. 1968 йили Франция олий таълим соҳаси қайта қурилганидан кейин бу улкан университет бир нечта мухтор олий ўқув юртига бўлинди.

"Сорбонна" деган ягона ном билан аталувчи Париж-1, Париж-3, Париж-4 ва Париж-5 университетлари ягона инфратузилма ҳамда умумий маъмурий ва ўқув муассасаларига эга. Университетлараро кутубхона, Олий таълимнинг амалий мактаби, Миллий хартиялар мактаби, Париж университетлари девонхонаси ва Академик ректоратни шулар жумласига киритиш мумкин.

Университетларнинг ҳар бири умумий манфаатга хизмат қиладиган бирор вазифани бажаради. Масалан, Париж-5 университетлараро тиббий хизмат, Париж-4 ягона ҳужжатлаштириш маркази ва радиостанция, Париж-3 маданий марказ ва ахборот агентлиги, Париж-1 матбаа марказига эга. 1770 йили фаолият бошлаган Сорбонна кутубхонасининг бойлиги эса, бошида 20 минг том билан ўлчанарди. 1997 йили ундаги китоблар сони 3 миллиондан ошиб кетди.

Алоҳида олинганда ҳам мазкур университетларнинг ҳар бири — жуда катта таълим муассасаси. Масалан, Париж-4 Сорбоннадаги йигирмага яқин факультетда 25 минг талаба таҳсил олади. Университет ҳузурида бир неча илмий-тадқиқот институтлари, малака ошириш марказлари бор.

1965 йили Сорбонна таркибидан ажралиб чиққан Париж-Сюд 11 ҳақида ҳам шунга монанд маълумотларни келтириш мумкин. Бу ерда 19 ихтисос бўйича 26 минг талаба таҳсил олади. Кўплаб илмий марказлар, технология институтлари ва бошқа муассасалар бор. Илмий тадқиқотлар сифати бўйича ушбу университет Францияда илғорлардан саналади.

Мазкур икки университет бир неча йилдан буён Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келади. Хусусан, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Самарқанд ва Бухоро давлат университетлари билан алоқалар кўлами анча катта.

Оқсаройдаги учрашувда бу ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида меҳмонлар халқ таълими тизимидаги ислоҳотларга, таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқлар ўртасида дўстона муносабатларни равнақ топтиришга, демократик жамият қурилишига қўшган улкан ҳиссаси учун Ислом Каримовга "Президентлик фаолиятининг фахрий дипломи"ни топширди.

Мамлакатимиз раҳбари бундай эътибор учун миннатдорлик билдирар экан, ушбу диплом Ўзбекистондаги улкан ўзгаришларга Франция илмий доиралари томонидан берилган юксак баҳо эканлигини таъкидлади.

(ЎзА)

"Yil maktabi — 2002"

ПУХТА БИЛИМ БЕРИШ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Жорий йилнинг 28-29 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан "Йил мактаби — 2002" республика кўрик-танлови ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган мазкур кўрик-танлов ўзига хослиги билан бошқа тадбирлардан кескин фарқ қилди. Гап шундаки, Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати аъзолари жойларга чиқишиб, ўқувчиларга Давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълим бераётган, информацион технологиялардан таълим жараёнида самарали фойдаланаётган, иш тажрибаларини кенг кўламда оммалаштираётган илғор педагогик жамоалар — Тўрткўл туманидаги 30-мактаб, Марҳамат туманидаги 3- ихтисослашган мактаб-интернати, Бухоро шаҳридаги 17-мактаб, Жиззах шаҳридаги 22- иқтидорли ўқувчилар мактаби, Поп шаҳридаги "Тиббиёт ва доришунослик" йўналишига ихтисослашган интернат-мактаби, Қизилтепа туманидаги 13-мактаб, Каттақўрғон шаҳридаги 3-мактаб, Сирдарё вилояти ХТБ сига қарашли хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернати, Қизириқ туманидаги 2-мактаб, Марғилон шаҳридаги 29-мактаб, Ҳамза туманидаги 307-мактаб, Боғот туманидаги 1-мактаб, Ўрта Чирчиқ туманидаги 1-мактаб, Косон туманидаги 11-ихтисослашган мактаб-интернати фаолияти билан яқиндан танишдилар. Дастлаб, ҳакамлар Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ижроси, ҳукуматнинг таълимга оид қарорлари, таълим бошқарув органларининг қарор ва буйруқлари бажарилиши, мактаб теварак-атрофи ва биносининг ҳолати, ўқув хоналарининг жиҳозланиши, ўқитувчилар томонидан тайёрланган методик ишлар, кўргазмали қуроллар, мактабда инновация, янги педагогика технологиясининг жорий этилиши, ўқувчиларнинг тўгарак ва мактабдан таш-қари таълим муассасаларига жалб этилиши, улар томонидан тайёрланган ижодий ишлар, мониторинг хонасининг жиҳозланиши, ундаги ички назорат ва ДТС ижроси натижаларини бирма-бир кўздан кечирдилар.

Шунингдек, илм масканлари жамоаларининг моддий-техника базаси, ўқувчиларнинг дарсликлар, ўқув услубий ва бадиий адабиётлар билан таъминлаганлиги, уларнинг билим самарадорлиги, мактаб, туман (шаҳар), вилоят, республика фан олимпиадалари, спартакиада, кўрик-танловлардаги иштироки (3 йиллик таҳлил), 11-синф битирувчиларининг ўқув юртларига кириши, шу билан бирга илм масканларининг мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги ҳамда сармоядан ташқари маблағ топиш борасидаги изланишлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Республика таълим марказида ўтказилган беллашувнинг дастлабки куни ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси аъзолари томонидан кўрик-танловда иштирок этаётган мактаблар фаолияти акс этган видео тасвирлар таҳлил қилинди. Сўнгра тўпланган ҳужжатлар ва экспертларнинг хулосалари асосида мактаб жамоалари иши баҳоланди.

Танловнинг иккинчи куни иштирокчилар мактабда амалга оширилаётган илғор тажрибаларини 12 дақиқа давомида саҳнада намойиш қилишди. Шундай қилиб, кўрик-танлов якунида Сирдарё вилояти хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб жамоаси юқори натижа (365,7 балл)га эришди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, бу жамоа биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 307-мактаб (361,5 балл) ва Наманган вилояти Поп шаҳридаги 50-интернат-лицей (361,7 балл) жамоалари иккинчи, Жиззах шаҳридаги 22-иқтидорли ўқувчилар мактаби (357,4 балл), Қизилтепа туманидаги 13-мактаб (349,7 балл) ҳамда Каттақўрғон шаҳридаги 3-мактаб (346,7 балл) учинчи ўринларни эгалладилар.

Танлов якунида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов ғолиб ва совриндорларни самимий қутлаб, биринчи ўринни эгаллаган жамоага вазирликнинг I даражали дипломи ва компьютер синфи мажмуаси берилишини, қолган ғолибларга дипломлар ва махсус совғалар топширилишини эълон қилганида, бу хабар зўр олқишлар билан кутиб олинди. Шунингдек, у танлов иштирокчиларига Халқ таълими вазирлиги фахрий ёрлиғи ва мукофотларини ҳам тақдим этди.

Сўнгра танлов қатнашчиларини Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамғармалар, ҳомий ташкилотлар ҳам ўзлари таъсис этган мукофот ва совринлар билан тақдирлашди.

Танлов ниҳоясига етганидан кейин ғолибликни қўлга киритган жамоа раҳбарларини суҳбатга чорладик ва улар эришган муваффақиятлар сири нималигги билан қизиқдик.

Саодат ФАЙЗИЕВА, Сирдарё вилояти хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернат директори:

— Биринчи навбатда бутун вужудимни ҳаяжон қамраб олган. Иккинчидан, бу ғолиблик — мактаб ўқитувчилари меҳнати натижаси. Чунки, раҳбарларнинг бир ўзи ҳеч нарсага эриша олмайди. Жамоамизда фидойи, ишлайдиган, изланадиган ўқитувчилар ишлашади. Ана шу фидойилик сабаб ўқувчиларимиз билим самарадорлиги юқори бўлаяпти. Биргина вилоят фанлари олимпиадаларида ҳар йили мактабимиз ўқувчиларидан 8-10 нафари совринли ўринларни эгаллашаётир. Инглиз тили фани ўқитувчиси Дилором Шарипова, математика фани ўқитувчиси Раъно Жомуротова шогирдлари шу йилнинг март ойи охирларида бўлиб ўтадиган республика фан олимпиадасида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади.

Сетора ИМОМНАЗАРОВА, Наманган вилояти Поп шаҳридаги 50-лицей-интернат директори:

— Муваффақиятга эришишимизнинг боиси жамоамиз якдил бўлиб, бир ёқадан бош чиқарган ҳолда меҳнат қилганлиги ва доим изланишда бўлганлигида, деб биламан. Шу билан бирга ўқитувчиларимиз ҳар бир дарсда янгиликлар, илғор иш усулларини қўллашга ҳаракат қилишаяпти. Ҳозир биология фани ўқитувчиси Ҳамидахон Юнусова, математика фани ўқитувчиси Райхон Аъзамхонова, инглиз тили фани муаллимаси Роза Гулиева тажрибасини кўпгина ўқитувчилар ўрганиб кетишаётир.

Светлана БОЧКАРЁВА, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 307-мактаб директори:

— Мактабимизда инглиз тили, математика фанлари чуқурлаштириб ўқитилади. Ундан ташқари, спорт ва педагогикага йўналтирилган синфлар очганмиз. Мактабдаги таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида 61 та турли хил тўгараклар фаолият кўрсатаяпти. Демак, булар ўғил-қизларимиз қобилияти ривожига ҳар томонлама йўл очади. Ўқитувчиларимиз учун эса очиқ дарслар ташкил қилиб борилади. Бу усул орқали уларни ижодкорликка бошлаяпмиз. Ўқитувчи ижодкор бўлган жойда ўқувчи билими, тушунчаларни ўзлаштириши ўз-ўзидан яхшиланади.

Кўриниб турибдики, ғолиб жамоаларнинг илм равнақи йўлида олиб бораётган ишлари самараси ижодкор ўқитувчи меҳнатига, унинг изланишлари натижасига бориб тақалаяпти. Илғор жамоаларда меҳнат қилаётган муаллимлар ўқувчиларга пухта билим беришни фаолият мезонларига айлантиришмоқда. Машъалдор ўқитувчилар — машъалдор жамоа.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов иштирокчиларни тақдирлаш маросими якунида ўринли таъкидлаб ўтганидек, ушбу жамоалар тажрибаларини республика миқёсида оммалаштириш, уларнинг иш усулларини кенг тарғиб, ташвиқ қилиш зарур ва шарт.

Дарҳақиқат, бизнингча ҳам шундай.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Суратларда: "Йил мактаби —2002" республика кўрик-танловидан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

Tadbir

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИ

Куни кеча Чилонзор тумани ХТБга қарашли 336-"Бегойим" қизларни соғломлаштиришга йўналтирилган мактабгача таълим муассасасида "Мактабгача таълим муассасаларида мониторинг таълим ва у асосида болалар билимини баҳолаш" мавзусида шаҳар семинари бўлиб ўтди. Унда "Учинчи мингйилликнинг боласи" давлат таянч дастурида кўзда тутилган мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларидан бири — болаларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантиришга қаратилган билимларини аниқловчи модуллар билан таништириш, янги, кўпқиррали ташхис шаклларидан фойдаланиш каби масалалар юзасидан тренинг ўтказилди.

Тадбирда туман ХТБ мудири М. Абдалимов, ХТБ услубхона мудири Л. Маҳмуджонова, мактабгача таълим муассасалари услубчиси Л. Абдукаримовалар ўз маърузалари билан чиқиш қилдилар. Шундан сўнг мазкур масканда тарбияланаётган қизчалар тожикча, хоразмча рақсларни намойиш этишди. Ўзбек мумтоз адабиёти намоёндаларининг ғазаллари, Ҳ.Олимжоннинг "Водийларни яёв кезганда" шеърларини маҳорат билан ижро этишди. Тадбирнинг танаали қисми тугагач, муассаса мудири З. Абирова бошчилигида боғча бўйлаб сайёҳат уюштирилди. Бу масканда 170 нафар қизларга таълим-тарбия берилиб, асосан уларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантирувчи муҳитга қаратилган эътибор барчага манзур бўлди.

МУХБИРИМИЗ

Amaliy mashg'ulotlar

Бугунги кунда аксарият умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим-тарбия жараёни асосан аёллар гарданига тушиб қолаётганлиги сир эмас. Ваҳоланки, бола тарбиясида эркак ўқитувчиларнинг берадиган ўгитлари, кўрсатадиган йўл-йўриқлари муҳим аҳамиятга эга. Бу фикрга "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернати кимё фани ўқитувчиси Бахтиёр Хуррамовнинг ўз дарс ўтиш маҳорат, билим ва иқтидори билан нафақат ўқувчиларга, балки айрим ўқитувчиларга ҳам ўрнак бўла олганлигида яна бир бор амин бўлдик. Эътиборлиси, кўрик-танловнинг муҳим шартларидан ҳисобланган ўқитувчининг касбий билимини аниқловчи нотаниш синфда (Тошкент шаҳридаги 110-мактабнинг 8-"Б" синфида) дарс ўтиш услуби ҳайъат аъзолари ва эксперт гуруҳи мутахассисларининг барчасига бирдек маъқул тушди. Қуйида ушбу дарс тафсилотларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашиб бўлгач, дарсни йўқлама қилишдан бошлади.

Ўқитувчи: — Азиз ўқувчилар, биласизми нега "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танлови айни сизнинг мактабингизда ўтказилаяпти? Чунки сиз юртимизда камол топаётган кўплаб энг билимдон ва зукко ўқувчилардансиз. Бу сизга билдирилган ишончнинг бир кўриниши ҳамдир. Келинг, ана шу ишончни билим олишга бўлган ўз изланишларимиз орқали исботлашга ҳаракат қилайлик. Аввалдан эслатиб ўтиш жоизки, бугунги дарсимизда кимё фанидан эгаллаган билимларингиз баҳолашнинг рейтинг тизими асосида баҳоланади. Бу эса ўқитувчи учун сиздаги кимё фанини ўрганишга бўлган интилишни холис ўрганиш имконини берса, иккинчи томондан сиз — ўқувчиларнинг кўпроқ ўқиб-ўрганишингизга туртки бўлади. Шу боис дарсда бор билимингизни ишга солиб имкон қадар кўпроқ балл тўплашга ҳаракат қилинг. (Баҳолаш мезонлари ёзув тахтасига ёзиб қўйилади.)

1. Тест савол — жавобларига — 10 балл.

2. Оғзаки жавобларга — 5 балл.

Шунда 17-20 балл тўплаган ўқувчига "5 баҳо қўйилса, 14-16 балл йиғган ўқувчи "4", 11-13 балл эгасига эса "3" баҳо, 7-10 ҳамда 1-6 баллгача тўплаган ўқувчиларга эса "2" ва "1" баҳолар қўйилади.

Ўқитувчининг бундай тартибда дарсни бошлаши, яъни энг биринчи галда ўқувчилардаги ҳаяжонни босиш ва ўзига бўлган ишончини ошириб, сўнгра рейтинг тизими талабларини ўқувчиларга уқтириш орқали улардаги фаолликни оширишга даъват этиши дастлабки ютуқ бўлди. Зеро, замонавий педагогик технология асосида ўтилган дарсда ўқувчи асосий ўрин тутиши маълум. Ўқитувчи эса йўналтирувчи вазифасини бажаради холос.

Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчилар фикрини бир ерга жамлаш ва ўтилган аввалги машғулотларни такрорлаш мақсадида барча ўқувчиларга бешта саволдан иборат тест топшириқларини тарқатди. 3 дақиқа ичида берилган тест саволларига жавоб топишга ҳаракат қилган ўқувчилар ўз дафтарларига якуний хулосаларни қайд этиб бўлгач, ўқитувчи бир партада ўтирган ўқувчиларнинг жавобларини текширишлари учун дафтарларини алмаштиришни сўради. Ва тестнинг ёзув тахтасида яширилган тўғри жавоблари калитини кўрсатди. Ҳар бир жавобни ўзи қайтадан изоҳлаб берди. Эътиборлиси, ўқувчиларга йўлланган тест саволлари ҳам шунчаки жавоб талаб қиладиган тестлар бўлмай, балки ўқувчи қизиқишини оширади. Масалан, 3-рақамли тест саволларига эътибор қаратдиган бўлсак, у қуйидагича тузилган: **саволларга тўғри жавоблар топсангиз яхна ичимликларидан бирининг номи келиб чиқади.**

1. Даврий системани кашф этган олимнинг исми?

А) Ломоносов, **F) Менделеев,** N) Вюртс, Т) Юнусов.

2. Қуйидагилардан қайси бири оксид?

A) CuO, F) $MgCl_2$, N) HNO_3, T) KCN

3. Ош тузининг формуласи қайси?

A) $NaNO_3$, F) Kcl, **N) Nacl,** T) KNO_3

4. Қуйидаги қайси модда таркибида фосфор мавжуд?

А) Ca $(NO_3)_2$ F) $Al_2(SO_4)_3$, N) Mg $(CNS)_2$ **T) Ca $(H_2PO_4)_2$**

5. Тартиб рақами 16 бўлган элементнинг нисбий атом массаси қанча?

A) 32, F) 20, N) 31, T) 35,5

Эътибор беринг, ўқитувчининг саволлари ўқувчидан аниқ жавоб талаб қилиш билан бирга мушоҳадаталаб ҳамдир. Бундан ташқари, энг аввало, юртимизда ҳар бир соҳада кечаётган туб ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамияти қуриш эканлигини ўқувчиларга тушунтирган ўқитувчи бу жамиятни қуришда ҳар бир ўқувчининг ҳам ҳиссаси борлигини таъкидлади. Бунда эса улардан ҳар бир жараёнга одилона ва оқилона ёндошиш лозимлиги билдирилиб, бу борадаги дастлабки қадамлардан бири ўз ёнида ўтирган партадошининг тест саволларига берган жавобларини холисона баҳолаш эканлиги айтилгач, ўқувчилар юкланган вазифага масъулият билан ёндошишга киришдилар.

Сўнгра, янги мавзу ёзув тахтасига ёзилди.

Дарс мавзуси: Тузларнинг гидролизи ва унинг амалий аҳамияти.

Дарснинг мақсади: а) Тузларнинг гидролизи тўғрисида илмий тушунчалар бериш; в) Мавзу бўйича экологик ва иқтисодий билимлар бериш.

Дарс жиҳозлари: туз намуналари, лакмус қоғози, колбалар, диапроектор, видео воситалар ва турли хил тарқатма материаллар.

Дарс ўтиш усули: савол-жавоб, муаммоли вазиятлар яратиш.

Режа:

1. Тузлар ва гидролиз тўғрисида илмий тушунчалар бериш.

2. Тузларнинг келиб чиқишига кўра турлари.

3. Тузларнинг гидролизланишини назарий ва амалий жиҳатдан кўрсатиш.

4. Тузлар гидролизининг амалий аҳамияти ва бу соҳада ижод қилган ўзбек олимлари.

Ўқитувчи: — Молекуласи металл ионлари ҳамда кислота қолдиқларидан таркиб топган мураккаб моддалар **тузлар** деб аталади. Тузларни асослар ва кислоталарнинг ўзаро таъсиридан ҳосил бўлган маҳсулот сифатида ҳам қараш мумкин. Шунга кўра, тузларни тўрт тоифага ажратамиз:

1. Кучли асос ва кучли кислоталардан ҳосил бўлган тузлар — Nacl, $Cacl_2$, K_2SO_4, $Ba(NO_3)_2$...

2. Кучли асос ва кучсиз кислоталардан ҳосил бўлган тузлар — Na_2CO_3, $Ca(NO_2)_2$, K_2S, CH_3COONa,...

3. Кучсиз асос ва кучли кислотадан ҳосил бўлган тузлар — $CuSO_4$, $Fecl_3$, Zn $(NO_3)_2$, $Al_2(CO_4)_3$,...

4. Кучсиз асос ва кучсиз кислотадан ҳосил бўлган тузлар — $(NH_4)_2CO_3$, CuS, $Fe(NO_2)_3$,...

Тузлар қайси турда бўлмасин сувда эритилганда ионларга ажралади. Ҳосил бўлган туз ионлари сув молекулалари билан ўзаро таъсирлашади.

Туз ионларининг сув молекулалари билан ўзаро таъсирлашиб, кучсиз электролитлар ҳосил қилиши, тузларнинг **гидролизи** деб аталади. Гидролиз сўзи грекча бўлиб, "gidro" — сув, "lizis" — ажралиш маъносини беради.

Кучли асос ва кучли кислотадан ҳосил бўлган тузлар гидролизга учрамайди, яъни туз ионлари сув молекулалари билан ўзаро таъсирлашиб, кучсиз электролит ҳосил қилмайди. Балки кучли электролитлар ҳосил қилади. Масалан,

$Nacl+H_2O \leftrightarrow NaOH+ Hcl$ m.t.

$Na^{+}+cl^{-}H_2O \leftrightarrow Na^{+}+ OH^{-}+H^{+}+cl^{-}$ t.i.t

$H_2O \leftrightarrow OH^{-}+H^{+}$ q.i.t

Бу реакция тенгламасидан ҳам кўриниб турибдики, тузнинг катиони ҳам, аниони ҳам сув молекулалари билан ўзаро таъсирлашгани йўқ, балки эркин ионлар ҳосил қилаяпти. Шунинг учун ҳам эритма муҳити нейтрал бўлиб қолади.

Кучли асос ва кучсиз кислотадан ҳосил бўлган тузлар аниони бўйича гидролизланади. Бунда эритма муҳити кучсиз ишқорий бўлади.

$K_2CO_3+H_2O \leftrightarrow KHCO_3+KOH$ m.t.

$2K^{+}+CO^{2-}_3+H_2O \leftrightarrow K^{+}+HCO^{-}_3+K^{+}+OH^{-}$ t.i.t

$CO^{2-}_3+H_2O \leftrightarrow HCO_3^{-}+OH^{-}$ q.i.t

Реакция тенгламасидан кўриниб турибдики, CO^{2-}_3 сув молекулалари билан ўзаро таъсирлашиб, HCO^{-}_3 ионларни ҳосил қилаяпти. Натижада эритмада ортиқча OH^{-} ионлари ҳосил бўлаяпти. Бу эса ўз навбатида эритма муҳитини ишқорий бўлишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўқитувчи янги мавзуни ўтиш давомида дарсда билдирилган фикрларни тажриба-синовдан ҳам ўтказиб, моддалар таркиби ва кўриниши билан ўқувчиларни таништиргач, ўтилган мавзуни табиат билан ҳам боғлашга ҳаракат қилди.

Тузлар табиатда жуда кенг тарқалган. Жумладан, тупроқ таркибида бир қанча тузлар минераллар кўринишида бўлади. Ёмғир ёққанда ёки ўсимликларни суғорганда мана шу тузлар гидролизланади ва тупроқ эритмаси кислотали ёки ишқорий муҳит касб этиб қолади. Натижада бу ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади. Масалан, ғўза ўсимлиги (кучсиз) нейтрал ёки кучсиз ишқорий муҳитда яхши ўсиши тажрибада аниқланган. Ўзбекистон ерларида Na_2CO_3, $NaHCO_3$, Mg $(HCO_3)_2$ каби тузлар кўп бўлганлиги учун еримиз кучсиз ишқорий муҳит касб этади. Ишқорийликнинг ўтиб кетиши тупроқнинг эррозия (емирилиши)га сабаб бўлади. Эррозиянинг олдини олиш учун тупроққа кислотали муҳит ҳосил қиладиган тузлар — минераллар сифатида солинади.

Рўзғорда ишлатиладиган кир ювиш содаси (Na_2CO_3) ва совун ($C_{17}H_{35}COONa$)нинг матони тозалаш хусусияти ҳам уларнинг гидролизланишидан ишқорий муҳит ҳосил қилишига асосланган.

Мавзу якунида ўқитувчи ўқувчиларнинг олган янги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ўртага ўтилган мавзуга доир бир неча саволлар ташлаб, жавоб олгач, улар эътиборини телевизор экранига қаратди. Янги мавзу бўйича ўқувчилар мустақил фикрлаши учун видеотасвир ёрдамида қуйидаги кўргазмали тест саволлари берилди:

Бешта колба олиб, унинг ичига моддаларнинг формулалари, ионлар ёзиб қўйилган ва шу колбачалар тест жавоблари сифатида А, В, С, Д, Е ҳарфлари билан белгиланади. Тест саволлари TV саволлари сифатида ўқилади (телевизордан) ва ўқувчилар шу саволларга экранда кўриниб турган белгиланган колбачалар ичидан топиб, жавоб калитини тузадилар.

Дарс ниҳоясида ўқитувчи ўқувчилар билимини дарс давомида берилган тест саволларига жавоби ҳамда машғулотда фаол иштирок этишига кўра баҳолади ва изоҳлаб, энг кўп балл тўплаган I, II, III ўрин соҳибларини тақдирлаш мақсадида алоҳида тайёрланган махсус кўчма медаллар билан мукофотлади. Бу эса ўқувчилардаги билим олишга бўлган интилишни оширишга хизмат қилишган бўлиши шубҳасиз.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
ёзиб олди.

Дарс жараёнидаги суратларни Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган.

Асад Дилмурод Ургутнинг Қоратепа қишлоғидан. У журналистика мактабида “пишиб, қайнаб” ёзувчиликка қадам қўйган. Хозирги вақтда Асад Дилмурод “Ўзбеккино” акциядорлик компаниясида бош муҳаррир.

Меҳмонимизнинг илк ҳикоялари матбуотда 1970 йилдан бери кўрина бошлаган. У “Тош бургут”, “Сирли зина”, “Мулк”, “Гириҳ”, “Интиҳо”, “Оймомо кулчаси”, “Тоғлар, сукут сақламанг”, “Оқ аждар сайёраси” қиссалари, “Маҳмуд Торобий”, “Фано даштидаги қуш” романлари орқали минглаб мухлислар орттирди. Москвада “Тош бургут” (“Каменний сокол”) китоби (1987) чоп этилган. Туркияда чиққан туркий халқлар адабиёти энциклопедиясига таржимаи ҳоли ва “Маҳмуд Торобий” романидан парча киритилган. У — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Mehtonxona

Асад ДИЛМУРОД:

“ҲАЁТГА КЎНГИЛ КЎЗИ БИЛАН ҚАРАЙЛИК!”

— Ёзувчилик — ҳузур-ҳаловатдан бенасиб касб. У қаерда юрмасин, ўйлайди, кузатади, одамларнинг гапига қулоқ тутади, образли гап эшитса, дарҳол ён дафтарчасига қайд қилади, хаёлан қаҳрамонлар яратади. Абдулла Қаҳҳор таъбирича, “Ёзувчи адабиётга икки хил киради: биринчи асари билан тутаб, биринчи асари билан яшнаб киради”. Суҳбатимизнинг бисмиллосини шу йўсинда бошлаганим сизга эриш туюлмаётгандир. Таниқли ёзувчи сифатида бу касбнинг машаққатлари нимада эканлиги сизга кундек равшан...

— Ёзувчилик санъаткорликдир, шунинг учун уни касбга қиёслаш унча тўғри бўлмаса керак. Маҳорат сирларини пухта эгаллаган адиб сўзни заргарона ишлатиб, қаҳрамоннинг руҳий дунёсига кириб боради, воқеа-ҳодисаларни иложи борича ичкаридан ёритишга интилади ва шунинг баробарида халқ дилию тилида турган гапни топиб айтади. Менимча, игна билан қудуқ қазигандек бу ишнинг асосий машаққати ҳам мана шундадир ва кўп ҳолларда бу борадаги узилишлар муваффақият йўлига ғов қўяди.

Очиқроқ шарҳласак, ижод, айниқса бадиий ижод дард чекишдир. Сўзга ўзини бағишлаган адиб, сўнгсиз эврилишлардан иборат азоб ичра роҳатланади,шу боис ҳар қанча қийналмасин, ортга чекинмайди, аксинча ўзини шамга урган парвонадек тўлғоқлар гирдобига ташлайверади. Бинобарин, ижодий санчиқни ҳис этмаган ва бу санчиқдан лаззатланмаган қалам соҳиби охир-оқибат адабий сафсатабозлик қурбонига айланади.

Сизу биз билган, дунёга танилган кўпдан-кўп ёзувчи, шоирлар ижоднинг уқубатли довонларини қўрқмасдан эгаллай олган, эътиқодда, иймонда собит, нияти холис етук шахслардир, улар яратган сарчашмалар авлоддан авлодга боқий мерос бўлиб ўтаверади.

—Таҳририятимизда хизмат қилган устоз журналистлардан бири кўп такрорларди:“Ёзувчи бўламан деган киши газетада ишламаслиги керак. Газета ижодни “ўлдирадиган” жой”. Лекин аксарият ёзувчилар газетада, журнал таҳририятларида ишлаб, шаклланишган. Бу фикрга сизнинг муносабатингиз қандай?

— Газета ижодни ўлдиради, деган фикрга тўла-тўкис қўшилмайман, бу фикр бир ёқлама ва ҳеч қачон ўзини оқламайди. Узоқ йиллар газета “нони”ни еган ёзувчи, журналист сифатида шуни таъкидлайманки, газета ҳар қандай ижодкорни аввало фикрлашга, сўзни ҳис қилишга, таҳрирга ўргатади. Ниҳоят, муҳими газета бўлажак адибни катта ҳаёт сари йўллайди, уни бой ҳаётий материаллар билан қуроллантириб, даврнинг эл назарига тушган кишиларига рўпара қилади. Ана шу жараёнда у ҳам ҳаётни, ҳам одамларни кузатади, ўз қалб дунёсини изтироблару кечинмалар билан бойитади. Худди ана шу нарса — ижтимоий захира келгусида халқчил,жонли, ишонарли, бадиий бақувват асар яратилишига туртки беради. Дунё адабиёти ва миллий адабиётимиз микёсида бунга кўплаб мисоллар келтира оламиз.

Айни пайтда танганинг иккинчи томони ҳам бор. Таҳририятда тер тўкаётган ёзувчи, айниқса, у энди иш бошлаётган ва тажрибасиз бўлса, йиллар ўтиши билан газета руҳига мослашиб боради ва натижада изчил бадиий тасвир йўналишидан узоқлашиб, кўнгил оламига назар ташлашдек қобилиятидан ажралади, услубида ҳиссий ифодалар ўрнини баёнчилик эгаллай бошлайди. Фалон адиб қаламига гезета иқлимининг касри урган, қабилидаги гаплар қулоққа чалиниши шундан бўлса ажаб эмас.

—Китоб дўконларини сиз ҳам айлансангиз керак. Катта-катта ёзувчиларнинг асарлари ҳам ўз харидорини кутиб, “мунғайиб” турганини кўриб, ичингдан зил кетасан, киши. Айрим ёшлар 400 сўмга сигарета олиб чекиши мумкину лекин китоб дўконидан худди шу нархдаги китобни сотиб олишга пулини кўзи қиймайди...

— Мустақиллик халқимизга кўпдан-кўп унутилган моддий бойликлар, маънавий неъматларни қайтарганини миннатдорлик туйғуси билан эътироф этамиз. Ҳозирда инсоний комиллик, маънавий етуклик, қалб гўзаллиги ва поклиги, виждоний софлик, иймон ва эътиқод барқарорлиги хусусида кўп баҳслашадиган бўлдик. Лекин амалда аҳвол қанақа, гапни қуруқ олиб қочиб, нуқул бир жойда депсинмаяпмизми? Оддий ёзувчи сифатида бу савол устида кўп бош қотираман ва посангидаги нотекисликни кузатиб, афсус чекаман.

Бу ўринда мен вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар туфайли нафс балоси хуруж қилаётганию, ҳамиша ҳимояга муҳтож бўлган кўнгил гавҳарлари босиб, янчиб ўтилаётганини назарда тутаяпман.

Вақти-замонида аллома-шоиримиз Аҳмад Яссавий, нафсни тепиб ўтгил, токи дилинг поклансин, деб лутф қилганида том маънодаги инсоний етуклик моҳиятига таъриф бергани бор ҳақиқатдир. Бу ҳикмат ҳозирги кунда ҳам таъсирчанлиги, кўрку жозибаси билан қалбимиз мулкига айланиши керак. Асосий гап китоблар сотилмаётгани ва харид қилинмаётгани устида эмас, ҳамма бало шундаки, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланган бебаҳо маънавий меросимизга, шунинг билан бирга бугунги адабиёт, театр, тасвирий санъат, илм-фан ютуқларига бегонасираб, нописандлик билан қараётган алоҳида гуруҳлар (бошқа нима ҳам дейсан?) пайдо бўлаётгани сезилади. Улар чалинган “касаллик” жамиятнинг мусаффо қатламларига ҳам юқаётганидан кўз юмолмаймиз. Ҳа, мол-дунёга ҳирс қўйиш иллати кўпчилигимизни ўз комига тортаётир. Оқибатда турли қатламларда маънавий қашшоқлик белгилари юзага қалқиб чиқди. Дошқозонларда ош дамлаб, мойли солимлар бериб, кўпкарили-курашли тўйлар қиламиз, никоҳ базмларида ресторан ва кафеларда юзлаб улфатларни тўплаб, оғиз-бурунларидан оқадиган даражада ичимликка тўйдирамиз. Лекин ота-оналар бўйи етиб қолган , дунёга ташналик билан боқаётган дилбандига нари борса 2-3 минг сўмлик романларни олиб беришга пулини қизғонишади.

Шу ўринда мактаб ўқувчиларининг олтиндан қиммат вақтини телевизор ўғирлаб, ҳавога совураётганини алоҳида ачиниш билан таъкидлагим келади. Мириқиб китоб ўқиш, куни билан дарс тайёрлаш ўрнига улар экран қаршисида бемалол ётиб олиб, турмуш тарзимизга ёт кинолавҳаларни кўрадиларки, бунинг салбий оқибатларини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Унутмаслик керакки, телеэкран тасвирлари тафаккури ва қувваи-ҳофизаси эндигина шаклланаётган, навниҳолларнинг мия ҳужайраларини фикрлашга ўргатмайдиган соя-ифодалар билан тўлдиради, оқибатда кичкинтойлар китобдан маъно ўзлаштириш қобилиятидан маҳрум бўлади. Китоб нафақат тафаккуримизни олмосдек ўткирлаштиради, айни пайтда кўнглимиз кўзини очиб, ҳис-туйғуларимизни тарбиялаб, дунёни кенгроқ кўламда идрок этишга ўргатади. Қисқаси, китобдан яхшироқ дўст ҳам, ҳамроҳ ҳам ва ниҳоят устоз ҳам йўқдир.

— Инсондаги хотиралар вақт-бевақт унинг хаёл кўзгусида жонланади. Илк асарингиз, унинг дунёга келиши, матбуотда эълон қилинишини бугунги даражангиз билан ўлчай туриб, хаёлингиздан нималар ўтади?

— Дастлаб камина назмга ишқибоз эдим. Талабалик пайтимда республика матбуотида шеърий машқларим мунтазам босиларди. Қизиғики, кўпроқ наср ўқирдим, гениал рус ёзувчиси И.С.Тургеневнинг “Арафа” романи асосида диплом иши қилдиму, наср жону дилим бўлиб қолди. Адашмасам, 1971 йилда илк ҳикоям — “Осмоннинг бир парчаси”ни ёздим,у “Ёшлик” альманахида ёруғлик кўрди. Кейинроқ, 1978 йилда шу ном остида “Ёш гвардия” нашриёти “Авторнинг биринчи китоби” туркумида ҳикоялар тўпламимни босмадан чиқарди.

Вақт дунёси қанчалар тез оқаркан: илк китобим мухлислар қўлига теккандан бери роппа-роса чорак аср ўтибди. Бир йигит вояга етадиган муддат! Ва камина бу давр мобайнида ижоднинг ноойдин, нотаниш сўқмоқларида хом хаёлга берилиб, изтироблар оловига чулғаниб, сарсону саргардон озмунча кездимми? Ҳам завқ, ҳам азият билан қалам тебратиб, нималарга эришдиму нималарни бой бердим? Албатта, бу хусусда холис, ҳаққоний хулосани зуккотаъб ўқувчилар айтади. Мен эса илк ҳикояларим билан кейинги йилларда битилган асарларимни солиштирар эканман, кўз олдимда аввало юқорида эслатганим — изланишлар билан боғлиқ азиятли меҳнат гавдаланади. Ҳикоядан қиссагача, қиссадан романгача бўлган масофа жуда олисдир. Шунинг билан бирга шубҳалару иккиланишларга тўла... Қоғоз узра мук тушганинг-да, моҳиятни топдимми, нишонга тегизаяпманми, асосий воқеани ёзаяпманми ёки уни четлаб ўтдимми, қаҳрамоним руҳий оламига кира олдимми, қабилидаги мулоҳазалар миянгда чарх уриб туради.

— Шу ўринда мавзудан сал четлашсак. Жалолиддин Румий XXI асрда ҳам бош ҳарфлар ила ёзишга арзийдиган шахс. Ана шу тарихий шахс қиёфаси ҳақида, унинг ижоди ҳақида билганларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Даҳолар орасида даҳо бўлган Мавлоно Жалолиддин Румий ҳақида сўз айтиш осон эмас. Сабабики, аллома шоир таълимоти илдизларини ҳали теран англамадик, у қолдирган ижод сарчашмасидан энди-энди баҳраманд бўла бошладик.

Шарқнинг барча донишмандлари Жалолиддин Румийни ўзларига устоз деб билишган, масалан, ҳазрат Алишер Навоий Румийга чуқур ихлос қўйиб, уни “Насойимул муҳаббат” асарида кўкларга кўтариб улуғлайди. Чиндан ҳам шарқ фалсафаси, илму ҳикмат, тасаввуф илмини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган Жалолиддин Румий адабий мероси ва таълимоти барҳаётдир. Айниқса, “Улуғ девон”и, “Маснавий-маънавий” куллиётида шоир мураккаб сўфиёна мулоҳазалар атрофида баҳслашади. Интиҳосиз қудратга эга инсон ақли, руҳияти, қалби мўъжизаларини ҳайратомуз бадиий маҳорат билан тасвирлаб беради, айни пайтда, тасаввуф ва фалсафа рукнларини омухта этган ҳолда, руҳ ва кўнгил диалектикасини ҳаққоний таърифлайди.

Камина Жалолиддин Румий дунёси билан илк марта Радий Фишнинг роман-хроникаси орқали танишиб ҳайратга тушган эдим. Кейинроқ шоирнинг Жамол Камол таржимасидаги шеърларини ўқиб, алломалар пирига меҳрим тағин ҳам ортди. Иқтидорли ёш олим Улуғбек Абдуваҳоб туркчадан ўгирган “Ичиндаги ичиндадир” (“Фиҳи мо фиҳий”) рисоласи қўлимга тушганда, кўз ўнгимда тафаккурнинг бетакрор ва бебаҳо хазинаси гавдалангандек туюлади.

Мавлоно Румий барча замонлар учун бирдек тегишли бўлган мутафаккир шоир, покланиш таълимотини яратган башоратгўй, нафаси ўткир донишманддир. Шундай экан, камолот сари интилаётган ҳар бир инсон унинг ижодий меросидан баҳраманд бўлиши лозим.

— Асад ака, суҳбатимизнинг кириш қисмида ёзувчилик ҳузур-ҳаловатсиз касб, дедим. Ўз асарларингиз устида ишлашингиз қандай кечади? Мабодо, қайта туғилиш бахтига эришсангиз, яна шу касбни танлаган бўлармидингиз?

— Менимча, ижодий жараён, янги асар бошлаш ва уни кўнгилдагидек якунлаш аввало мавзуни, услубий йўналишни тўғри белгилаш, ниҳоят, сўзни идрок этишдан бошланади. Қўлимга қалам олганимда, тасаввуримда турли воқеа-ҳодисалар, турли қиёфалар қаторлашиб ўта бошлайди, уларни драматик зиддиятларга асосланган муайян чизиққа бирлаштиришим осон кечмайди. Дастлабки вариантда асар “суяги”ни қотириб олишга тиришаман, кейин “эт” беришдек мураккаб жараённи бошдан кечираман. Бу моҳиятга яқинлашиш, қаҳрамон билан биргаликда руҳий қийноқлар гирдобига тушиш, ҳар бир детал, ҳар бир сўзни юрак орқали ўтказиш демакдир.

Ёзувчилик — азалдан пешонага битилган қисмат, истаган тақдирингда ҳам ундан қочиб қутулолмайсан. Шундай экан, қайта туғилганимда ҳам ўша қисмат яна қўлимга қалам тутқазган бўлар эди, бунга шубҳа қилмайман.

— Мактаб йилларингиз тоғли Ургут туманининг қишлоқларидан бирида кечган. Болалик, ўсмирлик, ёшлик тез ўтиб кетадиган давр, аммо уларнинг хотираси сизни тарк этмайди. Сизнинг қалбингизни забт этган муаллим ким эди?

— Қишлоғимни эсласам, ҳозир ҳам юрагимга ўт тушади; тасаввуримдан кўк билан ўпишган кўрғошин тусли чўққилар, бир-бирига мингашган ўркачсимон қирлар, асов сой, қушлар чуғури тинмайдиган боғ-роғлар... бирин-сирин гавдаланади. Баъзан Ургутга, қолаверса, қишлоғим Қоратепага хос романтика кўнглимга ижод завқу шавқини солмаганмикин, дея хаёлга ҳам толаман.

Очиғи, мен учун қишлоғим табиатидаги бетакрор улуғворлик бир тарафу, шу қишлоқ қоқ ўртасида, Гулдирота деган тепалик яқинида жойлашган мактабнинг навқиронлик орзу-ҳаваси ва ғайрат-шижоати безаган жўшқин ҳаёти бир тараф эди. Камина илк бор ўзимни ўша даргоҳда таниганман, аниқроғи, касб-корига содиқ, зиё таратишдан бошқа ташвиши бўлмаган устозларим саъй-ҳаракати билан кўнглимга назар ташлаганман.

Қишлоғимиздан чиққан Саидмурод Очилов деган бошланғич синф ўқитувчиси бўларди. Хушфеъллик, жонкуярлик билан қалбимизга йўл топа олгани ҳозиргидек ёдимда... У ўз тақдирини мактабсиз тасаввур қилолмасди, шунинг учун ҳам у бизнинг ташналигимизни фақат билими билан эмас, меҳри билан ҳам қондирган бўлса керак.

Фақат мени эмас, бошқа тенгқурларимни ҳам илмга, китобга қизиқтирган, келажакка ишонч билан қарашга ўргатган Саттор Жумаев, Усмон Бурҳонов каби қаттиққўл, талабчан, меҳрибон муаллимларимга бир умр қуллуқ қиламан.

— Иллат излаганга иллатдир дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдир дунё,
Ким нeники изласа топгай бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё,
дея шеър битади шоирлардан бири. Суҳбатимизни ана шу тўртликнинг матндаги ифодаси билан якунласак.

— Бу тўртликда инсон ҳаётининг ибтидосидан интиҳосига қадар чўзилган олис масофа ўзининг тўлиқ мазмун-моҳияти билан акс этган, десам муболаға бўлмас. Келинг, унинг мағзини чақайлик-да, ёруғ оламга, боқий ҳаётга кўнгил кўзи билан қарашни ўрганайлик.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

Ҳар бир ҳудудда аниқланган 6 ёшли болаларнинг ҳаммаси ҳам тиббий кўрик билан қамраб олинмаганлигини, яъни 10 мингдан зиёд бола кўрикдан ўтмаганлигини таъкидлаш лозим.

ОЛТИ ЁШЛИ БОЛА

у мактабга тайёрми?

Республикамиз ва чет эл мутахассисларининг кўп йиллик илмий изланишлари ва амалий кузатувлари болаларни 6 ёшдан бошлаб, уларнинг соғлигига зарар етказмаган ҳолда муваффақиятли ўқитиш учун бир қатор тамойилларга риоя қилиш зарурлигини тақозо қилмоқда. Хусусан, 6 ёшли болалар организми 7 ёшдаги болаларга нисбатан ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига чидамсизроқ бўлиб, ўқиш жараёнида ҳам ақлий жиҳатдан тез чарчашга мойил бўлади. Шунинг учун ҳам бу ёшдаги болаларни мактабга қабул қилишда уларнинг мактабда ўқиши учун, энг аввало, жисмонан ва ақлан ривожланганлиги даражаси индивидуал равишда ҳисобга олиниши керак. Бу масъулиятли вазифани Республика Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари ўзаро ҳамкорликда қабул қилган махсус Низом асосида тартибли равишда амалга ошириш йўлга қўйилган бўлиб, республика ҳудудидаги барча 6 ёшли болалар ҳар йили 1 февралдан 30 апрелгача чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

Тиббий кўрик комиссияси таркиби вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари фармойиши ҳамда вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг қўшма буйруқлари билан тасдиқланади. Унинг таркибида юқори малакали 8 нафар мутахассис, яъни невропотолог, стоматолог, эндокринолог, отоларинголог, болалар жарроҳи, травматолог, окулист, педиатр бўлиб, уларнинг ҳар бири боланинг соғлигига оид ўз хулосаларини бериши зарур. Таъкидлаш жоизки, мазкур Низомда кўрик комиссияси ҳар бир аъзосининг вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Айнан ана шу тиббий комиссия хулосаси болани кўрикнинг кейинги босқичи — психологик-педагогик ва дефектологик кўрикдан ўтиш ёки ўтмаслигини белгилайди.

Хўш, 6 ёшли болага 1-синфда ўқиши учун қандай холатда йўлланма бериш мумкин? Албатта, бола мактабда ўқиш учун жисмонан ва руҳан тайёр бўлгандагина берилади. Шуни таъкидлаш лозимки, болани 6 ёшдан бериш-бер- мактабга масликни, энг аввало, ота-оналар- нинг ўзлари ҳал қилмоғи керак. Аслида, фарзанд болалик даврида ўйинга тўйиши керак, унинг ёшлигини барвақт ўғирламаслик ҳам керак.

Tibbiy k'orik

Бироқ, боланинг ўзида (тиббий психологик-педагогик кўрик якунларини тўла инобатга олган ҳолда) ўқишга мойиллиги тўла шаклланган бўлса, ота-оналар розилиги билан бемалол 1-синфга қабул қилиш мумкин.

Тиббий кўрик хулосасига кўра, болада у ёки бу касаллик аниқланган ҳолатда, у тўлиқ соғломлаштирилмагунча ўқишга беришга шошилмаслик керак. Чунки ўқиш жараёни бола учун оғир меҳнат, у айни шу ёшда нафақат яхши ўқиб кета олиши, балки унинг саломатлиги янада заифлашуви, бошқа қўшимча хасталикларга дучор бўлиши мумкин.

Республика миқёсида 2002 йилда ўтказилган тиббий кўрик якунларига кўра, кўрикдан ўтган жами 6 ёшли болаларнинг 23 фоизигина мутлақ соғлом деб топилган бўлиб, қолганларида турли касалликлар аниқланган.

Шу ўринда ҳар бир ҳудудда аниқланган 6 ёшли болаларнинг ҳаммаси ҳам тиббий кўрик билан қамраб олинмаганлигини, яъни 10 мингдан зиёд бола кўрикдан ўтмаганлигини таъкидлаш лозим. Бу билан биз 6 ёшли болаларнинг барчасини кўрикдан ўтказиш мажбурий дейиш фикридан йироқмиз. Лекин, фарзандининг саломатлиги ва келажаги учун дилдан қайғурадиган ота-оналар бунга манфаатдор бўлмоғи лозим. Гарчи фарзандларини 7 ёшдан мактабга беришни хоҳласалар ҳамки, уларнинг соғлиги қандай эканлигини билиб олиш яхши эмасми?

Қолаверса, болани мактабга тайёрлаш нафақат мактабгача таълим муассасалари ёки тиббий ходимларнинг вазифаси, бунинг учун, авваламбор, ота-оналар ҳам масъулдирлар. Чунки боланинг кўп вақти ота-оналар назорати остида бўлади.

Болаларни фақат мавсумий режалаштирилган кўрикка эмас, ўз ихтиёри билан ҳам вақти-вақти билан болалар поликлиникаларига олиб бориб, шифокорлардан зарур маслаҳатларни оладиган ота-оналарга ҳар қанча мақтов оз. Ўйлаймизки, 1 февралдан бошланаётган бу йилги тиббий кўрик жараёни кўтаринки руҳда, фарзандларимиз саломатлиги учун масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ота-оналаримиз ва тиббий кўрикни ташкил этиш, ўтказишга мутасадди ва масъул барча муассасалар, мутахассислар фаоллигида ўтказилади.

Карима ИНОМОВА,
Республика ташхис Маркази дефектология ва тиббий хизмат бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди

Ўқувчи фаоллигини ошириш, янги педагогик технология асосида дарс ўтиш ўқитувчидан юқори малака ва тажриба талаб этади.

Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 11-мактабнинг Алгебра ва геометрия фани ўқитувчиси Муҳаббат Орзиева 21 йилдан бери ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

Суратда: М.Орзиева дарс жараёнида.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат

Direktor minbari

ДАВР ТАЛАБИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Таълим соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар мустақиллик йилларида қўлга киритилган катта ютуқларимиздан биридир. Чунки ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, таълимдаги ислоҳотларда кутилган натижага эришмай туриб, мамлакатни ривожланиш босқичига олиб чиқиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг ташаббуси ва амалий кўрсатмалари асосида мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантиришнинг миллий анъаналарга асосланган ўзига хос ва мос модели дунёга келди. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ана шу моделни ҳаётга татбиқ этишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб берувчи муҳим ҳужжатдир.

Бутун мамлакатимизда бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам халқ таълимини ривожлантириш борасида ташаббускорлик ва изланиш давом этмоқда. 2002 йилнинг январь ойида республика Халқ таълими вазирлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг ўзаро келишуви асосида "Вилоят таълим бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик дастури"нинг қабул қилиниши ана шундай изланишларнинг меваси дейиш мумкин. Вилоят ва туман ҳокимликлари, оталиқ, ҳомий ташкилотлар ҳамда ота-оналар ҳамкорлигида ҳар битта таълим муассасасини таъмирлаш, унинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамкорлик дастурида кўзда тутилган асосий мақсаддир. Ўтган бир йил давомида мазкур дастур асосида таълим муассасаларида тилга олса арзийдиган ижобий ўзгаришлар бўлди.

Бизнинг мактабда ана шу дастур асосида кўпгина ишлар қилинмоқда. Мактабимиз вилоятдаги энг катта ўқув даргоҳларидан бири саналади. Ҳозирги кунда унда 2258 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Таълим-тарбия ишлари икки сменада амалга оширилаётир. Мавжуд 70 та синфхона ўқувчилар ихтиёрида. Мактаб 1975 йилда ишга тушганидан бери дурустроқ таъмирланмаганлиги туфайли бинонинг ташқи кўриниши ва ўқув хоналари эскириб қолган эди.

Бозор иқтисоди шароитида ўқувчиларнинг замон талаби даражасида таълим-тарбия олишлари учун мактабни капитал таъмирлаш борасида ўз таклиф ва режаларимизни ишлаб чиқдик. Ташаббусимизни вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ вилоят ҳокимлигининг бевосита ёрдами билан мактабда 100 млн. сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Мактабнинг томи тўлиқ шиферланди. Иситиш тизими таъмирланиб, янгиланди. Мактабга 200 та комплект парта, 45 та янги доска олинди. Мактаб ошхонаси керакли жиҳозлар билан таъминланди. Эндиликда мактаб ҳовлисидаги турли ободонлаштириш ишлари, сифатли таъмирланган синфхоналар, спорт заллари киши кўзини қувонтиради.

Муҳит борлиқни ташкил этади, деган ибора ҳақ. Мана шундай эътибор ва шарт-шароитга мос тарзда таълим-тарбияни йўлга қўйиш бизнинг бурчимиз. Мактабимизда иқтисод, тарих ва чет тилларига ихтисослаштирилган махсус синфлар бор. Алоҳида компьютер синфхоналари мавжуд. Мактабимиз компьютери халқаро Интернет тармоғига уланган. Шунингдек, Ўзбекистон банклар Ассоциацияси билан шартнома тузилган. Шартномага асосан 9-, 10-,11-синф ўқувчиларига банк тизимига оид билимлар сингдирилади. Унинг битирувчиларига махсус сертификат берилади.

Мактабимиз жамоаси таълим-тарбияда эришаётган ютуқларни мустаҳкамлашмоқда. "Сиз тарихни биласизми?" республика кўрик-танловида ўқувчиларимиз 2-ўринни қўлга киритдилар. Фанлар олимпиадалари якунида Жиззах шаҳри бўйича 2-ўринни эгалладик. 10 "А"-синф ўқувчиси Маҳфуза Бозорова вилоят ҳокими томонидан таъсис этилган стипендия соҳибаси, Зулфия мукофоти танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди. ЭҲМ ўқитувчиси Рустам Муродов эса Туркияда малака ошириб қайтди.

Бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланиш — давр талаби. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ҳар бир жамоа учун фойдадан ҳоли эмас. Бунинг учун мактабимизга нусха кўчириш ускуналарини сотиб олдик. Турли пуллик тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Вилоят драма театри билан шартнома асосида хореография тўгараги очдик. Унда ўқувчилар рақс сирларини ўрганишмоқда. Таэквандо тўгараги, бичиш-тикиш тўгараги мунтазам ишлаб турибди. Сартарошхона ўқувчиларга арзон нархда хизмат кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактабимиз ўқувчилари ўзининг ўқув формасига эга — ўғил болалар оқ кўйлак, қора костюм-шим киймоқда. Қизлар ҳам оқ кўйлак, қора юбкада юришади. Ўқувчилар формасини мактабимиздаги бичиш-тикиш тўгараги аъзолари тайёрлашади. Кам таъминланган оила фарзандларини бепул мактаб формаси билан таъминлаяпмиз.

Мактаб транспорт серқатнов йўлга жуда яқин жойлашган. Бу ўқувчилар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини мукаммал ўрганишни тақозо этади. Ана шуни ҳисобга олиб, мактабда автошаҳарча ташкил этилди. Унда ички ишлар бўлими ходимлари ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўргатадилар. Мактаб радиоузели ўқувчиларни турли соҳадаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор этиб турибди.

Жорий ўқув йили таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш йили, деб эълон қилингани айни муддао бўлди. Биз ўқитувчиларни Халқ таълими вазирлигидан келган методик тавсия ва кўрсатмалар билан ўз вақтида таништириб борамиз. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида доимий равишда ўқитувчиларимиз ўз малакасини оширмоқдалар. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган 113 нафар ўқитувчининг 15 нафари олий, 20 нафари 1-тоифали ва 18 нафари 2-тоифали малакали мутахассислардир. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", физика фани ўқитувчиси Малика Соибназарова мактабимиз фахри саналади.

Бизда ҳар куни ноанъанавий дарслар ўтиш қатъий йўлга қўйилган. Ўқитувчиларга битта талаб қўйганмиз: изланиш ва яна изланиш. Шу боисдан ўқитувчиларимиз оммавий ахборот воситаларини кузатиб боради. Қаерда, қандай янгилик кўрса ўз тажрибасида синаб кўришга ҳаракат қилади. Тажрибадан асло чўчимаймиз. Чунки ҳар қандай янгилик, яхши ташаббус тажрибада мукаммаллашиб, оммалашиб бораверади. Шу боисдан барча ўқитувчиларимиз истаган пайтда очиқ дарслар ўтишга тайёр. Очиқ дарслар ўтиш оддий ҳолга айланган. Шаҳар ва барча туманлардан фан ўқитувчилари биздан иш ўрганишади. Ўз навбатида улар ҳам бизга қимматли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатишади.

Мактабга бирорта жиҳоз керакми, техник воситами, уни топмагунча тиниб-тинчимаймиз. Шунинг учун ҳам мактабимиз кўргазмали қуролларга бой. Унинг аксариятини ўқитувчиларнинг ўзи ясашган. Тўғрида, биронта янгилик яратмаган, кўргазмали қурол ясамаган ўқитувчидан янгилик кутиб бўладими? Мақсад эса битта — замонавий андозаларга мос тушадиган тажриба ва методларга таянган ҳолда фарзандларимизга самарали таълим-тарбия бериш. Ҳар томонлама етук ва баркамол ёшларни тарбиялаш эса давр талаби. Бугунги кун масъулияти шуни тақозо этади.

Гулбаҳор КАРИМОВА,
Жиззах шаҳридаги О.Охунбобоев номли 6-ўрта мактаб директори

2003 yil — Obod mahalla yili

БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА

2003 йил республикамиз Президенти ташаббуси билан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинди. Бу ташаббус замирида қанча охирига етмай турган муаммоларимиз ҳал бўлишига имкон туғилди. Қувончли хабардан кўнглимиз шод бўлиб, Паркент тумани оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси Акбар Юнусовга мурожаат этиб, режалаштирган ишлари, олиб бораётган тадбирлари хусусида суҳбатлашдик.

— Ҳа, бу йил маҳаллаларда жуда кўп хайрли ишлар бажарилади, — дейди оқсоқоллар кенгаши раиси А.Юнусов. — Туманимизда 49 та маҳалла, 9 та қишлоқ фуқаролик йиғини мавжуд бўлиб, шундан 11 та маҳалла раислари жамоатчилик асосида иш юритадилар. Маҳалла ҳудудларида, кўча ва хонадонларда кенг кўламли ишларни бажаришни мўлжаллаганмиз. Ўтган йилги тадбирларимиз самараси яхши бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Маҳаллаларда турли ташкилий-тарбиявий тадбирлар уюштиришга эътибор қаратилди. "Энг обод маҳалла" кўрик-танлови ўтказилди. Туманимиз шарафини ҳимоя қилиб борган "Истиқбол" маҳалласи вилоят босқичида фахрли 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари "Обод хонадон", "Обод кўча" кўрик-танловлари ўтказилдики, булар маҳалла ҳаётидаги маънавий-маърифий ишларимиз салоҳиятини янада юксалтирди.

Маҳалла аҳли бошини қовуштирадиган, ёшларга тўғри панд-насиҳат берадиган кексаларимизнинг ўрни бўлакча. Уларнинг ҳаётий тажрибалари, йўл-йўриқлари асосида ободончилик, кўкаламзорлаштириш борасида ҳам талайгина ютуқлар қўлга киритилди. Ёшлар тарбияси, муаммолари кун тартибидан асло тушмади.

Шу йилнинг январь ойида маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича ҳудудий мусобақа ташкил этилди. Кўтаринки руҳда ўтган маҳаллараро беллашувда "Булоқбоши" маҳалласи ёшлари ғолиб чиқдилар. Ибрат қилиб кўрсатгулик ишлар оз эмас. Бироқ, айрим маҳалла қўмиталари ҳанузгача эски тартибдаги Низом асосида иш юритиб келаяптилар. Ёки ўзлари учун алоҳида иш хоналарига эга эмаслар. Бизнингча, бу каби муаммо ва камчиликларни бартараф этиш вақти етди.

Биз тумандаги "Мозорхўжа" маҳалласи ишларини ўргандик. Маҳаллага Ғанивой Адашов раислик қилади. У киши ҳақида икки оғиз сўз айтмасак, инсофдан бўлмас.

Ғанивой Адашов туманнинг энг илғор вакилларидан бири. У киши узоқ йиллар халқ таълими соҳасида самарали меҳнат қилган устозлардан. Туман ХТБга қарашли 31-умумий ўрта таълим мактабида неча-неча ўғил-қизга таълим-тарбия бериди. Кекса педагогга кўпчилик ишонч билдириб, маҳалла раислигига сайлашган. Бир неча йилдирки, у киши бу соҳа ишини ҳам қойилмақом қилиб бажариб келмоқда.

Оқсоқол билан учрашар эканмиз, биринчи берган саволимиз шу бўлди:

— Ёшлар билан ишлаш қай йўсинда бораяпти?

— Асосийси, маҳалла аҳли мени тўғри тушунади— дейди оқсоқол. — Муҳими шу. Ёшлар масаласига келсак, улар билан етарли даражада тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни олиб боришга эътибор беряпмиз. Бир мисол: маҳалламиздаги иккита оила фарзандлари спиртли ичимликларга ружу қўйган эдилар. Панд-насиҳатларимизни тўғри қабул қилганликлари туфайли ҳаёт йўллари изга тушиб кетди. Яна бир оила фарзанди нопок йўлга кириб қолганлигини тушунтирганимиз сабабли, у бола ҳам кўпчилик эл қаторига қўшилди. Ҳозир бу каби ёшлар маҳалладаги жамики ишларда фаол иштирок этаяптилар. Ҳамма улардан хурсанд.

"Мозорхўжа" маҳалласида бугунги кунда 2835 нафар аҳоли яшайди. Маҳалла ҳудудида битта мактаб бўлиб, унда 1089 нафар ўғил-қиз ўқийди. Битта Чотқол тоғ ўрмон хўжалигига қарашли қўриқхона мавжуд. Бундан ташқари мактабнинг стадион, волейбол, баскетбол майдонларидан унумли фойдаланиляпти. Айни вақтда янги мактаб биноси қурилган бўлиб, уни ишга тушириш чоралари кўрилмоқда.

— Агарда вилоят ҳокимлиги мактабнинг янги биноси учун 86 миллион сўм пул ўтказиб беришса, жорий йилнинг ўзидаёқ ўқувчиларимизнинг бемалол ўқишларига имконият яратган бўлардик, — дейди Ғ.Адашов.

— "Маҳалла, оила, мактаб концепцияси" дастурининг бажарилиши ҳамда "Обод маҳалла йили" борасида қандай ишлар олиб бориляпти?

— "Маърифат" газетасининг 2002 йил 26 октябрь сонида босилган "Ўқиганлар нимага эришаяптилар?" мақоласини маҳалла ота-оналари ўртасида ўрганиб чиқдик. Мактаб билан яқиндан алоқа боғлаганмиз. Ҳатто мактаб директори Мирсобит Миртолипов ҳам бу борада биз билан доим маслакдош. Мақолада эътироф этилган ўқувчиларни 10-синфга тортиш борасида талайгина ишлар қилинди. Жумладан, маҳалла фаолларининг аралашуви орқали 6 нафар ўқувчини 10-синфга тортдик. 2 нафар 9-синфга ўқишга келмай бошқа ишлар билан шуғулланиб юрган ўқувчини жалб қилдик, — дейди суҳбатимиз чоғида Ғ.Адашов.

Маҳаллада меҳр-саҳоват кўрсатиш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилган. 2002 йилда 16-18 ёшгача болалари бўлган 175 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, 2 ёшгача боласи бўлган 75 оила рўйхатга олинган. 13 оила маҳалла қўмитасида доимий кам таъминланганлар рўйхатида туради. Маҳаллада истиқомат қилувчи саҳоватпеша инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, Эргашев Холмуҳаммад Ҳожи Ортиқхўжа ўғлининг беминнат ёрдами мақтовга сазовордир. Бу инсон 5 та оиланинг ҳар бирига 15 минг сўмдан пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўмагини ўз ҳисобидан уюштирди. Шунингдек, маҳалланинг 20 метр кўчасини асфальт қилиб берди. Қувонарлиси, маҳаллада янги қурилган масжидга 2 миллион сўмлик ёрдам қилди. Унинг бундай олижаноб ҳиммати дан барча миннатдор.

Маҳаллада 141 нафар ногирон бўлиб, шундан 9 нафарини ўсмирлар ташкил этади. 14 нафар уруш қатнашчиси, 16 нафар боқувчисини йўқотган оилалар қайд этилган. Уларнинг ҳолидан доимо хабар олиб турилади. Моддий ва маънавий ёрдамлар уюштирилади.

Маҳаллага қарашли 6 та кўча мавжуд бўлиб, бу кўчаларга раҳбар вакиллар тайинланган. Улар ана шу кўчаларда ободончилик, кўкаламзорлаштириш, тўй-ҳашамларга эътибор бериб, назорат қилиб борадилар. Энг муҳими, маҳалладаги бирон бир хонадон фаоллар томонидан эътиборсиз қолмайди. Уларнинг яшаш тарзи, турмуш муаммолари ўрганилиб, имконият даражасида ёрдам бериб бориляпти. Яна эътиборлиси, ушбу маҳалла коммунал тўловлар бўйича туманда 1-ўринни эгаллайди. Ундан тушган маълум бир маблағ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тариқасида бериб борилади.

Маҳаллада ҳавас қилгулик оилалар кўп. Нишонбой Тожибоев, Мирсаъди Мираҳмедов, Ўринбой Жўраев, Йўлчибой Убайдуллаев, Юсуфбой Расулов, Содиқ Умаров сингариларнинг намунали оилалари шулар жумласига киради. Уларнинг оилаларига, фарзандларига барча ҳавас қилади.

Айни вақтда маҳалланинг 415 хонадони табиий газ билан таъминланган. 75 хонадон телефонлаштирилган, 156 хонадон ўз шахсий енгил машинасига эга. 22 хонадонга табиий газни тежаш мақсадида ўзлари ҳисобидан ҳашар йўли билан янги газ тақсимлагич ускунаси ўрнатилди. Маҳаллада 2813 нафар ўзбек, 14 нафар тожик, 2 нафар рус, 3 нафар татар, 2 нафар қозоқ, бир нафар украин миллатига мансуб кишилар яшайди. Миллати, динидан қатъий назар улар бир оила аъзоларидек аҳиллар. Тўй-маъракаларида бир-бирларига доимо ёрдам берадилар.

Маҳалла аҳлининг жорий йилдаги режалари катта. Жумладан, кўчаларга асфальт етказиш маҳалла ҳудудига кираверишга дарвоза ўрнатиш, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ва шунга ўхшаш ибратли тадбирлар уюштириш мўлжалланган. Албатта, бу хайрли ишларда фақат маҳалла аҳлининг кўмагигина асқотади, холос.

Зотан, Ватан равнақи оиладан, маҳалладан бошланади. Эл-юрт фаровонлиги йўлида қайғурадиган фидойи инсонлар бор экан, жамиятимиз янада юксалиб бораверади, буни маҳалла оқсоқоли жонкуяр Ғанивой Адашов олиб бораётган ишлар тимсолида яққол кўриш мумкин.

Мавриди келганда айрим мулоҳазаларни билдиришни лозим деб топдик. Баъзи бир маҳалла оқсоқоллари қўлида имконият бўла туриб, бурниларининг тагидаги муаммоларни илғамайдилар. Уларни ҳал этиш, маҳалла фикрига таяниш, ёрдам бериш, ҳолидан бир марта бўлсин хабар олишни уддасидан чиқмайдилар. Муаммоларни хаспўшлашга, бўяб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳаракатлари орқали маҳалла аҳли ўртасида обрўсизланиб қолаётганликларини фаҳмламайдилар. Ишончни шон-шуҳрат, обрў, манфаат йўлида қурбон қиладилар. Шунинг учун эндиликда ҳам ҳаёт тажрибасига эга бўлган кекса оқсоқол раисларимиз билан ёш тайинланган ёки сайланган раислар ишлари ҳақида батафсил маълумот бериш истагидамиз.

Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ,
журналист

Maktabgacha ta'lim

КЎПЧИЛИК ОРЗУСИДАГИ МАСКАН

Урганч шаҳридаги 4-сонли "Буратино" номли мактабгача таълим муассасасига кириб боришингиз билан ўзингизни кичик дала ҳовлига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Ҳовли ичкарисида ҳар бир гуруҳ учун алоҳида айвонча қилинган бўлиб, ёзги машғулотлар учун керакли жиҳозлар териб қўйилган. Ҳар бир айвончанинг тепасида эса турли хилдаги мевали дарахтлар қад кўтариб, мева бериб туради. Ёз бўйи шу мевалардан болажонларга дармондориларга бой шарбатлар тайёрлаб берилади. Ҳовлини ўраб экилган атиргулларнинг уруғи эса қишга ғамлаб қўйилиб, фитобарда шарбат тайёрлаб берилади ва йилда 2-3 марта оналар мажлиси ўтказилиб, шарбатларнинг бола саломатлигига таъсири, уларнинг қандай тайёрланишлари ўргатилади. Совуқ қиш чилласида бундай шарбатлар болажонларга куч-қувват бағишлайди. Бу муассасада таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади ҳамда "Мустақиллик" нишони соҳибаси Т. Климова бошчилигидаги 22 нафар педагог-тарбиячилар болажонларга таълим-тарбия беришга астойдил интилмоқдалар. Мазкур таълим маскани аслида 180 нафар кичкинтойларни тарбиялашга мўлжалланган, аммо бу ердаги тарбиячиларнинг олиб бораётган таълим-тарбиявий фаолияти ва бошқа муассасалардан фарқли ўлароқ болаларга бўлган муомала, эътиборнинг яхши бўлганлигидан ҳозирда 310 нафар болажонлар тарбияланмоқда.

— Ота-оналар боламни олинг, деб ҳар куни эшик қоқишади, ўрин йўқ десакда барибир шу ерга олиб келаверишади. Болажонларнинг кўпайиб кетганлигидан дакки эшитган пайтларимиз ҳам бўлган. Келган болажонларни

қайтариб юборишга кўнглимиз бўлмайди,— дейди муассаса мудираси Т. Климова.

Шу даргоҳнинг услубчиси, халқ таълими аълочиси С. Русина ҳамроҳлигида боғчани айландик. Соғломлаштириш хонасида ҳамшира Ё. Отамуратова ҳар куни эрталаб болажонларни кўрикдан ўтказади.

Маънавият ва маърифат хонасида болажонларга маънавият машғулотлари ўтказилади, бу ерда Ватанимизнинг мустақилликка эришганидан буён амалга оширилаётган эзгу ислоҳотлар, аждодларимиз ҳаёти, фаолиятидан сўзловчи плакатлар, кўргазмали куроллар жудаям кўп. Бу ерда болажонлар турли байрамларимизни, эрталикларни ҳам нишонлашади. Унинг ёнгинасидаги кичик хонани ўйинчоқлар дунёси дегимиз келди. У ерда жуда кўп ўйинчоқлар мавжуд бўлиб, ҳаммаси тарбиячиларнинг қўллари билан ясалган. Қовоқдан, бўш "баклашка"лардан ясалган қўғирчоқларни, эски супургидан "пайдо бўлган" ялмоғиз кампирни, лойдан ясалган мўйсафидларни, латталардан ясалган турли ҳайвонларни кўриб, мураббияларнинг ижодкорлигидан завқланиб турсам, шу ерда 35 йилдан бери меҳнат қилаётган фидойи тарбиячи Л. Семёнова:

—Биздан ҳеч нарса қолмайди, келган ота-оналарга ҳам уйидаги эски-туски нарсаларни олиб келишларини илтимос қиламиз, улардан пайдо бўлган чиройли ўйинчоқларни фарзандлари мазза қилиб ўйнашади,— дейди кулиб.

Нутқида нуқсони бор болажонлар билан шуғулланиш учун махсус хона ажратилган бўлиб, у ерда логопед мутахассислар кичкинтойларнинг нутқини ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Уларга атроф-муҳитдаги оддий тушунчалардан бошлаб, она юрт, Ватан ҳақидаги маънавиятини, математик тафаккурни ривожлантирувчи машғулотларгача болажонлар билан алоҳида-алоҳида шуғулланишади. Т. Собирова, М. Азимова, Н. Козаренко каби тарбиячилар кичкинтойларнинг етук шахс бўлиб камолга етишлари йўлида тинмай изланишмоқда. Мазкур даргоҳнинг аҳил жамоаси билан хайрлашиб чиқар эканман, яна бир ота-она ҳовлига кириб, боғча мудирасини сўрашди. Демакки, яна бир оила бу масканнинг таърифини эшитиб, жигарбандининг шу даргоҳ тарбияланувчиси бўлиши орзусида.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ЯШИЛ ЛИБОСЛИ КИШИ

Қадим замон кишиларининг тасаввурида табиатда унга "дўст" ва "душман" бўлган турли хил кучлар мавжуд эди. "Дўст" кучлар яхшилик худолари, фаришталар, Хизр, парилар, сеҳргар кампир кабилар бўлса, "душман" кучлар ёвуз девлар, аждаҳо, жин, алвасти, шайтон кабилар эди.

Навоийшунос олим Н.Маллаев Навоий асарларидаги мифологияни уч гуруҳга ажратади: 1. Эзгулик мифлари. 2. Ёвузлик мифлари. 3. Космогоник мифлар. Н.Маллаев Хизр ҳақида қисқача бўлсада фикр юритиб, "Афсонага кўра, поёнсиз зулматда бўлган оби ҳаётни фақат Хизргина билар, у истаса, кишини мана шу оби ҳаётга олиб борар эди" дейди. Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонидаги учинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг айтган афсонасида Хизр образининг ҳаётбахшлиги кўзга яққол ташланади. Ҳикоя қаҳрамони хушмуомала, очиқ кўнгил, меҳмондўст Саъдга Хизр доим яхшилик кўрсатади.

Икки яшил кийимли мусофир Саъддан ҳаддан зиёд иззат-икром кўргач, унинг саволларига шундай жавоб бердилар:

"Кишваримиз жуда дилкаш бўлиб, у ҳам Шаҳрисабз ва ҳам Кеш номи билан юритилади. Бу шаҳар худди Хизр каби кўм-кўк бўлиб, суви ҳам сабзадек кўк ва ойнадек тиниқдир."

Talqin

Саъд Фарҳод каби жасоратли қаҳрамондир. Саъд энг оғир тўсиқларни ошиб ўтади, синов ва шартларни бажариб, Шаҳрисабз гўзалига эришади. Саъд инсон бахти ва унинг гўзал ҳаётини кўра олмайдиган қонхўр, ваҳший кучларга қарши курашади ва уларни ер билан яксон этади. Сирли тилсимларни зеҳн билан очади, ақл-заковат эгаси Ҳакимнинг саволларига ўринли жавоб бера олади. Саъд бу ҳаракатлари билан кишиларнинг бегуноҳ қони тўкилишига чек қўяди. Жасорат ва дадиллик кўрқоқлик ва ёвузликни, ақл ва фаросат ҳийла ва найрангни енгади.

Саъднинг ҳар бир ишида Хизр мададкор бўлади.

Мўйсафид ўз бошидан ўтганларини Саъдга сўзлаб берар экан, энг мушкул пайтда Хизр ўзига йўл кўрсатганини қайта-қайта таъкидлайди.

"Менинг мушкулимнинг ўлимдан бошқа тадбири йўқ, деган хулосага келган эдим. Шу орада Хизрга ўхшаш мўйсафид келиб қолди. Бу одамнинг дарвешларга хос ҳирқаси — кийими ҳам кўк, қўлидаги асови ҳам кўк бўлиб, гўё у Хизр пайғамбарнинг ўзгинаси эди".

Саъд Шаҳрисабзга шоҳ бўлади, иккита кўк либосли кишини ўзига вазир қилиб олади. У эл-юртга фаровонлик, бахт-саодат бахш этади. Шунинг учун ҳам Навоий таъкидлаганидек: Хизр яшил рангга белангани туфайли абадий умрга эга бўлгани ажабланарли эмас.

Навоий Хизр образи орқали одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, бирбирини қадрлашга чақирмоқда. Инсонпарвар Навоий ўлмас образи — Хизрдек одамлар қалбига кириб боргани бежиз эмас, албатта. Навоий доимо кишилик бахт-иқболи, тинчлиги, фаровонлиги учун қайғурганлигини шу биргина Хизр образи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дилоромхон ТОҒАЕВА,
Нодирахон НОСИРОВА,
КДПИ қошидаги лицей ўқитувчилари

МАКТАБДА НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Алишер Навоий — даҳо шоир, буюк мутафаккир, давлат арбоби. Унинг мероси шу қадар сермазмун ва бадиий баркамолки, улар нафақат бугун, яна минг йиллардан кейин ҳам ўз бадиий-маърифий қимматини йўқотмайди. Бу маънавий қадриятлардан ҳар бир авлод ўз замонаси тақозосига кўра баҳраманд бўлаверади.

Комил инсонни тарбиялаш, тафаккурини ривожлантириш, уни шахс сифатида шакллантиришга бўлган талаб Навоий асарларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда.

Шарқ педагогикасида руҳият тарбиясига, руҳ поклигига, инсон эътиқодига устувор аҳамият берилган. Мана шу жиҳатдан илм-техника тараққиётини беш аср илгариги ҳолатга таққослаб бўлмаса-да, аждодларимиз меросига, шеъриятга муносабатимиз уни англаш, сўзлар, мисралар қатидаги маъно товланишларини пайқаш, завқланиш, уни ёдлаш, ўзиники қилиб олиш даражасини ўша даврга нисбатан ривожланди, деб бўлмаса керак. Ўша даврда йигирма минглаб шеърий мисраларни ёд билмаган шеърият шайдоси шеърхонлик кечаларига қатнашишни ўзига эп билмаган экан.

Алишер Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиёжлари, ўзлигини англаш ва ҳис этиш демакдир. Шу маънода Навоий меросини ўрганиш ҳар бир ўзбек фарзанди учун ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, Навоий асарлари, умуман, Шарқ шеърияти умуминсоний, жаҳоний аҳамиятга молик қадриятлардан ҳисобланади.

Навоий асарларини ўрганиш инсон кўнглида завқ уйғотиш, туйғуларига, ҳиссиётларига таъсир қилиш билан бирга уларни она табиат сирларига яқинлаштиради, она Ватанга муҳаббат, унинг ўтмишига ҳурмат, улуғ аждодлар олдида масъуллик руҳида тарбиялайди, поклик, ҳалоллик, комиллик сари етаклайди. Навоий ижоди шу жиҳатига кўра Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий ғояси бўлмиш жамият аъзолари маънавиятини соғломлаштириш, ҳур, эркин, мустақил шахсни шакллантириш мақсадларига ҳамоҳангдир.

Алишер Навоий ижоди умумий ўрта таълим тизимининг V-IX синфларида жами 25 соат мобайнида ўрганилади. Дастурда унинг ижоди ўқувчиларнинг ёши, психологияси, билим даражаси, жисмоний ва руҳий имкониятлари инобатга олинган ҳолда синфларга тақсимланган.

Навоий ижоди бўйича машғулотларни ташкил этишда қайси синфда бўлишдан қатъий назар, кўплаб (суд, саҳна, саёҳат ва ҳ.к.) усулларни қалаштириб ташлаш кутилган педагогик самарани бермаслиги, ундан-да муҳими асар бадииятини, жозибасини хиралаштириши мумкин. Машғулотларда асосан, сўз сеҳри, қудратига таяниб асар бадииятини очиш ва ўқувчини ишлатиш, изланитириш, фикрлатиш йўлидан бориш мақсадга мувофиқ.

5-синфда Алишер Навоийнинг "Маҳбуб-ул-қулуб" асаридан намуналар ўрганиш тавсия этилган ва бунга дастурда уч соат вақт ажратилган.

Биринчи соатда ўрганилажак асар ҳақида ўқувчиларда тасаввур ҳосил қилиш учун асар ва унинг муаллифи ҳақида дарслик маълумотига қўшимчалар киритилади, ўқувчиларда қизиқиш уйғотилади, зеро, бола учун қизиқарли бўлган машғулот ҳеч қачон унга оғирлик қилмайди.

Ўқувчиларни руҳан мазкур дарсга олиб кириш учун ўқитувчи улардан Навоий бобо ҳақида ким нима билишини сўрагани маъқул, сўнгра шоир ҳақида, унинг "Маҳбуб-ул-қулуб" асари ҳақида кичик суҳбат ташкил этилади.

"Маҳбуб-ул-қулуб"да Навоий шундай ёзади "... камина болаликдан то қариликка қадар кўҳна даврон воқеаларидан,... замоннинг ранг сингари гуно-гунлигидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил хаёл ва тараддудлар била... юрдим, ... турли йўлларга кирдим, яхши-ёмоннинг хизматини қилдим, катта-кичикнинг суҳбатида бўлдим; гоҳ хорлик, қийинчиликлар вайронасида нола қилдим; гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мажлис қилдим, ... баъзан илм-фан мадрасаларида қуйи сафлардан жой олдим ва олимлар мажлисида илм нуридан кўнглимни ёритдим, гоҳ пасткаш ва бахил кишилар қўлида хўрландим ва разил-нокаслар олдида эътиборсиз бўлдим... гоҳо азизлар хизматидан ва улар суҳбатидан баҳраманд бўлдим ҳамда ўз сўзимни уларга ёқимли топдим... ҳар йўлда юрдим, оламда бўлмиш ҳар нав одам билан кўришдим; яхши-ёмоннинг шарбатини ичиб, заҳрини тотиб кўрдим... Бахил ва пасткашларнинг заҳмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди... Умид шулки, бу асарга ўқувчилар диққат-эътибор билан назар солиб, ҳар қайсилари ўз фаҳми-идрокларига яраша дилларини обод ва ёзувчи руҳини "дуо била шод этгайлар".

Буюк шоирнинг бу эътирофи, ўз ҳаётидан чиқарган сабоқлари ўқитувчи томонидан болаларга ўқиб берилса, ёзувчи ва ўқувчи бир-бирларига яқинлашади. Болалар Навоий тимсолида бундан беш аср олдин яшаб ўтган тарихий шахсни эмас, ўзларининг оталари ва боболари сингари бир инсонни кўрадилар, уни ҳис қиладилар. Шоир кўнгил изтироблари ва тилакларини эшитгач, мазкур асарда нималар дейилганини билишга ички эҳтиёж уйғониши табиий.

Шундан кейин матн мутолаасига киришилади. Ўқитувчи матнни ўқиётганда синфдаги болаларнинг барчаси уни дарсликдан кузатиб боради-лар. Шунда болаларнинг диққати бошқа нарсаларга чалғимайди, қолаверса, ўқувчи ўқитувчи билан биргаликда матнни ўқиб борса нутқи ўсади, тез ва ифодали ўқишга ўрганади, қулоқлари матннинг қироатига мослашиб боради. Ўқитувчи матннинг қай ўрнини қандай оҳангда ўқиш кераклигига аввалдан тайёрланган бўлиши керак. Ўқитувчининг ўқиш оҳанги, услуби, ифодаси қандай бўлса, болалар матнни шундай ҳолда қабул қиладилар ва ўзлари ҳам шундай ўқийдилар. Ўқитувчи ўзининг ифодали қироати (ҳа, айни қироати) билан ҳам болаларнинг меҳри ва эътиборига тушади. Асар салмоқли, оғир-босиқ овоз билан ўқий бошланади.

"Тавозе"[1] кишига халқнинг муҳаббатини жалб қилади, одамларни у билан дўстлаштиради". Шу жумлани ўқигандан сўнг болалар "тавозе" сўзининг луғавий маъносини очилишга тортилади. Болаларнинг айтганлари юқорида берилган изоҳ билан тўлдирилди.

Кейин асарнинг таҳлилига киришилади. "Тавозе" сўзи ташийдиган маъноларга эътибор қаратилиб, "хокисорлик", "камтарлик", "ҳурмат", "иззат", "эҳтиром", "итоатгўйлик", "бўйсуниш", маъноларини ташувчи биргина сўзга шоир нега алоҳида тўхталгани, бунчалар катта эътибор қаратганига болаларнинг муносабати сўралади. Инсонга хос бўлган етти фазилатни ўзида мужассамлаштириш биргина сифатнинг — тавозенинг одам учун қанчалар зарурлиги ва бундай фазилатга эга бўлган киши атрофдагилар учун нечоғли қадрли эканига болаларнинг диққати қаратилади. Навоийнинг бу сифатга алоҳида тўхталгани бежиз эмаслигини болалар ҳис қилишлари лозим.

Шундан сўнг болалар диққатини адибнинг "Тавозе" — дўстлик гулшанида тоза гуллар очади", жумласидаги "дўстлик гулшани", "тоза гуллар", "базм", "гуллар очади" каби сўз ва ибораларга, уларда ифодаланган образлиликни очишга ундалгани маъқул. Тавозели кишилар доирасини Навоий бир гулшанга ўхшатади. Уларнинг янги-янги дўстлар орттириши — тоза гулларнинг очилиши, ошнолик ва улфатчилик базми—давра суҳбати бутун гулистоннинг янада кўркам бўлишига, уларнинг бир-биридан баҳра олиб, янада гўзаллашишига олиб келади. Сўнг шундай сифатга эга бўлган киши нималарга сазовор бўлиши ҳақидаги савол билан болаларга мурожаат қилинади. Болалар саволга жавоб топиш мақсадида матнга юзланадилар ва ўзлари тушунган- тушунмаган ҳолда бундай кишилар эришиши мумкин бўлган жиҳатларни топиб ўқий бошлайдилар: халқнинг муҳаббатини қозонади; одамлар у билан дўстлашади, дўстлари кўпаяди, дўстлик гулшанида тоза гуллар очилади; такаббурга мулойимлик ва камтарлик йўлини кўрсатади; гердайган душман кўнглида инсонийликни уйғотади; такаббурни уят чегараси томон йўллайди; инсофсизларни ёмонликдан қайтаради.

Болаларнинг жавобидан кейин тавозе эгаси эришиши мумкин бўлган ютуқлар биргаликда таҳлилга тортилади.

Матнни шу тарзда таҳлил этиш болаларга бироз қийинлик қилиши табиий, бироқ бундай ҳолатда улар албатта, нимагадир эришадилар. Энг муҳими, болаларнинг бадиий сўзни ҳис қилишга, уни ўқишга, ундан завқ олишга уриниши, ўзича нималарнидир кашф қилишга интилиши, изланиши, тиришишидир.

"Одобли" деганда сиз қандай одамни тушунасиз?" деган саволга болалар чуғурлашиб, китобга қараб-қарамай, ўзлари билганларича жавоб берадилар. "Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир. Одобли одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ. Ҳеч қандай эҳсон бермай, каттаю кичик, ҳаммани шод қилади; ҳеч қанақа ҳадя қилмай, кишиларнинг ғамини тарқатади.

Одоб кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор этади; ёшлар у дуо баракасидан умрбод баҳраманд бўладилар. Одоб—улуғлар кўнглида ёшларга меҳр уйғотади ва одобли бўлган муҳаббат кўнгилда абадий қолади. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган феъл-атвор одобдир, одоблиларнинг юриш-туришида халқ улуғворлик кўради.

Одоб кишилар тарафидан қилиниши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини бекитади ва одамни ҳазил-мазахдан, камситишдан сақлайди. Одоб одам табиатига инсонийлик бахш этади ва киши мижозига одамийлик манзилида ором беради" қисмини ўқийди. Тагига чизилган сўз ва иборалар таҳлилга тортилади. Ҳар бир боланинг тавозеъ ва одоб кишиси бўлиши нималарга олиб келиши ҳақида асар муаллифининг деганларини ўқишни болаларга топшириш ўринли бўлади. Балки уларни адабиёт дафтарига кўчириб ёзишни талаб қилган маъқулдир. Чунки эшитгандан кўра ўқиган, ўқигандан кейин ёзган афзал. Китобдан кўчириб ёзаётганда ҳам бу сўз ва иборалар, тушунчалар болаларнинг кўнглидан ўтиши, руҳиятида маълум из қолдириши табиий.

Кейин барча фуқаролари обод ва тавозе эгаси бўлган юрт, миллат қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида савол берилиб, болаларнинг жавоблари эшитилади. Улар ўз даражасида фикр ифодалайди. Бундай вақтларда болаларнинг айтганларини ҳадеб тузатавериш, билағонлик қилиб уни тўлдириш, уларнинг фикрига дахл қилиш нотўғри. Бола ўз ички "мен"ининг сўзини айтади. Бола томонидан айтилганлар ўқитувчи истагандай равон, силлиқ бўлмаслиги табиий. Балки бу фикрлар шуниси билан гўзалроқ. Чунки болаларнинг ўз фикри, ўз сўзи, мустақил мулоҳазаси бўлганлиги билан қадрли. Мана шундай таҳлиллар болаларни фикр кишисига айлантиради.

Иккинчи соатда "Саҳоват ва ҳиммат тўғрисида", "Саҳоват қандай қилинади?" ҳамда "Ҳилм тўғрисида", "тил тўғрисида"ги танбеҳлар матнлари устида худди юқоридагидек ишланади.

Навоий асарларини ўрганишга бағишланган учинчи соатда "Ижод дарси" ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. "Маҳбуб-ул-қулуб" Т.1983.
2. Ҳайитметов А. "Мерос ва ихлос" Т. 1985.
3. Ғаниева С. "Алишер Нафоий" (Ҳаёти ва ижоди) Т. 1988.
4. Ғаниева С"Навоий насри нафосати" Т. 2001.
5. Ҳусанбоева Қ. "5-синфда Навоий ижодини ўрганиш" РТМ. 2003

6-синфда Алишер Навоийнинг "Ҳайратул-аброр" девони XIV боби ҳамда рубоий ва қитъаларидан намуналар ўрганилади ва бунинг учун уч соат вақт ажратилган.

Дарс бошланишдан олдин ўқувчиларнинг Алишер Навоий ҳақида билганлари хотирга олинади. Ўқитувчи тикланган билимларга таянган ҳолда кириш сўз қилади. "Хамса" ҳақида, "Ҳайратул-аброр" ҳақида маълумот берилади. "Ҳайратул-аброр" фалсафий-дидактик асар бўлиб, унинг XIV боби сўз ва унинг қудрати ҳақида. Достонда йигирмата мақолат ва ҳар бир мақолатга доир шеърий ҳикматлар мавжуд. Мақолатларнинг ҳар биридан адолат, инсонпарварлик, саховат, ишқ, муҳаббат, ҳалоллик, ростгўйлик, маърифатпарварлик каби инсоний фазилатларни улуғловчи ижтимоий-сиёсий ёки ахлоқий муаммо кўтарилади, таҳлил қилинади, муносабат билдирилади.

Ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида қўшимча адабиётлардан, шунингдек, А.Ҳайитметов томонидан тайёрланган насрий баёндан фойдаланиб, дарсликда берилган матнни таҳлил қилиб олиши керак. Матн аввал изоҳсиз мутолаа қилинади Иккинчи марта ўқилганда сўзларнинг изоҳига алоҳида эътибор қаратилади.

Сўнг дарсликдаги саволлар ўртага ташланади. Саволлар билан боғлиқ байтлар алоҳида ўқилади ва уларнинг мазмунини очишга, мағзини чақишга киришилади. Ўқитувчи ўрни билан саволлар бериб боради, биргаликда жавоб топилади. Бундай тадбир матн мазмунини чуқурроқ очишга, таҳлил йўналишини кенгроқ, тўғрироқ белгилашга кўмаклашади. Буни ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда бажаришлари мақсадга мувофиқ. Мазкур тадбирлар болаларни матн ичига бир қадар олиб киради. Уларда сўз ҳақида дастлабки тасаввур пайдо бўлади. Ўқувчилар кундалик муносабатларда қўллайдиган оддий сўзлар моҳиятига, унинг вазифаларига, таъсир қудратига, алломанинг сўзга бунчалар эътибор бериши, унга достоннинг бир бобини бағишлаши уларнинг кўпчилигида ҳайрат уйғотиши табиий.

Шундан кейин таҳлилга киришилади. Таҳлилни ўқувчилар амалга оширадилар. Ўқитувчи насрий баён ҳамда луғатдан фойдаланиб, ўқувчиларга ёрдам бериб туради. Таҳлил албатта каттаарникидан фарқ қилиб ҳозирча саёзгина чиқиши мумкин. Муҳими, болаларнинг меҳнати, кашфиёти. Мана шу кашфиёт ўқувчиларда ўзликнинг шаклланишига хизмат қилади, Навоийни уқишга кўмаклашади.

Шундан кейин дарсликда берилган савол-топшириқлар билан ишланади. Бунда ўқувчи-ўқитувчи муносабати тўғри йўлга қўйилиши, ўқувчига ҳам кўпроқ имконият яратилиши керак.

Таҳлил сўнгида дарсликдаги матнда бадиий ижоддаги маҳорат ҳақида тўхталинган ўринларни топишга жалб этиш, энг гўзал байтни ажратишга ундаш мумкин. Бунга ҳамма бола ҳам қодир бўлмас. Бироқ уларнинг кўпи ўйлайди, қидиради, ақлини зўриқтиради. Шундай мисраларни топган болалардан улар гўзал деб билган жиҳатларини очиб беришга уринишни сўраш, ўзлари кашф этган гўзалликни асослашга ўргатиш ўқитувчининг шахс камолини шакллантириш йўлидаги бекиёс хизматидир.

Таҳлил ниҳоясида матн ўқитувчи томонидан яна бир марта ифодали ўқилади. Матн мазмуни билан чуқур танишган ўқувчилар сўз ҳақидаги ҳақиқатнинг қанчалик асосли эканлигини ҳис этадилар. Матндан ўн байтни ёд олиш уйга вазифа этиб топширилади. Қайси байтни ёдлашни ўқувчилар ўзлари танлайдилар.

Навоий ижодини ўрганишга ажратилган кейинги соатлар адибнинг рубоий ва қитъалари билан танишиш, шарҳлаш ва таҳлил этишга бағишланади.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" Т. Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. (Ўзбек адабиёти бўстони)
2. Навоий рубоийлари. Қитъалари.
3. И.Ҳаққул. "Камол эт касбким..."
4. Ҳайитметов А. "Навоий лирикаси" Тошкент. 1961.
5. Қ.Ҳусанбоева "Мактабда Навоий ижодини ўрганиш" РТМ. 2001.

7-синфда буюк мутафаккир ижодини ўрганиш учун беш соат вақт ажратилган. "Салотин бобида" мақолати ("Ҳайрат ул-аброр") дан олинган парчани ўрганишга киришишдан аввал "Хамса" асари, унинг ўзига хос белгилари, "Ҳайрат ул-аброр" достонининг ғоявий-бадиий йўналиши ҳақида маълумот берилади.

Ўқувчилар "Хамса" оламига киритиб олгач, парчани ўқишга киришилади. Бир йўла унинг мазмуни шарҳлаб борилади. Чунки матннинг ўқувчилар томонидан тушунмай ўқилиши лоқайдликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Парчани ўқишга икки соат ажратилган бўлиб, биринчи соат парча матни билан танишиш, шарҳлаш, луғат устида ишлашга сарфланади. Уйга вазифа қилиб, парчани яна бир бор ўқиш, асар тимсолларига хос белгиларни асардан аниқлаб келиш топширилади.

Иккинчи соат ўқувчиларнинг олдинги дарсда ўрганилган мавзунинг қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлашдан бошланади ва дарсликда берилган савол-топшириқлар билан ишлашга киришилади. Ўқитувчи мазкур топшириқларни барча ўқувчилар бирдай тўғри бажаришини талаб қилмаслиги, уларнинг ҳар бири ҳикоят тимсолларига ўз даражасида ўзига хос тарзда муносабатда бўлишларига интилиши керак.

Асар таҳлили шоҳ Ғозийнинг, яъни Ҳусайн Бойқаронинг тахт учун олиб борган жанглари, тахт қўлга киритилгач, салтанатда зулмни бартараф этиши, давлатни адолат билан бошқараётгани тасвири билан бошланади.

Ҳукмдор сайрга отланган пайтда бир девона кампир томонидан тўхтатилади ва шоҳга ўғлимнинг қотили дея даъво қилинади. Ўқувчилар мазкур ҳолатни чуқурроқ англашлари керак. Мазмун англанса, асарнинг бадиий таровати, кўркамлиги кашф этилаверади.

Кампир шоҳдан бевақт ўлдирилган ўғли учун тўлов сўрамайди. Унинг учун натижа эмас, балки жараён муҳим. У шоҳ чиндан ҳам адолатли бўлса, ўзини бошқалардан ортиқ кўрмайди деб ҳисоблайди. Шоҳ ўзини шариат талабларидан ортиқ кўрмайди ва оддий кишилар қатори қозихонага боради. Ўқувчилар шоҳ Ғозийнинг кампир даъвосига жавобидан, шариатга мувофиқ бўлса, ҳатто хонга қилинган даъвони ҳам қабул этишга тайёр эканлигидан шоҳнинг жўмардлиги, тантилигини англайдилар.

Ўқувчилар ёлғиз ўғлидан айрилган бечора кампирнинг "шефта" — телбалиги сабабини, шоҳдан тап тортмайдиган даражада жасурлиги боисини тушунадилар ва унга ачинадилар, лекин шоҳни қоралашга ҳам тиллари бормайди. Ўқувчилар иккиланмай, дабдурустдан қатъий хулосага кела олмайдилар. Улар, эҳтимол, илк бор шундай мураккаб вазиятга дуч келгандирлар, ҳаётнинг чигал жараён эканлигини тушунгандирлар. Энди улар бир мушкул маънавий муаммони мустақил ҳал этишлари керак. Ўқитувчи дарсликда берилган савол-топшириқлар билан ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ишлашга йўналтириб бориши, уларнинг эркин изланишига имконият яратиши керак. Таҳлил шу тариқа давом эттирилади.

Кейинги уч соат мобайнида Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонидан парча ўқиб таҳлил қилинади. Достондан олинган парча учга бўлинади, ҳар бир бўлак матн учун дарсликда савол-топшириқ берилган. Ўқитувчи ҳар бир бўлимни ўқиш учун бир соатдан сарфласа, таҳлилни юқоридаги тарзда ташкил этса ва охирги соатда ҳазрат Навоий ижоди бўйича ўргатилганларни такрорласа, кутилган педагогик самарага эришиш мумкин.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Қаюмов А. "Ҳайрат ул-аброр" Т. 1977.
2. Қаюмов А. "Ишқ водийси чечаклари" Т. 1985.
3. Ғаниева С. "Алишер Навоий" (Ҳаёти ва ижоди) Т. 1988.
4. Қ. Йўлдошев "Ўқитувчи китоби" Т. 1998.
5. И. Ҳаққул "Камол эт касбким...".

8-синфда ҳазрати Алишер Навоийнинг ғазаллари ўрганилади. Бунинг учун тўрт соат вақт ажратилган. Дастлабки машғулотда Навоийнинг ғазал мулкининг султони эканлиги, туркий адабиётда энг кўп ғазал битган шоир бўлганлиги, ғазалларининг мавзу доираси ва маъно қатламлари бепоён эканлиги ва уларда акс этган мажозий ва илоҳий ишқ ҳақида маълумот берилади.

Шундан кейин ўқитувчи "Кеча келгумдир..." ғазалини ифодали ёд ўқиб беради. Ғазал шундай ўқилиши керакки, ўқувчиларнинг бутун аъзои баданлари жимирлаб кетсин. Мана шу ҳолатни яратиш учун ўқитувчи уйда ҳар бир мисра, сўз, бўғин қай тарзда ўқилишини машқ қилиб олиши керак. Ўқувчилар диққати ва ҳайрати ғазал жозибасига қаратилгач, уни шарҳлаш ва таҳлил қилиш осон ва қизиқарли кечади. Ғазал жозибасининг сири аста-секин очила бошлайди. Дарсликда берилган савол-топшириқлар ўртага ташланади. Таҳлилнинг бошиданоқ ўқитувчи ўқувчиларни лирик қаҳрамон туйғуларига яқинлаштириши керак. Бундай усул ўқувчиларни "Кеча келгумдир" деб келмаган ёр, кўзига "Тонг отгунча уйқу келмаган" ошиқ ҳолатини англаш, шоир ошиқнинг изтиробларини тушуниш сари йўналтиради.

Навоий ғазалларида кутилмаган тимсоллар, ёрқин ташбеҳлар, кучли самимият, асл инсоний туйғулар уфуриб туради. Шу боис ўқитувчи таҳ-

Tavsiya

лилда ўзи ташаббускор бўлиб, сўнг ўқувчиларни аста-секин таҳлилга тортиши мақсадга мувофиқ.

Шундай қилинганда ўқувчилар аста-секин даҳо шоир асарларидаги жозибани, маъно товланишларини, сўзнинг бадиий қудратини илғаш, ҳис қилиш салоҳиятига эга бўла борадилар.

Қолган вақтда дарсликдаги ғазаллар шу тариқа таҳлил этилгач, сўнгги машғулот ифодали ўқиш, ғазалхонлик тарзида ўтказилгани маъқул.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси Т. 1981.
2. Қаюмов А. "Алишер Навоий" (Машҳур сиймолар ҳаёти" Т.1971.
3. Ғаниева С. "Алишер Навоий" (Ҳаёти ва ижоди). Т. 1988.
4. И. Ҳаққул. "Занжирбанд шер қошида" Т. 1987.
5. И. Ҳаққул. "Тасаввуф ва шеърият" Т. 1992.

9-синфда Алишер Навоий ижодини ўрганиш учун ўн соат ажратилган.

Дастлабки машғулотда Шарқ адабиётида хамсачилик маҳорат майдони, "Хамса" ёзиш бадиий ва миллий жасорат намунаси бўлганлиги, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий "Хамса"лари ҳақида маълумот, Навоий "Хамса"си ўзбек эпик шеъриятининг бетимсол намунаси тил эканлигини ўқувчиларга англатади.

Уч соат давомида "Ҳайрат ул-аброр" достонидан ўнинчи мақолада берилган тўғрилик ва эгрилик ҳақидаги парча матни аввалги синфларда ўрганилганидек таҳлил этилади.

"Фарҳод ва Ширин" достонидан берилган парчани ўрганиш учун икки соат ажратилган. Достондан олинган парчани ўқувчилар билан ўқиш, матнни шарҳлаш ва таҳлил қилиш, қийин сўзлар мазмунини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил бадиий сўз жозибасини очадиган, мисралар қатига яширин маъноларни ўқувчилар томонидан англашга йўналтирадиган тарзда бўлишга эришиш лозим.

"Хамса"нинг бошқа достонларини ўрганиш учун ажратилган соатларда ўқитувчи мазкур достонлар бўйича ўқувчиларда тасаввур ҳосил қилиши учун савол-топшириқлар тузади, достоннинг энг қизиқарли ўринларидан парчалар ўқилади, шарҳланади ва таҳлил этилади, ҳусну таълил, таносуб каби шеърий санъатлар ҳақида маълумот берилади. Якуний машғулотда Навоий ижоди бўйича синов ўтказиши, синовни баҳс-мунозара, тест, мавзу ҳимояси тарзида ташкил этиши мумкин.

5-9-синфларнинг барчасида Алишер Навоийнинг таржимаи ҳоли турли кўринишда берилган. Уларни ўрганишда тарихий воқеалар, кўплаб саналарни ёдда сақлаб қолиш муҳим эмас. Ўқитувчи дарсликда ва қўшимча манбаларда берилган Навоий ҳаёти ва ижодининг маърифий ва тарбиявий жиҳатлари, чунончи, тўрт-беш ёшли гўдакнинг шоир Қосим Анвар ғазалларини ёд билиши, мактаб ёшида Фаридиддин Атторнинг фалсафий достонини ёдлаб олиши, етти-саккиз ёшларида ғазаллар битиши, ўн икки-ўн уч ёшларида мамлакат бўйлаб шуҳрат қозониши, ҳукмдорлар эътиборларида бўлиши, "таъбининг қудрати ва шарофатли сўзларнинг ширинлиги"дан шоҳларни ҳайрат ва таажжубга туширганлиги, йигитлик чоғларида ўзи севган шоирларнинг "ширин ашъори ва рангин абъёти"дан эллик мингдан ортиқ байтни ёд олганлиги каби Навоий даҳосининг буюклигини исботловчи жиҳатлар ўқувчиларга сингдирилса, уларнинг Навоийга бўлган қизиқишлари ортади. Буюк бобокалонимиз ижодини бир уммон деб тасаввур эттирилса ва уммонга меҳнат ва машаққат тортиб шўнғиш лаззати берилса, ўқувчилар ундан баҳрамандлик завқини туядилар, сўз дурлари ва гавҳарларини кашф этиш шавқига эга бўладилар. Мана шу шавқ ўқувчиларда Навоийни кўпроқ ўқиш ва англашга иштиёқ туғдиради.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Алишер Навоий "Хамса" Т. 1994.
2. Ўзбек адабиёти тарихи (5 томлик) 2-том. Т. 1978.
3. Ҳайитметов А. "Навоий ва ихлос" Т. 1975.
4. Қаюмов А. "Фарҳод ва Ширин" Т. 1979.
5. А. Қаюмов "Ишқ водийси чечаклари" ("Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр") Т. 1985.
6. Қаюмов А. "Садди Искандарий" Т. 1975.
7. Исҳоқов. Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси Т. 1985.
8. Ғаниева С. "Навоий насри нафосати" Т. 2001.
9. И. Ҳаққул. "Занжирбанд шер қошида" Т. 1987.
10. И. Ҳаққул. "Тасаввуф ва шеърият" Т. 1992.

Н.ҒУЛОМОВА,
РТМ Давлат тили бўлими бошлиғи

---

[1] Тавозе а) хокисорлик, камтарлик; б) ҳурмат, иззат, эҳтиром; в) итоатгўйлик, бўйсуниш

Ўқувчининг ностандарт масалаларни ечиш усули, амалий машғулотларни бажара олиш малакаси, тил бўйича эса оғзаки нутқи, ёзма саводхонлиги, қоланверса, хуснихати ҳам ҳисобга олиниши лозим.

ИМКОНИЯТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛСА...

Tadbirkorlik

Ёз кунларидан бирида автобусда Шомурод ака деган киши билан суҳбатлашиб қолдим. Гапдан-гап чиқиб 1 гектарлик ёрдамчи хўжаликда шартнома бўйича ишлашини, ишлари яхши эканлигини, 2000-2001 йилда оила аъзолари билан 1 миллион сўм миқдорида даромад қилганлигини гапириб берди. Бу натижаларга қандай эришдингиз, деб сўрайман суҳбатдошимдан.

— "Э, ука бунинг бари меҳнат орқасидан. Шу бир гектар ерда тўртта ака-ука, фарзандларимиз билан меҳнат қиламиз. Дастлаб 50 сотих маккажўхори, 50 сотих помидор экдик. Кейин эса такрорий экин сифатида яна помидор ва картошка экдик. Бу йил ҳам худди шундай бўлади. Ҳозир картошка ва помидорларни бозорда сотяпмиз".

— Картошкани қанчадан сотяпсиз? қизиқсиниб сўрайман.

— Ҳозир 2 тонна помидорни 265 сўмдан топшириб келаяпман. Ҳосил мўл, — дейди мамнуният билан Шомурод ака. — Саратон ўтгандан кейин яна такрорий экин сифатида кузги картошка ва помидор экамиз.

Ўйлаб қоласан. Туманлардаги ўрта мактабларга ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланмаслик, ерни ўз ҳолига ташлаб қўйиш натижасида мактабларнинг ҳисоб рақамида пули йўқ. Тўғри, ўз ҳисоб рақамида пули бор мактабларимиз йўқ эмас. Масалан, Фориш туманидаги 70 дан ортиқ мактабнинг 5-6 тасидагина шахсий ҳисобида пули бор. Албатта, бизнинг ҳудудда деҳқончилик кўп жиҳатдан об-ҳавога боғлиқ. Лекин имконият қидириб, бу йилги об-ҳавонинг серёғин келганлигидан фойдаланиб буғдой, арпа, нўхат, қовун-тарвуз экиб, ундан фойдаланса бўлади. Натижада мактабнинг ҳисоб рақамига пул тушиб, аълочи ўқувчилар, илғор ўқитувчиларнинг рағбатлантирилиши, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига моддий ёрдам уюштирилиши, мактаб таъмири учун бўёқ ва жиҳозлар сотиб олиш мумкин бўларди.

Излаган имконият топади, дейишади, зора мактабларимиз ҳам ажратилган ердан унумли фойдаланиб, мактаб моддий-техника базасини яратишга эътибор қаратсалар.

Зафар МАЖИДОВ
Фориш тумани

Tahlil

ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ: РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДАН ЖАҲОН САРИ

Фан олимпиадалари — юқори билимли, иқтидорли, қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган муҳим тадбирлардан бири. Шу сабабли уларни ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар республика Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Жумладан, фан олимпиадаларини ўтказиш тўғрисидаги Низом ушбу вазирликлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилиб, йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 24 октябрдаги 161-сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 24 октябрдаги 304-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадаларида иштирок этувчиларни танлаш тўғрисида Низом"га ҳам қатор ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгаришлар, аввало, олимпиадаларни ўтказиш шаклларида ўз аксини топди. Барча фанлар бўйича тест синови билан бир қаторда фаннинг хусусиятига қараб ёзма иши, оғзаки ижодий иш, лаборатория иши, амалий иш, мустақил иш каби шакллари ҳам киритилди. Бундан ташқари, 2003 йилдан бошлаб халқаро фан олимпиадаларига танлов IV босқичдан муваффақиятли ўтган республика ғолиблари ўртасида ўтказиладиган бўлди. Шу сабабли, Республика босқичида халқаро олимпиада ўтказиладиган математика, информатика, физика, кимё ва биология каби фанлар бўйича олимпиадаларнинг вилоят босқичида нафақат 1-ўринни, балки 2-ва 3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар ҳам иштирок этадилар. Шунингдек, юқорида санаб ўтилган 5 та фан бўйича Республика босқичида 10-синф ва 1-2-курс ўқувчилари ҳам иштирок этади ва улар орасидан халқаро фан олимпиадаларида иштирок этувчи жамоалар шакллантирилади.

Яқинда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг 2002-2003 ўқув йилидаги фан олимпиадаларининг III босқичи якунланди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказилган фан олимпиадаларининг мазкур босқичида ЎМКҲТ муассасаларидан III курс ва 11-синфлар бўйича 795 нафар, I-II курс ва 10-синфлар бўйича 1410 нафар, жами 2205 нафар ўқувчи иштирок этди.

Хўш, фан олимпиадаларининг III босқичида эришилган натижалар қандай бўлди? Мазкур босқичда ЎМКҲТ муассасалари 3-курс ва 11-синфлар бўйича республика миқёсида 60 нафар ўқувчи совринли ўринларни қўлга киритиб, фан олимпиадаларининг Республика босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу натижаларни вилоятлар, таълим муассасалари ҳамда фанлар бўйича таҳлил қилсак, қуйидагилар намоён бўлади. Ғолиблар сонини вилоятлар бўйича тақсимласак, Самарқанд вилоятига 12 нафар, Тошкент шаҳрига 10 нафар, Қорақалпоғистон Республикасига 9 нафар, Навоий вилоятига 6 нафар, Қашқадарё вилоятига 5 нафар, Фарғона вилоятига 4 нафар, Наманган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларига 3 нафардан, Андижон ва Бухоро вилоятларига 2 нафардан, Сурхондарё вилоятига эса 1 нафар ўқувчи тўғри келади. Кўриниб турибдики, Тошкент ва Хоразм вилоятларидан бирорта ҳам ўқувчи республика босқичига ўта олмади.

Фан олимпиадаларида эришилган натижа ўқувчининг қобилияти, иқтидори билан бирга таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёнининг қанчалик даражада ташкил этилганлиги ва ўқитувчи-педагогларнинг салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, қайси таълим муассасасида фан олимпиадасига алоҳида эътибор берилиб, унга тайёргарлик ишлари жиддий олиб борилган бўлса ҳамда ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш малакаси ва тажрибасига эга бўлган педагоглар фидойилик билан меҳнат қилишса, ўша таълим масканларида республика ҳамда халқаро фан олимпиадалари ғолиблари ва иштирокчилари етишиб чиқмоқда. Бундай таълим муассасалари сирасига Самарқанд давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейлар ва 2-Тошкент тиббиёт институти қошидаги лицейни мисол келтириш мумкин. Бу йилги фан олимпиадаларининг III босқичи ғолиблари ҳам юқорида қайд қилинган таълим муассасаларида кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Нукус давлат педагогика институти қошидаги академик лицейдан 6 нафар, Самарқанд давлат университети ва Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейлар ҳамда 2-Тошкент тиббиёт институти қошидаги лицейдан 4 нафардан ўқувчи ғолиб бўлиб, фан олимпиадаларининг Республика босқичида иштирок этади. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицей ва Фарғона давлат университети қошидаги Охунбобоев академик лицейидан 3 нафардан ўқувчи ғолиб бўлди. Бундан ташқари, СамДЧТИ, Жиззах ДПИ, Қорақалпоқ Давлат университети, Наманган МПИ, ГулДУ қошидаги Жиззах, Элликқалъа, Дўстлик, Янгиер академик лицейлари ва Самарқанд ҚХИ ва Навоий кончилик институти қошидаги лицей-интернатлардан 2 нафардан ўқувчилар Республика босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

Энди фан олимпиадалари III босқич натижаларини фанлар бўйича таҳлил қилайлик. Фан олимпиадаларини ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ улар 22 та умумтаълим фанлари бўйича ўтказилиши белгиланган. Шундан махсус мактабларда она тили ва адабиёти ҳамда математика фанлари, шунингдек, қозоқ тили ва адабиёти, тожик тили ва адабиёти фанлари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитилмаганлиги сабабли, ЎМКҲТ муассасалари ўқувчилари 18 та фан бўйича иштирок этдилар. Қорақалпоқ тили ва адабиёти фани бўйича олимпиада фақат Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилиб, унинг ғолиблари III босқичда аниқланганлиги боис, фан олимпиадаларининг республика IV босқичида барча вилоятлардан 17 та фан бўйича учинчи бос-қичда 76 балдан юқори натижага эришиб, 1-ўринни эгаллаган, шунингдек, халқаро олимпиадалар ўтказиладиган фанлар — математика, информатика, физика, кимё ва биологиядан эса 2-ва 3-ўринларни ҳам эгаллаган жами 378 нафар ўқувчи қатнашиши лозим. Бироқ вилоятлардан айрим фанлар бўйича бирорта ҳам ғолиб аниқланмади. Масалан, Самарқанд вилоятидан тарих фани бўйича умумтаълим мактабларидан ҳам, ЎМКҲТ муассасаларидан ҳам бирорта ўқувчи республика босқичига ўта олмади.

Фан олимпиадаларининг Республика IV босқичида ЎМКҲТ муассасаларидан биология фани бўйича 10, физика ва математика бўйича 9, информатика бўйича 7, она тили ва адабиёти фанидан 5, кимё, рус тили (ўзбек гуруҳларида), рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида) бўйича 4, инглиз тилидан 3, иқтисодий билим асосларидан 2, франнцуз тили, чизмачилик ва ҳуқуқшунослик фанлари бўйича 1 нафардан ўқувчи иштирок этади. Таъкидлаш жоизки, ўзбек тили (рус гуруҳларида), қорақалпоқ тили ва адабиёти, немис тили, тарих, география фанлари бўйича ғолиблар аниқланмади. Бу эса академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ушбу фанларнинг ўқитилишига жиддий эътибор берилиши лозимлигини кўрсатади.

Юқорида таъкидланганидек, фан олимпиадаларини ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ, 5 та фан бўйича 10-синф ва 1-2- курс ўқувчилари ҳам Республика IV босқичида иштирок этиб, унинг ғолиблари орасидан халқаро олимпиадада иштирок этувчи жамоа шакллантирилади. Бу йил ЎМКҲТ тизимидан 10-синф ва 1-2- курслар бўйича 47 нафар ўқувчи республика босқичида иштирок этиб, ушбу танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, фан олимпиадалари республика миқёсида энг билимли ва иқтидорли ўқувчини аниқлаб берувчи ҳамда халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи жамоани шакллантирувчи асосий тадбир бўлиб, унинг барча босқичларини ташкил этиш ва ўтказишга жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Фан олимпиадаларининг барча босқичларида адолат ва холисликни таъминлаш зарур. Ана шундагина халқаро олимпиадаларда республикамиз шарафини химоя қила оладиган чинакам билимли ва иқтидорли ўқувчиларга эга бўламиз.

Барча босқичларда фан олимпиадаларини ҳамма фанлар бўйича кўпвариантлилик тамойили асосида ўтказишга алоҳида эътибор бериш, барча фанлар бўйича вариантлар сонини кўпайтириш зарур. Шу билан бирга барча фанлар бўйича олимпиада топшириқлари ва масалалари бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилиб, уларни таълим муассасаларига етказиш бугунги кундаги долзарб вазифадир.

Ва ниҳоят, фан олимпиадаларида тест синовини қўллаш хусусида. Маълумки, республикамизда тест синови 1993 йилдан бери адолат мезони сифатида самарали қўлланиб келинмоқда. Тест синови ўқувчилар билимини аниқлашда қатор афзалликларга эга. Лекин ўқувчининг бор қобилияти ва иқтидорини аниқлашда тест синовининг ўзигина етарли эмас. Ўқувчининг ностандарт масалаларни ечиш усули, амалий машғулотларни бажара олиш малакаси, тил бўйича эса оғзаки нутқи, ёзма саводхонлиги, қоланверса, хуснихати ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Бундан ташқари, алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро фан олимпиадалари тажрибасида тест синови қўлланилмайди. Демак, фикримизча, республикамиз ўқувчиларининг халқаро олимпиадаларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун республика фан олимпиадаларини ҳам халқаро олимпиадалар даражасида ўтказилишига эришиш лозим.

Мавлуда НИШОНОВА,
ЎМКҲТ Маркази бош мутахассиси

Jukovskiy ijodining kattagina qismi bevosita bolalarga taalluqlidir. U butun umri davomida ko'pdan-ko'p xalq ertaklarini she'riy yo'lda juda ta'sirli timsollar bilan boyitib, yozib chiqdi.

SHOIR VA TARJIMON

Bugun biz so'z yuritmoqchi bo'lgan shoir Jukovskiy Mishenskiy qishlog'ining egasi, mashhur rus zodagoni Afanasiy Bunin bilan turk qizi Solihaning o'g'li bo'lib, 1783 yilda tug'ilgan edi. Buning tarixi shunday:

1770 yili rus-turk muhorabasi borayotgan edi. Buninning qarol dehqonlaridan biri urushga ketayotib — «Otaxon, agar bu urushda yutsak, sizga qanday sovg'a olib kelay?» — deb so'raganda, «Og'ayni, menga novdaday bir turk qizini olib kel, ko'rib turibsan-ku, kelinoying ancha qarib, xotinlikka yaramay qoldi», degan ekan hazillashib. Dehqon, turk qal'alaridan birini egallash chog'ida 16 yashar Solihani asirlikka oib kelgan va u Buninlar xonadoniga joylashtirilgan ekan. U 1783 yilda o'g'il tuqqanda Bunin sevinganidan o'zini qo'yarga joy topolmay qoldi. Ammo unga o'z familiyasini berishga Rossiya qonun-qoidalari yo'l bermas edi. Nikohsiz tug'ilgan bolalar krepostnoy qul bo'lib qolar edi. Shuning uchun Solihani nasroniy diniga kirgazishdi va unga Yelizaveta Dementevna deb nom berildi. Bunin o'z tasarrufidagi qishloqda yashayotgan Andrey Jukovskiydan yangi tug'ilgan chaqaloqni o'g'il qilib olishni iltimos qildi. Shu tariqa dunyoda Vasiliy Andrevich Jukovskiy paydo bo'ldi. Vasiliy — qadimiy yunoncha ism bo'lib, ruschasi Vladimir, o'zbekchasi Jahongir bo'ladi. Vasiliyning yaxshi tarbiya va yetarli ma'lumot olishi uchun hech qanday mablag'ni ayamadilar. Chunki Afanasiy Bunin 1791 yili, o'lim to'shagida yotganda Soliha va Vasiliy haqida xotiniga so'z ochib: «Bekam! Bu sho'rliklar uchun men hech nima qilolmadim, ammo ularni senga topshiraman» deb vasiyat qilgandi.

Vasiliy Jukovskiy dastavval Tuladagi xususiy pansionda (pansion — bu o'quv-tarbiya maskani bo'lib, u yerda tarbiyalanuvchilar kiyim-kechak va oziq-ovqat bilan to'la ta'minlanadilar), keyin cherkov bilim yurtida o'qidi. Ammo afsuski, «qobiliyatsiz» deb uni o'qishdan chetlashtirdilar, shunda Bunina o'zining hamma tanishlarini ishga solib, 1797 yilda Vasiliyni Moskva universitetining Zodagonlar pansioniga joylagandi. 1799 yilda Jukovskiy pansionning eng namunali, eng birinchi o'quvchisi bo'ldi. 1800 yilda pansionni tugatgach, Solyanaya idorasiga xizmatga yuborildi. Ikki yillik xizmatni o'tashi bilanoq, 1802 yilda Mansabli Maslahatgo'y unvoni bilan jonajon Tulasiga qaytdi. Bu paytda 19 yashar bo'lgan Jukovskiy Oka daryosining baland qirg'og'iga uy soldi va onasini ko'chirib olib keldi.

Jukovskiy Zodagonlar pansionida o'qib yurganida dastlabki she'rlarini yoza boshlagan edi. Birinchi she'ri — «May ertasi» 14 yoshida jurnalda bosilib chiqqan edi. Tulaga kelgan paytida uning endi bir talay she'rlari bosilib chiqqan va el orasida ancha nom qozonib qolgan shoir edi. Ayniqsa uning «Qishloq qabristoni» nomli she'ri o'zining haqqoniy tasvirlari bilan ko'pchilikning diqqatini o'ziga jalb qilgan edi. Keyin uning romantik ruh bilan sug'orilgan «Lyudmila» (1808). «Kassandra» (1809), «Svetlana» (1812) kabi balladalari bosilib chiqdi. 1812 yilda Vatan urushida qatnashib, lashkarboshilarning jasorati va vatanga muhabbatini ulug'lovchi «Rus jangchilari qarorgohida baxshi» nomli qasidasini yozdi va katta shuhrat qozondi. 1815 yilda ishlash uchun saroyga taklif qilindi va uzoq yillar o'sha yerda a'yon bo'lib qoldi. Bu yillar davomida «Eolaning chiltori» (1814), «Vadim» (1817), «Uyqudagi 12 qiz» (1817), «Avliyo Ivan oqshomi» (1822), «Dengiz» (1822) va hokazo doston, ballada va she'rlarini yaratdi.

Jukovskiy Gomerning «Odisseya», «Iliada» dostonlarini, Shiller va Bayron asarlarini, «Shohnoma» syujetlari asosida «Rustam va Zorab» dostonini, «Mahabxorat» asosida «Nal va Damayanti» dostonlarini erkin tarjima qildi. U o'zining tarjimonlik faoliyati haqida: «Menda deyarli hamma narsa yo birovniki, yoki birovniki haqida, ammo, shunday bo'lsa ham, ularning bari o'zimniki» deb yozgan edi. Jukovskiy 1841 yilda saroydagi lavozimidan iste'foga chiqdi va rassom do'sti Reyterning qizi Yelizavetaga uylandi. Ular bir qiz va bir o'g'il ko'rdilar. Jukovskiy 1852 yilda Olmoniyaning Baden-Baden shahrida vafot etdi va o'z vasiyatiga binoan Sank-Peterburgda dafn etildi.

Jukovskiy ijodining kattagina qismi bevosita bolalarga taalluqlidir. U butun umri davomida ko'pdan-ko'p xalq ertaklarini she'riy yo'lda juda ta'sirli timsollar bilan boyitib, yozib chiqdi. O'z bolalariga atab rus tilining ranginligini ko'rsatuvchi ko'pgina she'rlar yozdi. Uning yozgan ko'p dostonlari, ballada va masallari, qisqa-qisqa she'rlari rus bolalar adabiyotining takrorlanmas namunalari bo'lib qoldi.

Ulug' rus tanqidchisi Belinskiy Jukovskiy haqida shunday deb yozgan edi: «Jukovskiy... rus she'riyatini romatik unsurlar bilan ruhlantirib, ommabop qildi, unga yuksalish imkoniyatini yaratdi. Agar bizda Jukovskiy bo'lmaganda, Pushkinimiz ham bo'lmas edi.»

Miraziz A'ZAM

JUKOVSKIY

BURGUT ILA KABUTAR

Masal

Burgut baland qoyadan
O'ljasiga tashlandi.
Ovchi teshdi qanotin,
Burgut qulay boshladi,
Zaytunzorga tushdi u.
Uch kun yotdi toliqib.
Yotdi titrab-qaltirab,
Najot istab. Zoriqib.
Tabiatning o'zidan
Malham topdi nihoyat,
Asta-asta yarasi
Topdi ancha salomat.
Vahshiyona jasurlik
mayli qo'zg'aldi yana:
Torlik qila boshladi
Bu yerdagi boshpana.
Uchib ko'rmoqchi bo'ldi.
Yotgan joyidan, hayhot,
Yuksalmay bir qarich ham
Sharmanda qildi qanot...
Ruhi tushib, tin olib
Suv bo'yida o'tirdi.
Zoriqib baland eman
uchiga yuz o'girdi.
Osmon gumbazi uzra
Yarqirar edi quyosh.
Burgutning o'tli-cho'g'li
ko'zlarida yondi yosh.
Zaytunzor aro asta
qanotlarini qoqib
keldi bir juft kabutar
soy bo'yiga uloqib.
Oltin qumloqda ular
rosa o'ynashdi birga,
Boqib qizil ko'zlarin
Tog'larga, yonbag'irga.
Birdan moda kabutar
seskandi —
ruhi tushib,
churq etmay, jim o'tirgan
burgutga ko'zi tushib.
Chap qanot-la narini
astagina turtdi u.
Ma'yus burgutga qarab
shundayin so'z qotdi u:
«Umidsiz bo'lma, do'stim,
Foydasi yo'q, bo'ldi, bas:
Baxtli bo'lish-chun bizga
Ko'p narsa kerak emas.
Qara, atrofga qara:
Qanday xushbo'y zaytunzor!
U seni kun tig'ida
Qoldirib qo'ymas zinhor.
Tiniq soyalari-la
Seni qo'rir butun yoz.
Oltin oqshomlar esa
Senga bo'lishar hamroz.
Bu yerda mavjlari sho'x
soylar ko'p.
Maysalar ko'p.
Terarsan butalardan
Istagancha rizqingni,
Muzdakkina oqimdan
Qondirib chanqog'ingni.
O do'stim! Ishon menga —
Baxtdir o'rtahol yashash.
Har yerda, har narsadan
Quvonib qadam tashlash».
Chuqur xayolga cho'mib:
«Donosan! — dedi burgut, —
Lekin bu fikring bilan
Kabutarlarni ovut.»

HOLAT

Bir o'lka bor, o'rmoni yayrab nafas oladi,
Daraxtlarning shoxida oltin limon yonadi.
Samolar issig'ini yelpishar shabadalar,
Dafnalar turar mag'rur, xush is tarar mirtalar.
Baxt bor u yoqda, do'stim, qani ketdik uyoqqa!
Umidlar chaqirmoqda! Qalbim doim uyoqda

U yerning uyi yorug'! Marmar ustunlarga boy,
Ustunlarda — gumbazlar, nurlardan yonar saroy.
Avliyolar qatori safda turar qilt etmay,
Ularning jimligi ham fikr sochar sochqiday.
Baxt bor u yoqda, do'stim, qani ketdik uyoqqa!
Umidlar chaqirmoqda, qalbim doim uyoqda!

Tumanlarning ortida tog'lari ko'p so'qmoqli,
O'zi yo'l topar xachir, taqir-tuqur tuyoqli.
Ajdaholar u yoqda tun zulmatin poralar,
Qoyani urar suvlar, uchib ketar qoyalar!..
Baxt bor u yoqda, do'stim, qani ketdik u yoqqa!
Umidlar chaqirmoqda! Qalbim doim o'shoqda!

O VATAN!

U yoqda havolar va suvlar mayin!
U yoqda qushchalar kuylashar shirin!
O Vatan! Kunlaring shu qadar rangin!
Qayerdaki bo'lmay, sen bilan doim
Yuragim.

Esingdami, tog'lar ko'rk to'kar edi,
Qumushlangan shudring miltirar edi,
Shom nuri oqarib yiltirar edi,
Tushib kelar edi jimlik osmondan
O'rmonga.

Esingdami, o'sha aylanmachoq suv,
Majnuntol soyasi, jazirama kun,
Ma'rashib, soy bo'ylab kelardi suruv,
Akslanardi suvda jonajon qishloq.
O, u choq!

U yoqda saharlab kuylardi bulbul,
Qizaradi shafaq, tovlanib xil-xil,
Qalbim talpinardi u yoqqa bir xil.
Ko'zlarim, yuragim jannat edi der
O'sha yer!..

QUSHCHA

Qushcha uchadi,
Ko'kni quchadi,
Uning qorni to'q.
Qushcha uchardi,
Ko'kni quchardi,
Qushcha endi yo'q!
Qaydasan, qushcha?
Sayroqi mushtcha?
Olis diyorda
In solib pishiq,
Yangratib, qo'shiq
Aytar u yerda.

MUSHUKCHA BILAN ULOQCHA

Mo'ylovli baroq —
Bog'ning chetida.
Shoxli bir uloq —
Uning ketida.
Baroq og'zini
Bo'yar qo'lida,
Uloq soqolin
Silkir yo'lida.

TO'RG'AY

Oftobda qizardi qorong'i o'rmon,
Vodiyda inja bug' oqarib turar.
Yangrab ketdi birdan bu moviy osmon —
To'rg'ay ertalabki qo'shig'in kuylar.

Kuylaydi yuksakda bor ovoz bilan,
Kuylaydi zavq ila quyoshda chaqnab:
«Kirib keldi bizga yam-yashil ko'klam,
Men keldim bu yerga bahorni alqab.

Bu yerda yengilman, qalbimda navo,
Bu yerlar poyonsiz, shunday bahavo.
Bu olamni tangri aylagan bunyod,
Kuyimda to abad uni etgum yod!»

Қўшнимизнинг ўғли-ку, айтсам қамаб қўяди, деб жим юрсангиз, у бола бир кун келиб ўғлингизни ҳеч бўлмаса, жиянингизни ўз сафига тортади.

ДАРСДА СУД ЖАРАЁНИ

Huquqiy ta'lim

...Суд жараёни қизиганидан қизиб борарди. Судья гоҳ даъвогарга, гоҳ жавобгарга юзланиб, уларнинг фикрини диққат-эътибор билан тингларди. Ҳар иккаласи ҳам ўз қарашларини далиллар, кўрсатмалар билан исботлашга, тасдиқлашга уринишарди.

Даъвогар — қизи туғилганда уни онаси билан бесабаб ташлаб кетган ота. Жавобгар — отасиз ўсиб-улғайган, турмуш қурган, моддий жиҳатдан ўзига тўқ комила қиз. Кексайган ота меҳнат қилиб, нон топиб ейишга кучи етмай қолгач, беайб, гўдаклигида ташлаб кетган, моддий қўлламаган қизидан энди алимент (нафақа) ундириб беришни талаб этиб, фуқаролик судига мурожаат қилган. Шу тариқа бошланган можароли "иш" судда кўриб чиқилмоқда...

Якуний хулоса кимнинг фойдасига ҳал бўлди, деган саволни беришга ошиқманг. Ҳукмингизга ҳавола этилган воқеа суд биносидан эмас, балки Янгиқўрғон қишлоқ хўжалиги коллежида одатий тусга кириб бораётган ноанъанавий дарс жараёнидан келтирилди. Унинг муаллифи, олий тоифадаги тарих ва давлат ҳуқуқи фани ўқитувчиси Худойберди Хайитовдир. Катта ҳаётий ва иш тажрибасига эга ушбу муаллим дарсни ана шундай воқеали, таъсирчан, эсда қоларли тарзда олиб боради.

Ўқитувчининг "Оила ҳуқуқи, болаларнинг мажбуриятлари" мавзусига бағишлаб саҳналаштирган суд жараёни, ўзининг жонлилиги билан диққатни тортади. "Суд"даги, аниқроғи, дарсдаги том маънодаги эркин муҳит ҳар бир талабани мавзуни чуқур эгаллашга, ҳаётга бефарқ бўлмасликка ўргатиши, шак-шубҳасиз.

Машғулотга қатнашган бухгалтерия ҳисоби бўлимининг учинчи босқич талабалари нафақат оддий тингловчи, балки фаол ва эркин фикрловчи шахс сифатида шаклланаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Талабалар Бош Қомусимизнинг 63-66-моддаларини шунчаки назарий эмас, балки амалий мисоллар орқали тўла-тўкис қалбларига жо этди, десак муболаға бўлмайди. Сабаби, "суд жараёнида" қатнашган талаба-иштирокчилар билан суҳбат давомида Мунаввар Баҳодирова, Шаҳноза Тожибоева, Дилафруз Қурбоновалар бир-биридан мулоҳазали фикрларни баён этарди. Бу тариқа дарсга ижодий ёндошув, дўстона фикр алмашиш, савол-жавобларнинг хилма-хиллиги талабалар билиминнинг анча чуқур ва мукаммаллигидан далолат беради.

— Коллежимизда 750 нафар ўқувчи таҳсил олиб, уларга етти йўналиш бўйича замонавий қишлоқ хўжалиги асосларидан таълим берилмоқда, — дейди коллеж директори Муҳаммадвали Тўрабоев. — Таълим масканида ўсиб келаётган ёш авлодни мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда миллий истиқлол ғояси фани билан чекланиб қолмаяпмиз.

Бу борада ўқитувчи-мураббийлар учун "Баркамоллик" деб аталган жамоатчилик университети ҳам ташкил этилгани айни муддао бўляпти. Ушбу университетда олиб бориладиган машғулотларда устозларга зарур йўл-йўриқлар, кўрсатмалар берилади. Бу ишни моҳир педагог, олий тоифали ўқитувчи Санъатхон опа Абдуазизова самарали олиб бормоқда.

Коллежда ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари мунтазам равишда "Маънавият булоқлари" эрталиклари ҳам уюштирилмоқда. Эрталиклар дарсдан ярим соат аввал ўтказилиб, унга ҳуқуқ-тартибот, суд, прокуратура идоралари ходимларининг жалб этилиши уларнинг таъсирчанлигини оширяпти.

Асқарали МАМАТОВ

ЁМОНЛАРДАН ЙИРОҚ ЮРАЙЛИК

Uchrashuv

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва Ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигида ишлаб чиқилган "Оғусиз дунё — ёшларга зиё" дастури асосида олий ўқув юртлари, лицей, коллеж, мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида ёшлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Мана шундай учрашувлардан бири Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтди. "Ҳолва дегани билан оғиз чучимагани" каби, қинғир ишга қўл урма, ёмонларга яқин юрма ёки гиёҳванд моддани чекма деган билан ёшларимиз бу гапларга қулоқ солишганида бундай учрашувларга ҳожат йўқ эди. Чунки ондасонда бўлсин, талабалар орасида ҳам қинғир ишга қўл уриш, ёмонларга ёндошиб ўқишни ташлаб кетиш, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб, жиноятга қўл уриш ҳолатлари учраб турибди. Шу боис республика Ички ишлар вазирлигидан ташриф буюрган мутасаддилар бу борада мамлакатдаги вазиятдан талабаларни бохабар этиш билан бирга, гиёҳвандлик балосига йўлиққан, жиноятга қўл уриб, жавобгарликка тортилган талабалар ҳақида аниқ мисоллар келтиришиб, уларни бундай аянчли ҳолатлардан узоқ юришга чақирдилар.

Дарҳақиқат, талабалар университетда устозлар назоратида. Аммо дарсдан сўнг улар нима билан машғул бўлишмоқда? Кимлар билан дўст тутинмоқдалар? Бу нарсаларни билиш уларнинг эркини чеклаш ёки шахсий ҳаётига аралашиш дегани эмас. Токи, улар илм ўрганаётган, эртанги куни учун пойдевор яратиш мақсадида олий даргоҳ таҳсилини олаётган экан, ичиш, чекиш, қимор ўйнаш, хулласи, бир сўз билан айтганда ўқишдан чалғитувчи машғулотлардан ҳоли бўлсаларгина, ниятларига эриша оладилар.

Шу боис учрашувда уларга гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилсанг, ўқишдан ҳайдаласан ёки қамаласан, деган гаплар айтилмади. Аксинча, бу иллат келтирадиган кулфатларни, унинг асоратларини қалбдан ҳис қилиш кераклиги уқтирилди. Гиёҳвандликка яқин йўламаслик учун нафақат ўзини, балки дўстларини ҳам даъват этиши лозимлиги айтилди. Мақсад эса унинг касофатидан нафақат ёшларни, балки барчани асрашдир. Маълумки, замон ўзгача. Ҳисоб-китобимиз ҳам ўзаро эмас, балки жаҳонаро. Аммо диний экстремизм ва терроризм хавфи сақланиб турган экан, улардан доимо огоҳ бўлиш, талабаларни сақлаш жуда ҳам муҳим. Шу боис учрашувда диний экстремизм мавзусига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Тадбирда иштирок этган республика Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси ходимлари, милиция подполковниги И.Толбобоев, милиция майори Ш.Рўзиев ва милиция капитани И.Жаҳонгировлар Профилактика хизмати соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли соҳада амалга оширилаётган янгиликлардан талабаларни бохабар этишди.

Хайрулла ШЕРБОЕВ,
милиция катта лейтенанти

АЖАЛ ТЎРИ

Ma'rifatsiz kishilar

Ажал тўрига тушган гиёҳванд учун ягона йўл қолади. У ҳам бўлса, бир кун бўлсин тирик яшаш. Чунки, у бор-будидан, обрў-иззатию молу дунёсидан айрилди. Энди у пул топиш учун фоҳишабозлик билан шуғулланадими, қўшмачилик қиладими барибир. Хумори тутганда онасининг юзига шапалоқни, отасининг бўйнига пичоқни тортиб юбориши ҳеч гап эмас.

Фарғона шаҳрида яшаган, ҳозир Қашқадарёда жазо муддатини ўтаётган Абдурашид исмли йигит билан гаплашганимизда, "Мен гиёҳванд моддасини истеъмол қилиб онамни ўлдириб, отамни жароҳатлаганман. Лекин, менинг бу қўйга тушишимда, отамнинг айби бор. Чунки уларнинг топиш-тутиши зўр. Шунинг учун мени даволатиш ўрнига, аксинча доридан топиб бериб турди. Бир куни топилмай қолгач, онамга ва отамга оғир жароҳат етказиб қўйибман. Билмай қилдим, билганимда эди..."

Қани эди улар мени кечиришса. Менга имкон беринглар мен отамдан, қариндош -уруғларимдан кечирим сўрайин. Укалар, жон укалар, гиёҳванд моддани асло татиб кўрманглар, кайф бўлади, деса ишонманглар. Барбод бўласизлар, расво бўласизлар, мен сингари падаркуш, онасининг қотили деган тавқи лаънат оласизлар. Эҳ қанийди ҳаётимни қайтадан бошласам."

Онасини чавақлаб, танасини бир неча бўлакларга бўлиб, ҳовлисидаги бетон тагига кўмиб ташлаган янгийўллик Фарҳод эса кечирим сўрашни хаёлига ҳам келтирмайди.

Бугунги кунда гиёҳвандлик мавжуд экан, бундайлардан доимо эҳтиёт бўлмоқ, уларни аниқлаб, даволашда фуқароларимиз яқиндан ёрдам беришлари керак.

Қўшнимизнинг ўғли-ку, айтсам қамаб қўяди, деб жим юрсангиз, у бола бир кун келиб ўғлингизни ҳеч бўлмаса, жиянингизни ўз сафига тортади. Чунки уни ҳам қайсидир қўшниси шу қўйга солган. Буни унутмаслик керак.

Мамлакатимизда бу йил шприц орқали гиёҳванд моддаларни қабул қилувчилар сони ўттан йилгига нисбатан бироз камайган бўлса-да, лекин уларнинг бутунлай барҳам топмагани бу борадаги хавфни сақлаб турибди. Бу турдаги, гиёҳвандларнинг 80 фоизини 30 ёшгача бўлган шахслар ташкил этмоқда.

Гиёҳванд моддасига ўрганган шахс ҳар қандай жиноятдан қайтмайди, бу унинг жамият учун хавфли томонларидан бири бўлса, иккинчидан гиёҳвандлик давосиз дард, у албатта инсоннинг қамалишига ёки ўлимига олиб келади.

Масалан, юқоридаги Абдурашидни олайлик, у ўзига тўқ оила фарзанди бўлган. Отаси унга ҳаддан зиёд кўп пул берган. Гиёҳванд моддасини сотувчилар эса худди шунақа ёшларни қидиришади-да, биринчи, иккинчи, боринг-ки учинчи марта ҳам гиёҳванд моддасини текинга бериб, уни ўргатиб олишади. Сўнг унга гиёҳванд моддаларни сота бошлашади. Кўриб турибсизки, пуллар фақат "оғуни" сотиб олишга кетаверади. Бошида фарзанд ул-бул олиш учун ота- онасидан пул сўраши мумкин, кейинчалик нимани баҳона қилиб сўрайди, албатта сўрай олмайди. Ва уйдан қўлга илинадиган нарсаларни ўғирлаб олиб чиқиб, сотади ва хуморини қондиради. Гиёҳванд кишининг ақли заифлашиб бораверади ва унга қул бўлиб қолади ҳамда ўзини назорат қила олмай, ҳар қандай жиноятга қўл уришдан қайтмайди. Бундан ташқари оғунинг касридан қанчаданқанча оилалар бузилиб, ота-оналар фарзандсиз, болалар тирик етим, оилалар боқувчисиз қолмоқда. Ҳозирги кунда ажралишаётган ҳар 10 та оиладан 3 таси ана шу хавф сабабли барбод бўлмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Республика ИИВ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси катта инспектори, милиция майори

КАМОЛИДДИННИНГ КАМОЛИ

Bugungi yoshlar

Жонажон диёримиздан илму урфон байроғини юксакларга кўтарган, маънавият ва маърифатимиз бешигини тебратган буюк зотлар етишиб чиққан. Бугунги кунда ҳам юртимизда умидли ёшлар талайгина. Тошкент автомобиль-йўллар институти талабаси, Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори Камолиддин Зияев ҳам мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ юксак истеъдоди, илмга чанқоқлиги ва ташкилотчилиги билан барчанинг эътиборини қозонган эди. Ўрта мактабнинг 9-синфини тугаллагач, Тошкент автомобиль-йўллар техникумига ўқишга қабул қилиниши Камолиддиннинг болалиқдаги орзулари ушалишига асос бўлди.

Камолиддин техникумни муваффаққиятли якунлагач, автомобилсозлик бўйича олган билим ва амалий кўникмаларини янада бойитиш, энг асосийси шу соҳа бўйича етук мутахассис бўлиб хизмат қилиш учун Тошкент автомобиль-йўллар институтига ҳужжат топширди ва давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. У ўқиш давомида илмнинг юксак чўққилари сари одимлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ҳозирда у ўз йўналиши бўйича кенг изланишлар олиб бориб, тадқиқот ишларида қатнашяпти. К. Зияевнинг ана шу ҳаракатлари ҳисобга олиниб, у "Магистрантлар ва иқтидорли талабалар" факультетига имтиёзли равишда қабул қилинди. У ҳозирда III босқичда таҳсил олиш билан бир қаторда ўқув юртида ташкил қилинган "Толе" клубининг раиси ҳамдир.

—Клубимизнинг асосий мақсади автомобиль соҳасининг ривожига ҳисса қўшиш, айниқса ёшларни тадқиқотчиликка, янгиликка, илмга кенг жалб қилиш, соҳа илмида изланиш олиб борувчиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқимизнинг буюк қадриятларини ўрганиб, унинг юксалишига имкон қадар ҳисса қўшишдир, — дейди Камолиддин.

Клубда бир қанча ташкилотлар буюртмаларига асосан, кўплаб тадқиқотлар бажарилмоқда. Бу изланишларда К. Зияевнинг ҳам бевосита иштироки бор.

Ҳозирда клуб аъзолари унинг кутубхонасини бойитиш мақсадида тегишли мавзу бўйича маълумотлар тўплаб, яхлит тўплам ҳолига келтирмоқдалар. Шу жумладан, Камолиддиннинг ҳам "Автомобилсозлик тарихи" мавзусидаги китоби институт кенгашида тасдиқланиб, кўп нусхада чоп этилиш арафасида турибди.

Иқтидорли талаба, Беруний номидаги стипендия совриндори К. Зияевнинг автомобил соҳасидаги илмий изланишлари мева беришини тилаб қоламиз.

Фаррух БЎТАЕВ

Xorijda ta'lim

ЭНГ КЎП САВОЛ БЕРГАН ТАЛАБА

Америка университетларида юқори баҳо олади

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида АҚШнинг Огайо Давлат университети ҳақида маълумот берган эдик.Бу мақолада эса мазкур университетдаги ўқув тизими ҳақида батафсилроқ тўхталмоқчимиз: агробизнес ва менежмент, маркетинг асослари ва халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишидаги ўқув дастури чуқурлаштирилган мутахассислик сифатида ривожланаяпти. Масалан, талабалар бир семестрда фақат 5-6 та фан ўқишади, улар асосан ўз мутахассисликларига тегишли фанлардир. Дастур шарт-ли ва танлов фанларига бўлинади. Ҳар бир талаба иккита йўналиш бўйича қўйилган режани бажариши шарт. Улар гуруҳларга бўлинмайди, чунки ҳар бир талаба фанни ва ўқитувчиларни танлайди. Уларни ўқув тизимида назорат қилиш учун ҳар бир босқичда тьютор, яъни мураббий мавжуд. Мураббий асосан ўқув ишлари бўйича талабаларга маслаҳат беради. Ўқитувчилар орасида рақобат муҳити мавжуд. Ўқитувчининг машғулотига қанчалик кўп талабалар кирса, ўқитувчининг обрўси шунчалик ошади. Масалан, бир ўқитувчининг дарсига 100 талаба кириши мумкин, иккинчисига фақат 50 талаба. Бундан ташқари, деканат ўқитувчилар бўйича талабалар орасида яширин сўровнома ўтказади. Машғулотлар пайтида талабалар ўқитувчилардан рухсат олмасдан, бемалол аудиторияга кириб, чиқишлари мумкин, лекин машғулотлар пайтида барча талабалар тартиб сақлаб, маъруза эшитишади. Деканат шунга қараб ўқитувчиларга баҳо беради.

Ўқитувчилар мавжуд қоидага кўра, илмий ишлар билан ҳам шуғулланади. Ўқитувчи ярим ставка лавозимда илмий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўлимида ишлайди. Бир йилда ўқув юклама бўйича ўқитувчи камида 150 та машғулот ўтказиши керак, бу 300 соат аудитория юклови деб ҳисобланади. Шуни айтиш керакки, Америка таълим тизимида фақат маърузалар ўтилади, амалий машғулотларни талабалар индивидуал ўтишади. Талабалар ва ўқитувчилар орасидаги коэффициент 15:1, бу 15 талабага 1 ўқитувчи тўғри келади деганидир. Талаба маърузаларга қатнашиши шарт. Ҳар бир талаба фан бўйича китобни сотиб олади ва бундан ташқари маъруза матнлари билан талаба Интернетда ўқитувчининг веб сайтида танишиши мумкин. Ҳар бир фандан талаба реферат ёзади. Ўқитувчилар реферат бўйича инструкция чиқаради. Реферат албатта компьютерда бажарилади ва ҳар бир талаба унинг компьютерда чиқарилган нусхасини тақдим қилади. Рефератда иложи борича талаба ўзининг мустақил фикрларини кўрсатиши лозим. Ўқитувчилар талабалар томонидан саволлар берилишини сўрайди. Талаба қанчалик кўп савол берса, унинг баҳоси шунчалик юқори бўлади. Бу интерфаол усул ҳисобланади. Ҳар бир университетда компьютер тест маркази мавжуд ва тест синовидан кейин баҳолар компьютерга киритилади. Талабаларда электрон код мавжуд ва у бўйича тўлиқ маълумотни компьютер орқали билиш мумкин. Масалан, қайси фан бўйича қанақа баҳо олади. Бир ҳафтада талабалар 5 кун ўқишади, агар унинг ярим кундан эканлигини инобатга олсак, 2,5 кунга тўғри келади. Ўқишга пул тўлаш учун талабалар ишлашади. Ҳар бир соат учун 7 доллар 40 цент тўланади. Чет эллик талабалар учун махсус карточка ёки ишлаш учун рухсатнома берилади. Талабалар малака ошириши учун йирик фирмаларга ўқув амалиётларига юборилади. Улардан ўқув амалиёти бўйича ҳисобот сўралади. Магистратурадан кейинги аспирантурага кириш учун талабалар катта танловдан ўтишади. Масалан, Огайо университетида битта аспирант грант ўрнига 10-12 номзод ҳужжат топширади. Улар инглиз тилидан ташқари мутахассислик бўйича ҳам имтихонлар топширишади. Аспирант-лар бир нечта фанни талаба сифатида ўқиб, имтихонлар топширишади. Ҳар бир аспирантга алоҳида хона ва компьютер ажратилади. Иқтисодий жиҳатдан қийналган аспирант, профессорнинг котиби ёки лаборант сифатида ишлаши мумкин. Баъзи бир фанлар бўйича аспирантура даври 4 ёки 5 йилга расмийлаштирилади. Муддат яқинлашгач, аспирант албатта диссертацияни ҳимоя қилиши зарур.

Америкалик ўқитувчилар қоғозлар билан ишлашга кам вақт ажратишади, чунки уларда компьютер тизими жуда яхши ривожланган, ўқитувчилар битта хонада ўтириб, бир-бирига қоғоз эмас, компьютер бўйича маълумотлар юборишади. Шуни айтиш лозимки, Америкада университетлар учун ягона ўқув дастурлари ва стандартлар мавжуд эмас, ҳар бир университет ўзининг стандартини ишлаб чиқади.

Америкада университетлар бўйича биринчи қонун 1862 йилда қабул қилинган яъни "Ленд грант" ёки ўзбек тилида "Ер совға" деган қонунга асосан университетни очган шахс унинг хўжайини ҳисобланади. 1869 йилда қабул қилинган иккинчи қонунга кўра, университетларга молиявий имтиёзлар берилган. Шунча вақт ўтганига қарамасдан, мазкур қонунлар ҳамон ўз кучига эга. Бундан ташқари, Америка университетлари қоида бўйича, расмий равишда молиявий гифтларни ёки сов-ғаларни қабул қилиши мумкин. Ўртача университетларнинг бюджет таркибидаги гифтлари 12 фоиз тенг. Ҳар бир университет ўзининг интернет веб сайтида гифт ёки совға бўлинмаси очган. Собиқ талабалар яъни ҳозирги пайтда йирик компанияларда ишлаётган раҳбарлар университетга банк орқали молиявий ёрдам кўрсатишади.

Баҳодир ОТАБОЕВ,
доцент

БУШ: МАСАЛАНИ ЧЎЗМАСЛИК КЕРАК

Жорж Буш маъмурияти ўзининг ташқи сиёсатидаги маслаҳатлар сериясини бошлади. Гарчи Саддам Ҳусайннинг ихтиёрий равишда ҳокимиятдан кетиши учун эҳтиёткорона иш тутилаётган бўлса-да, можаронинг тинчлик йўли билан ҳал қилиниши учун ҳафта мобайнида вақт ажратилади холос. Лекин, дипломатиянинг бу усуллари учун бирор ой вақт сарфлаш ярамайди. Бироқ қай йўсинда бўлмасин масалани ҳал этиш, яъни Саддам Ҳусайнни куролсизлантириш лозим. Куни кеча эса Европанинг Буюк Британия, Венгрия, Дания, Испания, Италия, Польша, Португалия, Чехия давлатлари Американи қўллаб-қувватлаш мақсадида декларация имзолаганлар.

АЛ БАРАДЕЙ: 4-5 ОЙ МУҲЛАТ КЕРАК

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик раҳбари Ал Барадейнинг билдиришича, Ироқда ядро куроллари борми, деган саволга жавоб топишлари учун инспекторларга 4-5 ой муҳлат керак бўлади. Аммо, улар Ироқ олимлари билан суҳбат ўтказишга муваффақ бўлишганича йўқ. Негаки Бағдод инспекторлар ва ўз мутахассисларининг юзма-юз учрашувларида кузатувчилар ҳам иштирок этишлари лозимлигини айтмоқда. БМТнинг 1441-резолюциясида инспекторларга Ироқнинг ҳар қандай фуқаросси билан яккама-якка суҳбат ўтказиш ҳуқуқи берилган эди. Ироқ олимлари эса бундай учрашувлардаги суҳбат кейинроқ, ўзгартирилиб талқин этилишидан хавотирдалар.

ТОЛИБОНЛАР ЯНА ЖОНЛАНМОҚДА

Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг қайта тикланиши мамлакатдаги халқаро кучлардан норози бўлган афғон мухолифат гуруҳларининг мавжудлигидан далолат беради. Сўнгги ойларда пуштунлар яшовчи аҳоли пунктларида хорижий аскарларга ҳужум уюштиришлар кўпайган. Яқинда Спин-Болдакда юз берган тўқнашув бунга мисол бўла олади. Бугун толибларнинг аксарияти соқолларини олиб, бошларидаги саллаларни ечиб, пуштун халқи орасига қўшилиб кетганлар. Уларнинг раҳбари Мулло Муҳаммад Умар эса Покистон билан чегарадош бўлган шимолий ҳудуддан бошпана топган. Айни пайтда катта тажрибага эга бўлган маҳаллий дала қўмондони Гулбиддин Ҳикматёр аскарлари ҳам ҳозирги муваққат ҳукумат аскарлари ва халқаро кучларга қарши жанг олиб бормоқда.

Баграм базасидан кўтарилган Американинг "Black Hawk" вертолёти бир неча дақиқалар ўтиб, ҳалокатга учраган ва унинг бортидаги 4 киши ҳалок бўлган. Кеча эса Қандаҳор шаҳридан 20 км. жанубда жойлашган кўприк устида йўловчи автобус портлатиб юборилган. Натижада 18 йўловчи ҳалок бўлган. Қандаҳор полиция маҳкамаси вакили Устод Назиржоннинг айтишича, ушбу террор актини "Толибон" ва "Ал Қоида"нинг қолган жангарилари амалга оширган бўлиши керак.

САМОЛЁТЛАР ЧЕГАРАНИ БУЗГАН

Ливан ҳаво сарҳадларини бузиб ўтиб, мамлакат жанубидаги аҳоли пунктларига ҳужум уюштирган Исроил самолётларига қарши Ливан ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими ишга солинган. Исроилнинг 2 та қирувчи самолёти 20 дақиқа давомида ўз ҳужумларини амалга оширган эдилар.

Ғазо секторидаги Тулкарм шаҳрида эса Исроил қўшинлари "Танзим" гуруҳининг 2 нафар аъзосини йўқ қилганлар. Шунингдек, Тулкармда "Ал Ақсо жафокашлар бригадаси" раҳбари Фадий Жаббер яширинган, дея шаҳар қуршаб олинган ва амалиётлар ўтказилган.

"АЛ ҚОИДА"ДА "ЖИРКАНЧ БОМБА"

"BBC News"нинг хабар беришича, Британия махсус хизмати "Ал Қоида" ташкилотининг бомба ишлаб чиқариш мақсадида радиоактив материаллар тўплаганлиги ҳақидаги маълумотларни ошкор этди. Бу борадаги манбалар Афғонистонда фаолият кўрсатган "Ал Қоида" лагерларидан олинган бўлиб, унга кўра, Усама бин Лодиннинг қурол дастури анчагина такомиллашган. Толибон ҳаракати томонидан етказиб бериб турилган радиоактив материаллардан Ҳирот шаҳридаги ядровий лабораторияларда "жирканч бомба"лар яратилган. Британия ҳукумати айнан шу турдаги бомбалар қўлга киритилмаганлигини тан олган. Бироқ, Ҳиротдаги лабораторияларда ишлаган мутахассислардан камида бир нафари озодликда юрибди.

ДАРАХТНИНГ ҚУЛАШИ ҲАЛОКАТ КЕЛТИРДИ

"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, дарахтнинг қулаши боис, Буюк Британияда мактаб ўқувчиси ҳалок бўлди ва уч нафар бола жароҳатланди. Маълум бўлишича, Серри графлигидаги бошланғич мактабда ўқувчилар тушлик учун навбатда турганлар ва айни вақтда кучли шамол эсаётганлиги боис, каттагина дарахт қулаб тушган, ҳамда бу фожеага сабаб бўлган. Уч нафар жароҳатланган ўқувчиларга эса тиббий хизмат кўрсатилган.

БОЛАЖОН ТЕРМИНАТОР

"Variety" журналининг ёзишича, машҳур киноактёр Арнольд Шварцнеггер халқаро кинематографчилар гильдияси томонидан "Кино санъатидаги эришган муваффақиятлари ҳамда фаол инсонпарварлик фолияти учун" таъсис этилган мукофотга сазовор бўлди. "Арнольд кино саноатини ҳаракатлантирувчи асосий кучлардан бири ва у доимо Голливуддаги энг катта лойиҳаларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келади", дея айтди гильдия раҳбари Генри Боллинжер. Шварцнеггернинг ушбу мукофотга сазовор бўлиши учун унинг кўплаб инсонпарварлик дастурларида, хусусан болажонларга йўналтирилган лойиҳаларда иштирок этганлиги сабаб бўлди. Дарвоқе, Арнольднинг ўзи "Терминатор-3" фильмини тасвирга олиш вақтида елкасидан жароҳат олган эди. Лос-Анжелосдаги Сент-Жонс шифохонасида даволанган киноактёр кеча оиласи бағрига қайтди. 55 ёшли кино юлдуз июнь ойида экранга чиқадиган "Терминатор-3" фильмидаги иштироки учун 30 миллион доллар олди.

10 ЙИЛ ВАҚТ КЕРАК

30 январ бутун дунёда мохов касаллигига чалинганларга ёрдам бериш куни сифатида нишонланади. Бугун ушбу даҳшатли хасталикка дунё бўйича 5 миллион киши чалинган. Ҳозир биргина Ҳиндистоннинг ўзида 3 миллион киши ушбу касаллик билан оғриган бўлса, Нигерия, Бразилия, Вьетнамда ҳам аҳолининг маълум қисмида бу ҳол кузатилган. Россияда эса 750 нафар мохов рўйхатга олинган. Ушбу хасталикни даволаш учун 10 йилга яқин муддат керак бўлади.

"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.

Тақдим қилинган бу йўналишлар фан ва технологиялар маркази томонидан уюштирилган танловда катта-катта суммадаги грантларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Milliy dastur: ta'lim, fan va ishlab chiqarish

ТАДҚИҚОТГА ГРАНТ АЖРАТИЛСА

давлат аҳамиятига молик вазифалар ҳал қилинади

Олимлар изланувчан ва яратувчан халқ. Дунё цивилизациясининг бугунги даражаси, мантиқан қараганда, олимларнинг айнан шу ҳислатга эга эканлигини исботлаб турибди. Башарият тарихида ўчмас из қолдирган буюк кашфиётчилар — Эйнштейн, Ньютон, Беруний, Архимед, Коперник, Улуғбек, Ибн Сино ҳам аслида олим эди. Бу тоифадаги кишиларни қизиқтирган, ташвишлантирган муаммолар ҳамиша давлат, жамият ва шахс манфаатлари билан уйғунлашиб кетганлигининг ўзи уларга нисбатан ишончу эътиқодни юзага келтирган, мустаҳкамлаган. Бундан беш йил муқаддам қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни варақлаб кўрсак, олимлар фаолиятига алоҳида урғу бериб ўтилади. **"...таълим муассасаларида илмий тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрўэътибори ва ижтимоий мақомини ошириш"** кераклиги миллий дастурда белгилаб қўйилганки, бу ҳозирги даврда олимларнинг ўз фаолиятларини аниқ мақсадга йўналтириб олишлари ҳуқуқий ва меъёрий жиҳатдан яна бир карра кафолатлаб қўйилганини ифодалайди.

Тошкент молия институти мамлакатимизнинг банк, солиқ муассасаларига, ҳисоб-китоб юритувчи катта-кичик барча идораларга мутахассис кадрларни тайёрлаб бериш билан бирга худди шу мазмундаги тадқиқотларнинг олиб борилишини ҳам назорат қилиб, ижросини таъминлаётган даргоҳ саналади. Асосан, бу иш, институт кафедраларида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчилар зиммасига тушади. Бу ерда 23 та кафедра мавжуд бўлса-да, уларнинг ҳаммаси ҳам соҳа йўналишидаги тадқиқотлар иштирокчиси эмас. Яъни, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Банк иши", "Иқтисодий назария", "Статистика", "Макроиқтисодиёт" кафедралари олимлари бозор иқтисодиёти шароитига тобора мослашиб бораётган Ўзбекистон ички сиёсатидаги молия, банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар, фонд биржаси, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби, аудит каби йўналишлар бўйича ўз тадқиқотларини режалаштиришга, уни амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда.

Маълумки, илмий тадқиқотлар ўз хусусиятига кўра, қисман фарқланади. Катта-катта лойиҳалар умумдавлат характерига эга бўлиб, у бир кишининг меҳнати билан эмас, балки бир неча муаллифнинг саъй-ҳаракатлари билан юзага чиқади. Фан номзодлиги ва докторлигини ёқлашга қаратилган ишланмаларга эса ўз муаллифининг илмий даража олиши билан нуқта қўйилади. Шу ўринда институт олимлари ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. 2000 йилда профессор-ўқитувчилар сони 265 нафар бўлса, ҳозир улар 308 нафарга етди. Агар фан докторлари бундан уч йил муқаддам 13 нафарни ташкил қилган бўлса, ҳозирга келиб улар 22 кишидир. Худди шундай динамик ўсишни фан номзодлари мисолида ҳам кўрасиз.

Илмий тадқиқот билан шуғулланаётган олимлар олдига одатда яна бир вазифа кўндаланг қўйилади: монография, илмий мақола, дарслик, ўқув қўлланмаси, илмий-оммабоп рисолалар чоп этиш. Бу қайд қилиб қўйишга осон гап. Лекин бунинг орқасида ижодий куч-қувватни, қунтни, лаёқатни талаб қиладиган машаққатли меҳнат ётади. Институт олимлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштирувчи кенгаш қошидаги фан ва технологиялар маркази, шунингдек, олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти билан ҳамкорликда ана шу мақсадни амалга оширишга ҳам ўзларини масъул деб билишмоқда. 2000 йилдан 2002 йилга қадар бўлган давр оралиғида яратилган дарсликлар сони 20 тага, ўқув қўлланмалари сони эса 106 тага етди. Фақат жорий йилнинг ўзида "Менежмент" кафедраси профессори, академик, институт ректори М.Шарифхўжаевнинг "Формирование открытого гражданского общество", "Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар", Ш.Абдуллаеванинг "Банк рисклари ва кредитлаш", А.Ваҳобовнинг "Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши" монографиялари чоп этилди. Профессор Ҳ.Шодиев, М.Ҳамроевлар томонидан нашр қилинган "Молия статистикаси", Ё.Абдуллаевнинг "Статистика назарияси", А.Ваҳобов, А.Иброҳимовларнинг "Молиявий таҳлил", Қ.Усмонов ва М.Содиқовларнинг "Ўзбекис-тон тарихи" дарсликлари ҳам институт олимларининг таълим жараёнини замонавий адабиётлар билан бойитиш ҳақида қайғураётганидан далолат беради.

Биз юқорида илмий тадқиқотларнинг давлат аҳамиятига моликлари катта-катта лойиҳалар асосида амалга оширилишини таъкидлаб ўтдик. Аввало, шу хилдаги тадқиқотларнинг долзарблиги, устуворлиги институт олимлари томонидан чуқур ўйлаб кўрилади ва амалга ошириш учун қўл урилади. Тадқиқот мавзуси ихтисослашган илмий кенгашда муҳокамадан ўтказилиб, амалга ошириш йўл-йўриқлари пишиқ-пухта ишлангач, расмийлаштирилган ҳолда фан ва технологиялар марказига тақдим этилади. Институтда давлат бюджетидан молиялаштириладиган илмий-техник ва фундаментал тадқиқотлар дастури мавжуд. Бунга кўра, тавсия қилинган мавзуларга давлат бюджетидан грант ажратилади. Хусусан, 2001-2002 йилларда фан ва технологиялар маркази билан ҳамкорликда тузилган И-01-104-сонли инновацион лойиҳа бўйича шартнома асосида "Кичик ва ўрта корхоналарни комплекс ривожлантиришнинг концептуал асосларини тадқиқ этиш" мавзусида 3 млн. сўмлик, "Фалсафа" кафедраси 1.1 сонли "Жамиятни эркинлаштириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тадқиқ этиш" мавзуси устида 3 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ишлари якунланди.

Хўш, яқин йилларда амалга оширилиши мўлжалланган илмий мавзуларнинг долзарблиги, амалиёт билан боғланганлик даражаси, рўёбга чиқариш истиқболлари қандай? Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, 2002-2005 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилаётган илмий-тадқиқотларда Ўзбекистоннинг банк ва молия тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодий тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ масалалар қамраб олинганки, улар 6 та йўналишни ҳосил қилади. Тақдим қилинган бу йўналишлар фан ва технологиялар маркази томонидан уюштирилган танловда катта-катта суммадаги грантларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Демак, тадқиқот қоғозда қолиб кетмади, балки уни амалий жиҳатдан юзага чиқариш кафолатланди.

Бозор иқтисодиёти шароитида таълимнинг узлуксиз шакли, ўзининг ижодий томонлари билан тан олинмоқда. Айниқса, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида таълимнинг барча бўғинларида иқтисодий билимларни эгаллаш муҳим ва зарур. "Узлуксиз иқтисодий таълимни амалга ошириш концепцияси"нинг институт олимлари томонидан ишлаб чиқилиши бу жиҳатдан жуда муҳимдир. Уни амалга ошириш учун 12 млн. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда. Тадқиқотга ажратилган грант йилма-йил ва расамади билан сарфланади. Ҳар қандай тадқиқотда аввало иштирокчиларга бериладиган иш ҳақи, харид қилинадиган замонавий ўқув жиҳозлари ёки хизмат сафарларига кетадиган сарф-харажатлар ҳисоб-китоби қилинади. Мисол учун, 2003 йилга юқоридаги тадқиқот учун 3 млн. сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган бўлса, бунда узлуксиз таълим тизимидаги ҳар бир бўғин учун иқтисодий билимлар бўйича бошланғич маълумотлар тўпланади, дастурлар қиёсий таҳлил қилиб чиқилади. Кейинги йилга бориб эса, тадқиқотнинг иккинчи босқичига қўл урилади, яъни, узлуксиз иқтисодий таълим учун дастурлар ишлаб чиқилади. Улар республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштирувчи кенгаш тасдиғидан ўтказилади. Ниҳоят, 2005 йилга бориб, ўқув дастурлари асосида яратилган узлуксиз иқтисодий таълимга доир дарслик ва қўлланмалар чоп этилади.

Грантни қўлга киритган илмий йўналишлар орасида "Тижорат банкларининг ресурс базасини такомиллаштириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш йўллари", "Бюджет тизимининг янги модели шароитида Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни оптималлаштириш", "Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси банк тизимини эркинлаштириш", "Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби янги счетлар режасини жорий қилишнинг назарий ва методологик масалалари" борки, улар бир-биридан мутлақо кам аҳамиятга эга эмас. Тез орада бу лойиҳаларнинг смета ҳужжатлари институт олимларига берилади ва шундан сўнг уларни ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этиш, қисқаси, ечиш жараёни бошланади.

"Давлат гранти ажратилган бу тадқиқотларни амалга ошириш муддати бир неча йилларни ўз ичига олади. Лекин уларни сўнгги нуқтасига етказишда ўзимизга боғлиқ бўлмаган муаммоларга ҳам дуч келамиз. Амалиётсиз ҳеч қандай тадқиқотни пишитиб, охирига етказиб ололмайсиз. Биз эса амалиётдаги мавжуд маълумотларни тўплаш учун турли банк, корхона ва муассасаларга мурожаат қилишимиз, уларнинг ҳужжатларини кўздан кечиришимиз, рақамларни таҳлил қилиб, умумий бир хулоса чиқаришимиз ва шундан сўнггина ишга киришишимиз керак. Илмий тадқиқот натижаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишда ҳам тезкорлик етишмайди. Таҳририятлар кўп ҳолларда илмий-назарий мақолаларни эълон қилгилари келмайди. Ваҳоланки, тадқиқот олиб боришда натижалар эълон қилиниб турилиши керак".

Институтнинг илмий ишлар бўйича ректор муовини, иқтисод фанлари доктори, профессор Ёрқин Абдуллаев таъкидлаганидек, мўлжалга олинган тадқиқотни сўнгги нуқтасига етказишда учрайдиган муаммолар ҳам, аслида қийинчилик билан бўлсада, бартараф этилади. Ва бир нечта босқични ўз ичига олган тадқиқотларга ажратилган маблағлар эвазига давлат аҳамиятига молик энг устувор вазифалар ҳал этилади. Демак, грантлар ҳам ўзини оқлайди.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

"ҚУДДУС — АБАДИЯТ ТИМСОЛИ"

Тошкентдаги Замонавий санъат марказида исроиллик мусаввир Михаил Левитнинг "Қуддус — абадият тимсоли" мавзуидаги фотокўргазмаси намойиш этилмоқда.

Қуддусни яҳудийлар, мусулмонлар ва насронийлар муқаддас шаҳар деб биладилар. Чунки бу ерда уч дин қадамжолари мавжуд. Ҳозирда мазкур уч буюк муқаддас гўша бутун дунё зиёратчиларининг қадамжосига айланиб қолган. Қуддус Муҳаммад алайҳиссаломнинг еттинчи осмонга кўтарилган жойи Ал Ақсо номи билан тилга олинади. Исроиллик суратка-шнинг фото асарларида Қуддуси шарифнинг муқаддаслиги акс этган.

— Деярли 35 йилдан бери ижод қилиб келаётган Михаил Левит Самарқандда таваллуд топган, — деди марказ санъатшуноси Саида Илҳомова "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ҳозир у Исроилда яшаб ижод қилади. М.Левит кўплаб халқаро, шунингдек, бир неча шахсий кўргазмалар иштирокчиси. Унда бошқа суратка-шларнинг назари тушмаган, ўзига хос бўлган табиийликни илғаш кучли. Левит асарларида, гарчи кўз ўнгингизда тасмада қотиб қолган лавҳа тасвирланган бўлса-да, унда сиз оламнинг бутун уйғунлигини, ўзгарувчан ва ранг-баранглигини ҳис этасиз.

Кўргазмага қўйилган "Қуддус қиёфаси" туркумидаги суратларда донишмандлик, ғамгинлик, умидсизлик ҳамда қувонч, ишонч ва муҳаббат портретлари акс этади.

"Туркистон-пресс"

МУСИҚАГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Болалигидан мусиқага, қўшиққа ҳавас қўйган Ойбек улғайганда мусиқа ўқитувчиси бўламан, деб дилига тугиб қўйган бўлса, ажабмас. Ана шу мақсад унинг ўрта мактабда ўқиш билан бирга мусиқа мактабида ҳам таҳсил олишига туртки бўлди.

Мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ миллий ижрочилик бўйича ўтказиладиган вилоят кўрикларида совринли ўринларни эгаллар эди.

Мактабни имтиёзли битирган Ойбек Жалилов Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг мусиқа факультетига ўқишга кирди. Ўқиш сиртқи бўлганлиги сабабли ўзи ўқиган мусиқа мактабида ёшлигида орзу қилганидек мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. Мусиқанинг нозик сирларидан ўқувчиларга сабоқ берди. Мусиқа мактабидаги фаолияти давомида О.Жалилов бир қанча шогирдлар етиштирди. Бу шогирдларнинг барчаси мусиқани жон-дилидан севувчи, интилувчан ёшлардир.

Ҳарбий хизматга чақирилган Ойбек мактабдаги фаолиятини маълум муддатга тўхтатиб турди.

Аскарлик даврини ҳам мусиқа билан ҳамоҳанг ўтказди. Фарғона водийсида хизмат қилаётган О. Жалилов вилоятда ўтказилган "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўрик- танловида ҳам муваффақиятли қатнашди. Ойбекдаги иқтидор унинг "Чегара қўшинлари" ашула ва рақс ансамблида ишлашига туртки бўлди: "Чегара қўшинлари"да фаолиятини бошлаган Ойбек Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб ўтказиладиган "Умид юлдузлари" кўрик-танловларида ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Бўш вақтларида атрофига дўстларини, шогирдларини тўплаб, мусиқанинг сеҳрли сирларини ўргатади ва ўргатиш давомида ўзи ҳам ўрганиб, доимо изланишда давом этади. Киши меҳр билан бирор бир касбга интилса, албатта, у шу касбнинг моҳир устаси бўлиб етишади.

М.АҲМЕДОВА

"КУРАШ" ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА КИРИТИЛДИ

Осиё Олимпия кенгашининг Қувайтда бўлиб ўтган XXII Бош Ассамблеясида ўзбек кураши Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. Шундай қилиб, 2003 йил 24 январ тарихимизда унутилмас саналардан бирига айланди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида ўтказилган матбуот анжумани айнан шу воқеага бағишланди.

— Эндиликда Осиёнинг барча мамлакатларида кураш спортнинг расмий тури сифатида тан олинди, — деди Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Комилжон Юсупов. — Бундан буён Осиё ўйинларида кураш бўйича ҳам медаллар учун беллашувлар ўтказилади. Демакки, Осиёдаги ҳар бир давлат курашни ривожлантиришдан манфаатдор бўлади. Шуниси диққатга сазоворки, кураш 1998 йилда халқаро майдонга чиққан бўлса, атиги тўрт йил ичида қитъа Олимпия қўмитаси томонидан тан олинди.

Ўтган йилнинг октябр ойида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинлари пайтида Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмаднинг қўллаб-қувватлаши билан курашнинг расмий тақдимот маросими ўтказилганди. У курашнинг Осиё Олимпия Кенгаши томонидан расман тан олинишида муҳим аҳамият касб этди.

— Хорижий ўлкаларда ўзбек кураши бўйича ўтказилган мусобақаларда иштирок этганимда шунга амин бўлдимки, — деди Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, — унинг қисқа муддатда ўзгалар қалбига кириб бориши, курашимиздаги миллий руҳ, бағрикенглик ва ҳалолликдадир. Шу фазилатлар сабабли ҳам ўзбек курашига нисбатан барча халқларда қизиқиш уйғонди. Хорижлик отаоналарга курашимизнинг одамга мутлақо жароҳат етказмаслиги ёқиб қолди. Шу туфайли ҳам улар фарзандларини спортнинг айнан шу тури билан шуғулланишларини исташмоқда.

ЁШЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

Андижондаги Олимпия ўринбосарлари коллежида енгил атлетика ва спортнинг бошқа йигирма беш тури бўйича мусобақалар ўтказиладиган ҳамда ёпиқ спорт майдонини ўз ичига олган спорт мажмуи қурилиши якунланмоқда.

Мазкур мажмуада ёшларнинг оғир атлетика, бадиий гимнастика, бокс ва курашнинг кўплаб турлари билан шуғулланишларига имкон яратилади. Бу ерда шунингдек, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, баскетбол, волейбол, қўл тўпи спорт майдончалари, йигирма минг ишқибозларни сиғдирадиган ўйингоҳ ҳам қурилади. Мазкур спорт мажмуи жорий йилнинг апрел ойида "Баркамол авлод — 2003" мусобақалари арафасида фойдаланишга топширилади.

—Ушбу спорт мажмуи ўсиб келаётган авлодни соғлом турмуш тарзида тарбиялашга қулай имкониятлар яратган. Юртбошимизнинг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонини ҳаётга тадбиқ этишда ўзига хос жавоб бўлади, —деди вилоят спорт қўмитаси раисининг ўринбосари Улуғбек Убайдуллаев "Туркистон-пресс" мухбирига. —Ушбу мажмуа андижонлик ёшларнинг барча фаслларда деярли ҳамма спорт турлари билан шуғулланишларига имкон беради.

У.Убайдуллаевнинг таъкидлашича, айни пайтда вилоятнинг шаҳар, қишлоқларида 4 та сузиш ҳавзаси, 26 та ўйингоҳ, 543 та ёпиқ спорт заллари ва 3 минг 224 та спорт майдончалари ишлаб турибди. Уларда 656,6 минг нафар мактаб ўқувчилари ўнлаб спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказаётир. 204 минг нафар болалар эса дарсдан ташқари пайтда спорт тўгаракларида қатнашмоқда.

—Вилоятдаги мактаблар ва ўрта махсус таълим даргоҳларида жисмоний тарбиянинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳафтасига 4-6 соатлик жисмоний тарбия дарсини ўтиши учун жисмоний тарбия педагогларининг сонини кўпайтириш талаб этилмоқда, — деди У. Убайдуллаев сўзининг якунида.

"Туркистон-пресс"

БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар бошлаб юборилди. Яқинда Каттақўрғон туманидаги 2-, Самарқанд шаҳридаги 51-умумтаълим мактабларида спортни ривожлантириш масалаларига бағишланган вилоят амалий семинар-кенгашлари ўтказилди.

Ушбу анжуманларда барча туман, шаҳар ХТБ мудирлари, спорт ишлари бўйича услубчилар ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорлари иштирок этдилар ва ҳар икки тумандаги мактабларгаги мавжуд спорт иншоотларининг шароитлари билан яқиндан танишдилар. Кези келганда шуни айтиш керакки, спорт иншоотларига эга бўлмаган мактабларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ишлари ҳам вилоятда бирмунча жонланди. Яқинда Булунғур туманининг Эрганакли маҳалласида яшовчи тадбиркор Мамаражаб Тўраев ўз маблағи ҳисобидан 35-умумтаълим мактаби ўқувчиларига замонавий спорт зали қуриб берди.

Ўз мухбиримиз.

Муҳтарам Мамажон АҲМЕДОВ!

Сизни умрингизнинг 55 баҳори билан чин дилдан қутлаймиз. Эл-юрт хизматидаги сермашаққат ва масъулиятли ишларингизга ривож, оилангизга фаровонлик, ўзингизга соғлиқ тилаймиз. Фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриш насиб этсин!

"Маърифат" газетаси жамоаси

ЛЬЮИС РИНГДАН КЕТАДИМИ?

Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақти-соати, даври тугагач, рақобатли курашда чеккага чиқиши тайин. Лекин, ана шу чекиниш икки хил: яъни яхши ёки ёмон тарзда кечиши мумкин.

Айниқса бу ҳолат машҳур кишиларда ўзгача кечади. Шу маънода америкалик Майк Тайсонни мағлубият аламини татиб кўришга мажбур этган британиялик 37 ёшли чемпион Леннокс Льюис катта спортдан кетишга тараддуд кўрмоқда ва нияти фахрий боксчи сифатида тарихда қолишдир. Лекин, бунинг учун у бу йил 2-3 та жанг ўтказиши керак. Льюиснинг мураббийи Эмануэль Стюартнинг айтишича, июнь ойларига бориб британиялик боксчи Тайсонга қарши жанг ўтказиши кутилмоқда. Сўнгроқ эса украиналик Виталий ҳамда Владимир Кличколар билан рингда учрашади. Яқинда оммавий ахборот воситаларида апрель ойи ўрталарида Льюис — Кличко учрашуви ўтказилиши ҳақида шартнома тузилганлиги эълон қилинганди. Аммо, ҳозирча ушбу учрашув ортга сурилмоқда.

КАФЕЛЬНИКОВ ЧОРАК ФИНАЛДА

Италиянинг Милан шаҳрида АТР таснифига кирувчи "Milan Indoors" турнирида иштирок этаётган россиялик ракетка устаси, теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубогининг ўтган йилги соҳиби Евгений Кафельников чорак финалга йўлланма олди. У даниялик рақиби Кристиан Плессни 6:4, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энди 28 ёшли Евгений италиялик Андреа Гауденцини 6:2, 6:1 ҳисобида енгган Швеция вакили Йонас Бьоркманга қарши кортга тушади.

Эслатиб ўтамиз, соврин баҳоси 380 минг еврони ташкил этган ушбу турнир чемпионлиги ўтган йили мезбон Дэвид Сангуинеттига насиб этган.

КАСПАРОВ КОМПЬЮТЕРГА ҚАРШИ

Нью-Йорк шаҳридаги "Инсон машинага қарши" номи остида ташкил қилинган шахмат мусобақасида Гарри Каспаров "Deep Junior" компьютер дастурига қарши ўйнаётган эди. Биринчи партияда Каспаров техника устидан ғалаба қозонган бўлса, 2-партияда эса учрашув дуранг натижа билан якун топган эди. Бироқ 3-партияда компьютернинг имкониятлари кучлилик қилди. Негаки, Каспаров 32-юришда хатоликка йўл қўйди. 3 соату 45 дақиқа давом этган ўйиндан сўнг инсон ва машина ўртасидаги умумий ҳисоб 1,5:1,5 бўлди. 6 партиялик учрашувнинг 4-партияси эртага ўтказилади. Соврин баҳоси бир миллион долларни ташкил этувчи бу турнирда Каспаров иштирок этганлиги учун 500 минг доллар олади. Қолган 500 минг долларнинг эса 300 минг доллари ғолибга, 200 минг доллари эса мағлубга берилади. 1997 йили эса IBM "Deep Blue" дастури билан куч синашган бу россиялик гроссмейстердан омад юз ўгирган эди. Ҳозир эса олдинда яна уч учрашув бор. Инсоннинг компьютер устидан ғалаба қозонишига умид қилса бўлади.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ

Англия футбол ассоциациясининг маълум қилишича, "Европа—2004" чемпионатининг саралаш баҳсларида Англия терма жамоаси 11 июнь куни Словакия жамоасига қарши майдонга тушади. Мазкур учрашув Миддлсбродаги 35 минг мухлисга мўлжалланган "Риверсайд" ўйингоҳида бўлиб ўтади.

Йиллар ўтиб англадим ўша ажиб сеҳрни,
Ҳеч ким тортиб ололмас, қондан кирган меҳрни.

Ko'ngil bitiklari

БУВИЖОНИМГА

Шоир Ҳамид Олимжоннинг онаси, бувим Асолатхон ая хотирасига

Бувижоним эсласам кўнглим кундек ёришар,
Райҳон ҳиди қуйилар димоғимга ҳамиша.
Кўз олдимга келади фаришталы бир чеҳра,
Ҳеч кимга ўхшатмайман бувижонимни сира.
Тўлин ойнинг нурига чайилган каби юзи,
Табассумла боқарди, сурмалик қора кўзи.
Айтган ҳар бир сўзлари дур ила гавҳар эди,
Кўрган одам дийдорин яна бир кўрсам дерди.
Нафис қоматларига либослари ярашиқ,
Саҳар салом берарди жамбилдек бўй таратиб.
Сўйлаган эртаклари ёлғон эмас, чин экан,
Ялмоғизу жодугар ҳаётдан талқин экан.
Кумуш тойчоқ, гиламлар, қанча матал, эртаклар,
Эзгуликдан сўзлайди, яхшиликка етаклар.
Йиллар ўтиб англадим ўша ажиб сеҳрни,
Ҳеч ким тортиб ололмас, қондан кирган меҳрни.
Эсласам, хотирамда тунда ой каби балқар,
Кўзимда юлдузлардек соғинч ёшлари қалқар.

Зуҳро УБАЙДУЛЛО қизи,
Тошкент фармацевтика институти ўқитувчиси

ҚИЗИМГА

Атиргулдек ўстирдим,
Тикони менга бўлсин.
Шамоллардан асрадим,
Тўзони менга бўлсин.

Ўзим ичмай ичирдим,
Асали сенга бўлсин.
Бўз ҳам кийсам майлига,
Атласи сенга бўлсин.

Қора тундан сўрадим,
Кўз-қоши қора бўлсин.
Юлдузларга ўтиндим,
Юлдуздек сара бўлсин.

Она қуёш тафтидан,
Оташ зиё сўрадим.
Меҳримни қуёш қилиб
Оппоқ нурга ўрадим.

Атиргулдек ўстирдим,
Тикони менга бўлсин.
Шамоллардан асрадим,
Тўзони менга бўлсин.

ШУКРОНА

Оллоҳки давлатманд қилди,
Меҳридан баҳраманд қилди,
Чойингни тотли қанд қилди,
Инсонлигинг намоён эт.

Саховатдан бошга кий тож,
Савоб ишга қил эҳтиёж,
Манманлигу кибрдан қоч,
Инсонлигинг намоён эт.

Нафс йўлида бўлма банда,
Нон-туз бериб, этма таъна,
Яхшиликни қилма канда,
Инсонлигинг намоён эт.

Учма фоний бу чиройга,
Ҳамма борар битта жойга.
Айланамиз тупроқ, лойга,
Инсонлигинг намоён эт.

TANLOV

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Кафедра мудири (фан доктори ёки доцент):
инглиз тили, немис тили, рус тили.

2. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди:
иқтисодий назария, фалсафа, экология, ёниш жараёнларининг назарий асослари, телевидение асослари, радиоэлектрон аппаратларини лойиҳалашни автоматлаштириш, радиоэлектрон тизимларини технологияси ва конструкциялаш, системали дастурий таъминот, эксперт системалар, дастурлаш технологияси, тасвирларни қайта ишлаш усуллари.

3. Ўқитувчи, катта ўқитувчи:
менежмент асослари, бошқарув назарияси асослари, автоматлаштирилган бошқарув тизимини қуриш асослари.

Ҳужжатларни (ариза, шахсий варақа расм билан, илмий даража, илмий унвон ва маълумоти ҳақидаги дипломлар нусхалари, илмий ишлар рўйхати) қуйидаги манзилга тақдим этиш мумкин:

700017, Тошкент — 17, Шароф Рашидов шох кўчаси — 23, телефон 136-00-36, 133-45-07, 34-65-38.

"ТЕРТА" КРОССВОРДИ



БЎЙИГА: 1. Ўсимликлар дунёси. 2. Ширинлик тури. 3. Словения пул бирлиги. 4. Андижон вилоятидаги туман. 5. Гана пойтахти. 6. Чехия пул бирлиги. 7. Италия терма жамоаси сардори — ... Мальдини (футбол). 8. Яман билан чегарадош давлат. 9. Қозоғистон пул бирлиги. 10. Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти. 11. "Арсенал" бош мураббийси ... Венгер. 16. «Болалар» гуруҳи солисти. 18. Дин. 20. Гўзал, ҳуш. 22. Сурхондарё вилоятидаги туман. 27. Хоразм вилоятидаги туман. 28. Россия футбол жамоаси. 29. Миллат. 30. "Реал"нинг франциялик легионери — Зинедин ... 31. Ҳам дарё, ҳам туман, ҳам таом номи. 32. Қофияни ҳосил қилувчи ҳарф. 33. «Шаҳзод» гуруҳи солисти. 34. Шимолий Африкадаги давлат. 35. Ёрдам, кўмак. 36. Италия футбол жамоаси. 37. Африкадаги давлат. 42. Сенегал пойтахти. 44. Дунё томонларидан бири. 46. Ноёб, бебаҳо. 48. Қашқадарё вилоятидаги туман. 53. Хитой пойтахти. 54. Мева тури. 55. Нордон. 56. Нукуалофа 57. Тоза, пок. 58. Финландия пул бирлиги. 59. Қизлар исми. 60. Йиртқич, босиқ. 61. Ўзбек автоси. 62. "Брешиа" жамоаси сардори. 63. Рус рассоми.

ЭНИГА: 1. Жиззах вилоятидаги туман. 4. Юнонистон пойтахти. 7. Бухоро вилоятидаги туман. 10. «Авесто»даги патриархар оила. 12. Узун эмас. 13. Японияда шаҳар. 14. Белоруссия пойтахти. 15. Театр ёки кинода рол ўйновчи шахс. 17. Хонанда — ... Ниёзметова. 19. ... олма, дуо ол. 21. Хартум. 23. Чўл дашт. 24. Сальвадор пул бирлиги. 25. Дуккакли ўсимлик. 26. Тунис пул бирлиги. 27. Англия футбол юлдузи — Алан ... 30. Жиззах вилоятидаги туман. 33. Доғистонлик ёзувчи ... Ҳамзатов. 36. Байрут. 38. Қаршилантириш санъати. 39. Мустақил сўз туркуми. 40 Лихтенштейн пойтахти. 41. "Ювентус"нинг хорватиялик легионери. 43. Қашқадарё вилоятидаги туман. 45. Копенгаген. 47. Кино мукофоти. 49. Эквадор пул бирлиги. 50. Ўн минглик ҳарбий блок. 51. Попов ихтироси. 52. Доха. 53. Франция пойтахти. 56. "Интер" дарвозабони Франческо ... 59. Германия футбол жамоаси. 62. "Бобурнома" муаллифи. 64. Машҳур Голландия футбол юлдузи — ... Круйф. 65. Бадиий асарда акс эттирилган инсон сиймоси. 66. Ўрта асрларда иморатга пардоз берувчилар. 67. Милан Ҳимоячиси — Алессандро ... 68. Нигерия футбол юлдузи — Аугустин ... 69. Болтиқ бўйи давлати. 70 Техас штати маъмурий маркази.

Тузувчи: Илҳом ЎРОЛОВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-127.
Тиражи 33 034. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Насиба ЭРХОНОВА.
Навбатчи: Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳririятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00